

АҲМАД
АБДУЛЛАЕВ



АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАД АБДУЛЛАЕВ

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ

О.ш.и. ва фанш.ма.и.
Ў.ш.и. ва таълим.ш.и.
Бобоназар м.ш.и.
Муртазоева
А.ш.и. Муртазоева
4.12.2013

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2003

Ушбу китобда туркистонлик улуғ шоир Адиб Собир Термизий (1078-1147) ҳақида ҳикоя қилинади. Унда шоирнинг ҳаёти, ижоди ва сиёсий фаолияти биринчи мартаба ўзбек тилида кенг кўламда ёришиб берилган.

Масъул муҳаррирлар: Иқтисод фанлари номзоди, доцент АВАЗОВ Эргаш Хидирбердиевич ва катта ўқитувчи Бердимуродова Мақсуда Раҳматовна

Тақризчилар: Филология фанлари доктори профессор Нажмиддин КОМИЛОВ ва филология фанлари доктори Қудрат Жўраев

Муаллиф мазкур китобга ҳомийлик қилган Термиз Давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Хидирназар Аллақуловга ўз миннатдорчилигини билдиради.

ISBN 5-633-01483-9

© Аҳмад Абдуллаев. «Адиб Собир Термизий».
«Янги аср авлоди», 2003 йил.

*1937 йилда қатағон қурбони
бўлган пағари бузрукворим Аб-
дулла Тўрақул ўғли хотирасига
бағишлайман.*

МУҚАДДИМА

XI асрнинг тўртинчи чораги ва XII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган улуг ҳамшаҳримиз Адиб Собир Термизийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида XII асрда битилган Абутоҳир Хотунийнинг «Маноқиб уш-шуаро» сидан бошлаб то XIX асрда ёзилган Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажма ул-фусаҳо» ситача барча тазкира китобларда мухтасар маълумотлар берилган. Инчунин, унинг элчи ва давлат арбоби сифатида қўрсатган сиёсий фаолияти хусусида ҳам XII асрда битилган «Тарихи оли салжук» китобидан бошлаб ҳозиргача барча тарихий асарларда хабар ва ривоятлар келтирилган. XIX асрдан эътиборан рус ва хорижий шарқшунослар ва шарқшунос тарихчилар орасида ҳам Адиб Собир Термизийнинг номи маълум ва машҳурдир.

Октябр тўнғаришидан кейин рус ва тожик адабиётшунослари томонидан Адиб Собир ҳақида маълумот сифатида икки-уч мақола эълон қилинди. Машҳур Эрон олими Сайид Нафисий эса «Армуғон» журналида биринчилардан бўлиб Адиб Собирнинг ҳаёти ва фаолиятини мақола тарзида ёритиб берди. XX асрнинг олтинчи йилларигача Адиб Собир ҳақидаги мавжуд маълумотлар мана шулардан иборат эди.

1960 йилдан бошлаб шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва уни илм оламига олиб чиқиш вазифаси бизнинг зиммамизга тушди ва қирқ йилдан буён бу жабҳада бизнинг кўплаб мақолаларимиз ва илмий рисоаларимиз эълон қилинди. Шоирнинг шеърлари эса кенг ва чуқур таҳлил этилган муқаддима ҳамда изоҳлар билан бир неча бор нашр этилди. Қадимий қўлёзмалар асосида тайёрланган шоир шеърларининг илмий-танқидий матни ҳам бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли яқинда Техронда босилиб чиқди.

Адиб Собир Термизий шахсияти ўзбек китобхоналарига 1960 йилгача деярли нотаниш эди. Кейинги йиллар биз томонимиздан тайёрланган ва нашриёту матбуотда эълон қилинган мақолалар, мажмуалар ва монографиялар асосида шоир ҳақида анчагина мақолалар, жумладан, профессор А.Ҳайитметов, профессор Иброҳим Ҳаққулов, доцент Жаббор Эсонов ва бошқа тадқиқотчиларнинг мақолалари ўзбек тилида эълон қилинди. Унинг шеърлари таржима қилиниб, китоб ҳолида босилиб чиқди.

Хусусан, шоирнинг ватани Термизда у ҳақида мақола ёзиш кенг қанот ёйган. Бирон бир асл манбани кўрмасдан, билиб-билмай шоир ҳақида айтилган гапларни такрорлаб, таржима қилиб, мақолалар ёзиш анъана тусини олди. Шахсан мен бундай ҳолатнинг тарафдори эмасман. Мен Адиб Собир Термизий сиймосини маълум қилиш учун ўзбек тилида анчагина мақолалар ёзганман. Ушбу рисола биринчи бир ўзбек тилида эълон қилинмоқда. Унга жузъий таҳрирлар киритган ҳамкасб дўстим доцент Жаббор Эсоновга ташаккур билдираман.

ВАТАН ОҒУШИДА

Шаҳобиддин Адиб Собир ибн Исмоил Термизий XI–XII асрларда яшаган машҳур шоир бўлиб, 1078 йилда Термиз шаҳрининг Дуоба маҳалласида дунёга келди. Дуоба маҳалласи XI–XII асрларда Термизнинг қоқ ўртасида, Сурхон дарёсидан шаҳар томон оқётган катта ариқнинг бўйида жойлашган эди. Ўз шеърларида таъкидлашича, шоирнинг исми «Собир», куняти (фахрий номи) «Шаҳобиддин» (баъзи манбаларда «Жалолиддин»), адабий лақаби «Адиб» ва нисбаси (мансублик мавзеи) «Термизийдир». Отасининг номи «Адиб Исмоил» эди. Маълум бўладики, «адиб» сўзи ўрил номига отасининг исмидан қўшилиб кетгандир. Умуман олганда, «адиб» лақаби заковатли илм аҳли ва донишмандларга берилади ҳамда уларнинг фазилати, билими, адабий салоҳияти шу сўз орқали маълум бўлади.

Бас, шундай экан, Собирнинг отаси Адиб Исмоил чинакам билимдон ва фозил инсон бўлган. У кишининг шеърини бобидаги салоҳияти ишончли манбаларда қайд этилган. Бу ҳақда тазкира китобларида маълумотлар берилган бўлиб, ўша китобларда у кишининг асарларидан олинган парчалар ҳам қайд қилинган. Адиб Собир замондошлари орасида баъзан «Собир ибн Исмоил» номи билан ҳам машҳур бўлган. Ўзининг номи, отасининг исми, лақаби, куняти ҳақида шеърларида ва замондошларининг шеърларида ишоралар мавжуд. Жумладан, шоир ёзади:

*В-агарчи дар ҳаводис сабр беҳтар,
Наям бе ту чу номи хеш Собир.*

Мазмуни:

*Воқеа-ҳодисага сабр-бардош қилиш ақлдангир,
Аммо менинг номим Собир, яъни сабр-бардошли
бўлса ҳам, сенсиз ҳеч қачон сабр қилолмайман.*

* * *

*Инак Адиб аз сари ихлосу эътиқод
Бо онки нест санъати ў шеър у шоирӣ.*

Мазмуни:

*Ихлосу эътиқод ила, эй Адиб, қасидангни юборгил,
Гарчанд сен илм аҳлидансану шоирлик санъатини
назар-писанд қилмайсан.*

Адиб Собирга бағишланган Рашидиддин Ватвотнинг қуйидаги шеърларига эътибор қилайлик:

*Табъат, эй Собир ибн Исмоил,
Ҳаст дарё, ки дур ҳамезояг.*

Мазмуни:

*Эй Собир ибн Исмоил, шеърини бобидаги сенинг табъ-
инг гурру гавҳарлар берадиган дарёга ўхшайди.*

* * *

*Шаҳобиддин сипеҳри фазл Собир,
Фазойил ҳаст зотатро ба фармон.*

Мазмуни:

*Шаҳобиддин, фазл осмони, эй Собир,
Сенинг асл зотинг фазлу заковатдан яралгандир.*

Адиб Собир Термизий XII асрнинг биринчи ярмида истиоралар билан тўла ироқий шеърый услубдан фарқли содда услуб тарафдори сифатида машҳур бўлди. Бу халқона услуб эса Рудакийдан бошланган эди ва шунинг натижасида Адиб Собир замондошлари орасида «Рудакийи соний», яъни «иккинчи Рудакий» лақаби билан ҳам шуҳрат қозонган эди.

Адиб Собир дастлабки билимларни ўз оиласидан олиб, отаси Адиб Исмоилдан шеъроят санъатини ўрганди. Кейин мактабда ўқиди. Ундан сўнг Термиз мадрасаларида таҳсил ола бошлади. Кейинчалик у, тазкиранавис Лутфалибек Озарнинг айтишича, ўқишни Хуросоннинг Ҳирот шаҳрида давом эттиради. Мадрасада адабиёт, тарих, фалсафа ва диний билимлар билан бир қаторда дунёвий илмлар, жумладан, астрономия ва математикани ҳам эгаллади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

Бақойи давлати ў устивор хоҳаг буг,

Чунонки ҳайъату таркиб устувори ман аст.

Мазмуни:

Ҳомий шоҳимнинг давлати-ю бойлиги мангу ва абадий бўлсин,

Шундайки, астрономия ва математика менинг номимга устувор ва мангудир.

Адиб Собир мадраса таҳсилидан кейин ватани Термизга қайтиб, шеъроят билан машғул бўлди. Унинг шеърлари гуманистик ва ватанпарварлик роялари билан сурғорилган эди. Бу XI аср охири ва XII асрнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда Адиб Собирнинг ватани Термиз салжуқийлар сулоласи ихтиёрида эди. Салжуқий Алп Арслондан (1063-1072) кейин Хуросон ва Эронда Султон Маликшоҳ (1072-1092) ҳукмронлик қилди. Маликшоҳ вафотидан сўнг ўғли султон Беркёруқ (1092-1107) тахтга чиқди. Ундан кейин Маликшоҳнинг бошқа бир ўғли — Султон Муҳаммад (1107-1118) тож-тахт соҳиби бўлди. 1118 йилда салжуқийлар мулки Султон Санжар қўлига ўтди ва у 1156 йилгача мамлакатни бошқарди. Султон Маликшоҳ даврида салжуқийлар Исфаҳон

шаҳрини ўзларига пойтахт сифатида танлаган эдилар, Султон Санжар даврида эса уларнинг пойтахти Марв шаҳрига кўчиртирилди.

Мана шу оралиқда, яъни XI асрнинг тўртинчи чораги ва XII асрнинг биринчи ярмида салжуқийлар ўз ноиблари орқали Термизни бошқариб турардилар. Уларнинг султонлари бу муқаддас шаҳарга баъзан ташриф буюриб, ноиблари билан учрашиб, яна пойтахтларига қайтиб кетардилар. Баъзан ноибларини ўз пойтахтларига чақиртириб, улар билан маслаҳат ва машваратлар ўтказардилар.

Адиб Собир Термизийнинг берган маълумотига кўра, XII асрнинг бошларидан бошлаб унинг ватани Термизда Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар ал-Мулавий номли зот ноиб бўлган. У Султон Санжар номидан Термизни бошқарган. Адиб Собирнинг гувоҳлик беришича, Султон Санжар мазкур зотни «биродар» деб атаган. Султон Санжар Абулқосим Алини кўриш ва зиёрат қилиш учун баъзан махсус Термизга келиб, у кишига ҳадялар бахшида этган. Абулқосим Али ҳам ўз навбатида Султон Санжарнинг таклифи асосида унинг қароргоҳига бориб турган. Бу ҳақда шоирнинг сўзларига қулоқ солайлик:

*Агарчи беҳтарини халқи оламро писар бошаг,
Бузургиро падар шуг, то бародар хонг султонаш.*

* * *

*Қадраш баробари фалаку ёфта ба қадр
Аз Хусрави замона хитоби бародарӣ.*

* * *

*Ёфтӣ бо иқтироҳ аз подшоҳи шарқу ғарб
Хилъату ташрифу аспу жомаву теғу силоҳ.
Мазмуни:*

*Ғарчи бутун олам халқининг энг яхши фарзандларидансан,
Бузрукворлик ва улўворликда ҳаммага ота ҳисобланасан
ва бу ҳақда Султон (Санжар) нинг «биродар» деб хитоб
қилиши ҳам гувоҳ бўла олади.*

* * *

Қадр-мартабада фалаксимонсен, аммо қадрлашга замонанинг улуғ Хисравидан «биродарлик» хитобига эга бўлгансан.

* * *

Шарқ ва ғарб подшоҳидан ҳурмат-тавозу ила топтинг сен:

Хилъатлару ташрифлар, кишнаган оплару заррин тўнлар ҳамда қилич-қалқонлар (яъни шамишур ва жангларда ишлатиладиган силоҳлар).

Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарнинг Термиз ноиби эканлигига Адиб Собирнинг кейинги шеърлари ҳам далил бўла олади. У кишига атаб шоир ёзди:

*Дар замони ағлу динаш Тирмизу атрофи ў
Карху Бағдоғ аст пиндорию Мисру Бобил аст.*

Мазмуни:

Унинг (Абулқосим Алининг) ағлпарварлиги ва динпарварлиги натижасига, Термиз ва унинг атрофидаги мавзелар Кархга ўхшаган обод боғу гулзорга, Бағдоғга ўхшаган гўзал шаҳарга, Мисрга ўхшаган баланд маданиятли ва тараққий топган диёрга ва Бобилга ўхшаган ривожланган қадимий манзилга ўхшаб кетди.

Ёхуд:

*Баста кушояғ инояти ту ба Тирмиз,
Фитна нишонағ хитоби ту ба Самарқанд*

Мазмуни:

Сенинг иноятинг билан Термизда барча тугунлар ечилиб кетди,

Сенинг хитоб-амринг ила Самарқанддаги фитналар босилиб кетди.

Шу тариқа, Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар XII асрнинг биринчи чорагида ва ундан кейинги

йилларда ҳам салжуқийларнинг ноиби сифатида Термизда иш юритган. Бу зотнинг кимлиги ҳақида Адиб Собир Термизий жуда ишончли ва аниқ маълумотлар беради. Масалан, шоир у кишини қуйидаги сифатлар билан таърифлайди: «Хуросон мулкининг раиси», «шараф ва бузрук ирқли», «шарқ ва ғарб сайидулсодати», «шарафларнинг фахрияси», «имомат давомчиси», «мамлакатнинг шариатпаноҳи ва умдатулисломи», «нубувват (пайғамбарлик) хонадонининг шамчирори», «имом Жаъфар Содиқнинг вориси», «Ҳайдар қалбли ва Зухро насабли», «шиаларнинг тождори», «маолию маонилар (насаб ва маънилар) юзасидан Алию Фотима унинг отасию онаси», «яхшилик ва малоҳатлар эгаси», «адолат қоидаси ва дин тарозиси», «аҳлулбайт садрулсодоти», «килку китоб ва насру назм соҳиби», «набавия (пайғамбарлик) сулоласининг етакчиси», «султонлар сафдоши», «айтганлари юнонча ҳикматли сўзларга монанд», «нутқи «Занд-Авесто» маъноларидан нишона», «қадр-мартабада ҳаммадан олий», «маҳфилларнинг офтоби», «сиёсатшунослик, раҳбарлик, қабул қилиш, рад этиш, туҳфа-ҳадялар беришда тенги йўқ киши», «оламга машҳур сайид ва амир», «ислом динининг шарофатли намояндаси», «шарқ ҳокими ва ғарб муфтийси» ва ҳоказолар.

Шоир мазкур шахсни бисотидаги мавжуд барча мақтов сўзлари билан мадҳ этади, у кишининг сифатларини бирмабир, ҳар бир қасидасида санаб ўтади. Мазкур тавсифлардан маълум бўладики, Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар термизлик машҳур сайидлар хонадонидан ва XII асрнинг биринчи чорагида уларнинг нақиби (раҳбари, пешвоси) бўлганлар. У киши мазкур сифатлари сабабли ҳақиқатан салжуқийлар давлатида бениҳоя ҳурмат-иззат топиб, уларнинг Термиздаги ноиби даражасига кўтарилиб, йиллар давомида шу вазифада фаолият кўрсатганлар. Яъни Мажидиддин Абулқосим Али Адиб Собирнинг йигитлик давридан бошлаб Термизда салжуқийлар сулоласининг ноиби ва сайидлар хонадонининг нақиби лавозимида иш юритган.

У кишининг сайидлик насаби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) га бориб тақалади. Шажаранинг қисқартирилган хулосасига биноан аждодлари Муҳаммад Мустафо (с), Фотима, Али, Имом Ҳусайн, Имом Зайнулобиддин, амир Убайдулла, имом Жаъфар Содик ва у кишининг ўғиллари Имом Мусо Ризо эдилар. Адиб Собирнинг шеърларида мазкур шахснинг тўлиқ номи «Мажидиддин Умдатулисом Абулқосим Али бин Жаъфар ал-Мусавий» шаклида берилади.

Адиб Собир Мажидиддин Абулқосим Алининг Термиз ноиби вазифасидаги фаолияти ва у кишининг шахсий сифатлари ҳақида қисқа-қисқа ишоралар қилади:

Унинг айтишича, Абулқосим Али султон ва хусравлар каби мақомга эга шахс эди. Ул зот давлат, мансаб ва савлат соҳиби бўлган. Ҳокимлик юзасидан авф-ризо, ҳада-инъом ва рад-қабул каби имтиёзларга эга эди. Бундан ташқари Жайхун атрофида ҳисор ва қалъаси, улардан ташқари гўзал боғ-бўстонлари, саройу кошоналари бор эди. У киши аҳли имон ва диннинг ҳурматли амирал мўминини ҳисобланарди. Аъён-ашрофлари билан ўтказиладиган йиғилишлари «олий мажлис» деб номланарди.

Шу сабабларга кўра Термиздаги илмий, адабий ва сиёсий муҳитда у кишининг таъсири катта бўлган. Яъни Термиз ноиби Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар XII асрнинг биринчи чорагида Термиз ободончилигига катта ҳисса қўшган. Жумладан, Термизда янги масжид ва мадрасалар, маъмурий бинолар, гўзал боғ-роғлар бунёд этди. Шаҳар қалъаси таъмирланиб, унда султонлар учун махсус қабулхона ва ташқарида амри маъруф учун катта минбар қурилди. Термиз шахристиони ва шаҳар атрофидаги работлар ҳам ободончиликлар билан тўла эди. Шаҳар кўрфазида карвонсарой ишга туширилди. Шуниси янада муҳимки, Адиб Собирнинг таъкидлашича, Мажидиддин Абулқосим Алининг саъй-ҳаракати билан бир вақтлар араблар истилоси натижасида вайрон бўлган Термиз атрофидаги мавзелар

қайтадан тикланиб, обод қилинади ва аввалги қиёфасидан ҳам гўзалроқ қиёфа касб этади. Адиб Собир бу ҳақда шундай ёзади:

*Ба фарри аҳди ў гаштаст ҳам равшан, ҳам ободон,
Ҳар он мавзе, ки рўзе зулми тозӣ кард вайронаш.*

Мазмуни:

*Сенинг даврингда ободу кўркам бўлди ҳар бир мавзе,
хусусан, ул мавзеларким, бир вақтлар араблар зулмидан вай-
ронага айланган эдилар.*

Сайидлар нақибӣ ва салжуқийлар ноибӣ Маждиддин Абулқосим Али Термизда табиий илмлар, хусусан, астрономиянинг ривожланиши борасида ҳам қизғин фаолият кўрсатади, жумладан, катта расадхона қурдиради. Адиб Собир бу иншоот ҳақида сўз юритганда уни катта бир ёдгорлик сифатида таърифлайди. У Термизда ҳамиша тинчликнинг сақланиши ва бу шаҳарнинг вайронагарчиликлардан буткул нажот топиши йўлида мазкур расадхона орқали амалга ошириладиган астрономик башоратларни муҳим деб биледи. Чунончи, расадхонани қуйидагича тасвирлайди:

*Расад, ки аз хулафою мулук асар монад,
Ба рўзгори ту ўро падиш шуд итмом.
Баг-он вилояти Термиз, ки ҳаст ҳазрати ту
Зи бими фитна мусаллам шавад чу дар ислом.*

Мазмуни:

*Расадхона ёдгорлиги халифалар ва ҳукмдорлардан нишон-
на қолар,*

*Шу сабаб бу муҳташам иншоот сенинг даврингда қуриб
битказилди.*

*Ахир ҳаммага маълумки, Термиз вилоятида сиздай оли-
жаноб инсоннинг борлиги тўфайли,*

*Термиз вилояти ислом даврида фитна-фасодлардан ҳа-
миша омон бўлиб келмоқда.*

Шу билан биргаликда, Адиб Собир Термизий Мажидиддин Абулқосим Алининг илмий фаолиятига ҳам махсус ишора қилиб, унинг Термизда бунёд эттирган расадхонаси ҳақида шундай ёзади:

*Расад, ки рост ниҳодӣ миёни аҳли нужум,
Вужуй ёфт ҳисобе, ки дошт бими адам.*

Мазмуни:

*Расадхонаки, сен уни мунажжимлар учун тиклаб, рост-
лагинг,*

*Унинг натижасида барча йўқ бўлиш гаражасидаги ҳи-
соблар қайтадан тирилди.*

Шу тариқа, Термиз XII асрнинг биринчи чорагида Сайид Абулқосим Али бин Жаъфар раҳбарлигида минтақанинг машҳур ва обод шаҳрига айланди. Адиб Собир Термизийнинг образли ифодасига кўра, Термиз ободончиликда халифаларнинг пойтахти бўлиш Бағдодга ўхшаб кетди; илм, фан, маданият ва ободончилик соҳаларида эса Карх, Миср ва ҳатто қадимий Бобилдан ҳам афзалроқ қиёфа касб этди. Термиз мазкур даврда салжуқийларнинг пойтахтига айланган марказий шаҳарлар Исфаҳон ва Марв, инчунин, қорахонийларнинг пойтахти Самарқанд шаҳарлари қаторида саналарди. Бу шаҳар султонлар боргоҳи (манзили), савдогарлар қўрфази, сайёҳлар қароргоҳи, илм-фан даргоҳи сифатида бутун шарққа нур таратган эди. Хусусан, табиий илмлардан астрономия, риёзиёт, ҳандаса, кимё, жуғрофияшунослик Термизда тараққий топди. Расадхонанинг муҳташам биноси эса шаҳар кўркига кўрк ва нурли қиёфа бахш этарди.

Адиб Собирнинг йигитлик даври ана шундай обод, озода, хушманзара, гуллаб-яшнаган ва илм-фан маскани бўлган ватани — Термизда ўтди. У машҳур сайид Абулқосим Али бин Жаъфарнинг одилона, оқилона ва донишмандона раҳбарлигига гувоҳ бўлди. Бу улур зот термизлик сайидлар сулоласининг нақиби ва марказий салжуқийлар давлатининг ноиби сифатида Термизда ҳокимлик вазифасини ба-

жариб, йиллар давомида ватанининг ободлиги учун курашди ва бунга эришди.

Бас шундай экан, навқирон, забардаст шоир Адиб Собир Термизий ватандоши Абулқосим Али бин Жаъфар хизматига камарбаста бўлиб, у кишининг эзгу ишлари ва ниятларини таъриф-тавсиф этиб, сайидга бағишлаб дostonларга ўхшаган ҳисобсиз қасидалар ёзди. Шу тариқа, Адиб Собирнинг ҳаёт йўли сарой муҳити билан боғланиб кетди. У Термизда Мажидиддин Абулқосим Али саройида бўлди ва ул зотга сидқидилдан хизмат қила бошлади. Адиб Собир ўз шеърларида у кишининг одоби, ахлоқи, инсоний хусусиятлари, фазилатлари, сиёсий мавқеи, фаолияти, эзгу ниятлари, одилона ҳаракатлари, ватанпарварлиги, нозик ва беназир табиати ҳамда оқилона иш юритиш қобилиятини мамнуният билан тасвирлайди. Бу тасвирлар шу қадар адоқсиз, кўп ва кенг қамровлики, бу қуйма оҳангларнинг такрор-такрор, аммо таъсирчан ўқилишидан китобхон зерикмайди, балки бир ажиб дунё оғушида сайр этгандай ёхуд ёқимли бир куй эшитгандай бўлади. Буни эса Адиб Собир Термизийнинг покиза ва мусаффо шеърларидан ҳосил бўлган таъсирчан ва ёқимли малҳам ҳамда сайид Абулқосим Алининг кароматларга тўла хулқ-атворидан ҳосил бўлган пурҳикмат нидолар десак, муболаға бўлмас.

Шундай қилиб, Адиб Собир Термизий XII асрнинг биринчи чорагида Термизда сайидлар нақибии Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар билан адабий алоқада бўлиб, доимий равишда ул зотга мадҳиялар бағишлашни ўзи учун шараф деб билди. Мадҳияларининг бирида шундай ёзади:

*Дар ту, эй тожи маолӣ олий ояғ шеъри ман
Ҳамчу дар Шамсулмаолӣ шеърҳои Хусравӣ.*

Мазмуни:

*Сенинг номингга аталган менинг шеърларим
шеърятнинг олий гаражасига етди, эй олийларнинг
тождори!*

Буни шу билан қиёслаш мумкинки, менинг шеърларим Хусравийнинг Шамсулмаолий жаноблари номига битилган шеърлари даражасига етган эди.

Ёки бошқа бир мадҳиясида шундай ёзади:

*Магдоҳи аҳли байти паямбар марост ном,
Ман донам аз жаҳон шарафи ҳоли аҳли байт.*

Мазмуни:

Менинг номим пайғамбар хонадонининг магдоҳидур.

Зеро, пайғамбар аҳлининг шарафли ҳолини жаҳонда фақат мен биламан.

Адиб Собир Термизий Термиз сайидларининг улуғ нақби Мажидиддин Абулқосим Али ва у кишининг аҳли байти, жумладан фарзандлари, қавм-қариндошлари ҳақида қасидалар битиб, шу восита орқали пайғамбарлар сулоласига бўлган ўзининг самимий муҳаббати ва иззат-ҳурматини баён этади; Муҳаммад Мустафо (с) ва у кишининг авлодларига иймон ва ихлос келтириб, улар тутган ва кўрсатган йўл-йўриқни меҳр-муҳаббат билан тарғиб-ташвиқ қилади. Буларнинг барчаси унинг сайидларга бўлган чексиз садоқати ва ҳурматининг намунаси эди. Адиб Собирнинг ўзи эса сайидларнинг таъсири остида сайидлик мартабасига эришиб, уларнинг яқин ихлосмандларига айланади. Бунинг натижаси сифатида у шиа мазҳабини қабул қилади. Алию Фотиманинг йўлини тутиб, пайғамбар хонадонининг тарафдори сифатида бу хонадон намояндаларини доимий равишда олқишлаб келди. Масалан, унинг ўзи бу ҳақда қуйидагича ёзади:

*Аз он, ки муътақиди Муртазову Фотимаам,
Баг-ин сухан зи ҳақиқат гуноҳ дорам ҳақ.
Хушам ба дўстии Муртазову фарзандон-ш,
К-аз ин ҳусул дуруж бошаду халос дарак.*

Мазмуни:

Ул ҳақидаким Фотима ва Муртазоларга иймон-эътиқод келтирганман,

Бу нарса аслида гуноҳ ҳисобланмаса ҳам, лекин мен ўзимни ҳақиқатан гуноҳкор деб биламан.

Аммо Муртазо Али ва у киши фарзандларининг дўстлигидан шогман.

Зеро, бу дўстликнинг мевасидан менга шундай гаражалар насиб этди-ю, ёмонликлардан қутулиш имконини берди.

Шу тариқа, Адиб Собир Термизий ва Сайид Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар ўртасидаги дўстона ва илиқ муносабатлар бир неча йил давом этди. Адиб Собир Термизий баъзан сайиднинг саройида яшарди, баъзан унинг хонадонида бўлиб, яқиндан сайид хизматида бўларди. Унинг сайидга атаб ёзган қасидалари ҳамиша сайид томонидан тақдирланарди. Сайид Адиб Собирнинг қасидаларини тинглаш учун махсус кечалар ташкил этиб, шоирни ҳадялар билан сийларди. Адиб Собир ўз ҳаётидан рози эди. Ота-она ва аҳли аёли билан ватанда шод ва масрур яшарди. Шеърларида ватанпарварлик ва халқчиллик ғояларини кенг тарғиб-ташвиқ қиларди.

Аммо йиллар ўтиб бу илиқ муносабатлар Термизда ўз ниҳоясига етди. Бунинг сабаби шу бўлдики, сайидлар нақиб-би Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар бизга номаълум бир сабаб билан ҳибсга олинади ва ўз лавозимидан четлаштирилади. Бизни бу воқеадан Адиб Собирнинг балхлик, кейинроқ хоразмлик дўсти шоир Рашидиддин Ватвот огоҳ этади. Рашидиддин Ватвот Адиб Собир қасидаларининг бирига татаббу қилиб, шу қасидада мазкур ҳибс воқеасига тўхталиб ўтади ва шу билан дўсти Адиб Собирнинг кўнглига тасалли беради. Адиб Собирнинг шеърларида ҳам чексиз қайғу ва дард-алам билан мазкур воқеа ўз ифодасини топган. (Бу ҳақдаги шеърларига кейинроқ тўхталамиз).

Аммо Рашидиддин Ватвотнинг бошқа бир қасидасидан маълум бўладики, Мажидиддин Абулқосим Алининг қамоқ мuddати узоқ давом этмай, у киши бир неча ойдан сўнг

озод бўладилар. Шуни ҳам айтиш керакки, Мажидиддин Абулқосим Али сайидларнинг нақибии (сардори) ва салжуқийларнинг ноибии сифатида ватани Термизда ниҳоятда улуглик билан яшарди ва олий даражада ҳурмат қозонган эди. Шу сабаб мансабларидан четлаштирилиб, ҳибсга тушишлари жуда ғайри оддий воқеа эди.

Иккинчи томондан, айтиб ўтганимиздек, у киши салжуқийлар сулоласи ҳукмдори Султон Санжар билан жуда қалин эдилар ва шоҳ сайидларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлганлиги ҳамда уларга ихлос-эътиқод қўйганлиги боис Мажидиддин Абулқосим Алини «биродар» деб хитоб қиларди, у кишига ҳамиша, ҳар ишда мададкор эди. Бас, шундай экан, Абулқосим Алининг ҳибсга олиниш воқеаси ва у кишининг шунча азобларга йўлиқишига сабаб эҳтимол, мазҳабчилик можаролари бўлиши керак. Зеро, бу ҳодиса қаршисида ҳамма баробар эди: У шоҳу ғадони, катта-кичикни фарқ қилмасди, кимга зарар етказиш лозим бўлса, бу иш ортиғи билан амалга ошириларди.

Мажидиддин Абулқосим Али имомлар йўлини тутганлиги ва улар авлодидан бўлганлиги сабабли шиа мазҳабига эътиқод қиларди. Султон Санжар эса сунний мазҳабига бўйсунар эди. XII асрда сайидлар сулоласидан ташқари, барча Термиз аҳолиси суннийлик мазҳабига ихлос-эътиқод қилардилар. Бу даврда, хусусан Хуросонда, мазҳабчилик жанжаллари жуда авжига чиққан эди ва шунинг натижасида Мажидиддин Абулқосим Али жаноблари қанча обрў-эътиборли бўлишларига қарамай, мазҳабчилик жанжаллари натижасида мансабларидан четлаштирилиб қамоққа олинадилар. Бу тахмин ҳақиқатга яқиндир. Зеро, Адиб Собир ҳам мазкур шеърисида шиалиқдан шикоят қилади, бу мазҳабга мансублик гуноҳ бўлмаса ҳам уни гуноҳ ҳисоблайди ва шу фактнинг ўзи ҳам юқоридаги фикримизни бир қадар ойдинлаштиради.

Ҳар ҳолда, мазкур нохуш воқеадан сўнг Мажидиддин Абулқосим Али ватанда бошқа қолишни ўзларига муносиб кўрмадилар ва қалб амрига бўйсунибми ёки биродарлари

Султон Санжарнинг маслаҳати биланми, хуллас, ватанни тарк этиб, Термиздан кўчиб кетадилар.

Мажидиддин Абулқосим Алининг ҳибсга олиниш воқеаси Адиб Собир Термизийга қанча ёмон таъсир қилган бўлса, у кишининг ватандан кўчиб кетишлари айрилиги шоирни ундан-да оғир ғам-ғуссага ботирди. Адиб Собир бу аламли воқеадан қаттиқ афсусланди ва чексиз ўй-хаёлларга ғарқ бўлди. Унинг бир шеърідан маълум бўладики, барча Термиз аҳолиси ҳам Абулқосим Алининг қамоққа олиниши ва ватандан кетишидан таажжубга тушиб, ниҳоятда ғамга ботганлар. Улар бу воқеалардан қон йиғлаб, афсунадомат чекканлар. Адиб Собир ҳам ўша шеърیدا таъкидлашича, сайиднинг нону неъматини хотирлаб, у кишининг орқасидан зор-зор йиғлаб қолади:

*Бузург оли паямбар, бузург ҳодисае,
Ки чун туге бувад ангар кафи замона забун.
Мақарри иззи ту Тирмиз зи дарди рафтани ту,
Ҳамебигиряду он, ки сиришки ў Жайхун.
Агар ду диган ман аз ғамат на хун гиряд,
Ҳаром бод маро нону неъматини ту чу хун.*

Мазмуни:

*Бузрук пайғамбар сулоласи, бузрук ҳодисалар туфайли
Замона кафтида гирифтор бўлиб, ҳайрону зор қолди.
Сенинг иззатли қароргоҳинг — Термиз дардли сенинг
кетишингдан,*

*Шунчалик йиғи-бийрон қилдики, йиғиси Жайхун мисоли
эди.*

*Шу лаҳзада агар сенинг ғам-ҳасратингдан
Менинг икки кўзим қон йиғламаса,
Сенинг берган нон-неъматинг менга ҳаром бўлар, ал-
батта.*

Шу тариқа, Адиб Собир ва барча термизликлар улуг сайиднинг Термиздан кетишидан норози бўлиб, надоматлар чекдилар. Мажидиддин Абулқосим Али эса Хуросонга отланиб,

унинг пойтахти Нишопур шаҳрига етиб борадилар ва бу шаҳарни ўзларига маскан тутадилар. У ерда сайид тез орада яна бу зрукворлик билан яшай бошлади. Сайиднинг мол-мулки Хуросонда янада кўпайиб, ул зот Термизда тутган шарафлари, жумладан, «Хуросон раиси» ва «Шарқ-ғарб сад-рулсодати» номлари билан мартаба топадилар. Бора-бора сайиднинг ҳурмати Хуросондан ошиб кетди. Бутун Хуросон аҳли у кишига меҳр қўйган эди ва Хуросонда у киши худди султондек қадр-мартабаларга эришиб, султонлар олқишига сазовор бўладилар. Султон Санжар эса сайидни тавозе ила ҳамон ҳурмат қиларди. Бу икки улур инсоннинг дўстона муносабатлари давом этиб, янги-янги босқичларга кўтарилди.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, Сайид Маждиддин Абулқосим Али бин Жаъфарнинг термизлик эканликлари ва у кишининг Термиздаги фаолияти ҳақида негадир тазкиранавислар жуда кам тўхталиб ўтганлар. Давлатшоҳ Самарқандий ушбу шахс таржимаи ҳоли ҳақида маълумот бериб, айтиб ўтадики, «сайиднинг маскани Нишопурдир ва у кишининг мол-мулки Хуросонда бениҳоя эди». Тақийдин Кошоний ҳам «Хулосатул-ашъор» асарида шу фикрни таъкидлайди. Шу тариқа Маждиддин Абулқосим Али Хуросон мулки раиси ва шарқ-ғарб сайидулсодати сифатида Нишопурда маскан тутиб, катта бойлик, мол-мулк, ер ва беҳисоб чорва орттириб, ҳурмат-иззату олқишлар оғушида умр кечирди.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ НИШОПУРДА

Адиб Собир Термизий ватани Термизда сайид Маждиддин Абулқосим Али даргоҳида ўтган хизматини ўйлаб, ул зотнинг сиймосини қалбидан сира ўчиролмади. Йиллар давомида мазкур шахс билан дўстона муносабатда умр кечирган ва ул зотнинг нон-неъматидан баҳраманд бўлган шоир сайиднинг ватандан бадарга бўлганидан афсусланиб, у кишининг хизматига яна етишиш орзу-ҳаваси билан яшарди. Шу топда сайид ҳам Адиб Собирни чексиз муҳаббат билан эсларди. Шоирнинг қасидаларидан сарафроз бўлган сайид яна шундай мадҳиялар эшитиш иштиёқида эди. Шу сабаблар билан сайид Адиб Собирни Нишопурга чақиртиришни лозим топди

ва шоирга бу борада мактуб жўнатди. Адиб Собир эса мамд-ўҳининг мактубини олиб кўзлари қувонч ёшларига тўлди ва сайид учун хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билиб, зудлик билан Нишопур сафарига тайёргарлик кўра бошлади. Шу лаҳзада айрилиқ дарди Адиб Собирнинг ёқасидан тутиб, йўлини тўсди. Онаси ва севимли аёли унинг бу сафаридан норозилик билдириб, фигон кўтардилар. Аммо сафарга шайланган шоир оила аъзолари билан хайрлашди ва Нишопур томон йўл олди. Бу таассуротни шоир ўзининг кейинги сатрларида шундай баён этади:

*Омад шикастадил шуда бо зулфи пуршикан
Вақти раҳили ман бари ман дилрабои ман.
Ўро видоъ кардаму сабрам видоъ кард,
Оре, видои сабр батар дар ғаму ҳазан.
Саг хор хўрд жон зи фироқи ду мустаманд,
Саг доғ бурд дил зи дареғи ду мумтаҳан.
Аз ман жудо шуданг на бар рўйи ихтиёр,
Чун ман ба изтирор жудо гаштам аз ватан..
Инак забону табъу замирам ҳаме ниҳанг
Бори сано ба борғаҳи сабри анжуман.*

Мазмуни:

*Менинг сафарим пайтида дилсўз дилбарим
Зулфларини ғам-аламдан паришон қилиб,
шикаста ҳолатда қошимга келди.
Дард-аламдан у зор-зор йиғлар эди
ва бу аҳвол қанча аламли ва оғир бўлмасин,
мен у билан видолашдим ва тоқатим тоқ бўлиб,
сабрим ўзимдан кетди.
Зеро, ғам-алам ва видолашиш лаҳзасида сабр-бардошли
бўлиш ниҳоятда мушкул экан.
Бу ғамгин лаҳзада икки дардманг айрилиғидан
жисму жонимга юз минг тиканлар санчилгандай бўлди
Ва икки мустаманддан айрилиқ дардидан бийрон бўлиб
доғда қолдим.*

Улар менадан ихтиёрсиз жудо бўлдилар, чунки мен ҳам ватандан беихтиёр ва мажбурий равишда жудо бўлган эдим...

Охири мана шу аҳволда манзилга етиб келдим, энди тилим ва дилим анжуманлар тўридан жой олган устоз (Абулқосим Али) даргоҳида ҳамду санолар билан машғул бўлгай!

Шу тариқа, Термизда туриб ўз ватандоши, Хуросон вилоятининг раиси, аллома ва нақиб Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарни йиллар давомида мадҳ этган улур шоир эндиликда у кишининг изидан Нишопурга жўнаб кетди, ул зотга яна қасидалар тақдим эта бошлади ва ихлос-этиқод билан у кишининг хизматига камарбаста бўлди. Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкиратуш шуаро» асарида Адиб Собир Термизий таржимаи ҳолининг шу лаҳзасига диққат-этиборни қаратиб ёзадики: «Мажидиддин Абулқосим Али Нишопурда Адиб Собир Термизийнинг мураббийси эди». Тақийиддин Кошоний бу масалага аниқлик киритиб «Адиб Собир Термизий бузрук сайид Мажидиддин Абулқосим Али суҳбатини ихтиёр этиб, Нишопурга жўнаб кетди», деб таъкидлайди. Демак, ўша кундан бошлаб Адиб Собирнинг турар жойи Нишопур шаҳри бўлди ва бу шаҳарда у яна Мажидиддин Абулқосим Али саройида фаолият кўрсата бошлади.

Аммо Адиб Собирнинг саккиз минг байтдан иборат шеърлар девонида бирон марта ҳам Нишопур номи учрамайди. Лекин Хуросон номи хийла кўп тилга олинади. Шоир «Хуросон» деб баъзан Нишопурни кўзда тутди, чунки бу шаҳар XI-XII асрларда Хуросон мулкининг пойтахти эди. Шу сабаб минтақа ҳақида гап кетганда, гоҳида унинг пойтахтини ҳисобга олардилар.

Адиб Собир Термизий ўз шеърларида Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар хизматига келганлигини дамбадам фахр билан тилга олади. Унинг таъкидлашича, мамдўҳи раъйига қараб иш юритиш ва мамдўҳ ризолигига биноан шеърлар ёзишни у асосий мақсади деб билган

эди. Шоир Нишопурда Мажидиддин Абулқосим Алининг энг яқин дўсти сифатида у кишига сидқидилдан хизматда бўлди ва у кишининг маслаҳатисиз ҳеч қачон бирон-бир ишга қўл урмади. Жумладан, қуйидаги фикрлар Адиб Собирнинг мамдўҳига берган илиқ ваъдаси эди ва бу ваъда унинг ҳаётий шиори бўлиб қолди:

*Кунун ки хонг қазо мар-маро ба хизмати ту,
Чунон кунам, ки зи ройи ту иқтисо бошаг.
Баг-он гарояму он гўяму баг-он нигарам,
Аз он сабабки туро ангар он ризо бошаг.*

Мазмуни:

*Эндики тақдир мени сенинг хизматингга чақирди,
Шундай ҳаракат қиламанки, сенинг табиатинг
уни хоҳлайди.*

*Ва шуни айтаману, шунга амал қиламану, шунга қарай-
манки,*

Уларга сенинг ризолигинг бор, сен уларни хоҳлайсан.

Шоир мазкур байтлар давомида Абулқосим Али даргоҳида масрур ва комрон яшагани ҳақида хурсандчилик билан сўз юритади. «Сенинг даргоҳингдан топган саодату яхшиликларни бошқа ҳеч жойдан топа олмайман» — деб мамдўҳига қарата ўз миннатдорчилигини билдиради:

*Чунин саодату фархундагй кужо ёбам,
Чунин бузургишо озодагй киро бошаг?!*

Мазмуни:

*Бундай саодату бахтни қаердан топаман мен,
Бундай бузрукворлигу озодаликким мендагур,
Мендан бошқа ҳеч кимга насиб эшмагандир.*

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Нишопур шаҳрида, Мажидиддин Абулқосим Али даргоҳида Адиб Собирнинг ижодий маҳорати янада кенг миқёсда ривож топди ва янги-янги самаралар берди. Адиб Собир шоирлик қобилиятидан ташқари, сиёсатшунослик, фалсафа ва рассомлик бо-

бида ҳам шуҳрат қозонди. Яъни шоир Абулқосим Али саройида катта обрӯ-эътибор топиб, ўзининг билими ва шоирлик иқтидори билан мамдўҳи ва унинг яқинлари назарига тушиб, уларни мафтун ва мамнун қиларди. Жумладан, Адиб Собир Нишопурда Абулқосим Али ва унинг обрӯли фарзандлари ҳамда қариндошларига атаб ўнлаб қасидалар битди. Имом Мусо Ризо ва имом Жаъфар Содиқ (шиаларнинг улуг имомлари) авлодидан бўлган мухтарам зотларнинг номларини қутлаб, уларни шарафлайдиган шеърлар ёзди. Шоир Абулқосим Алининг хос надими, махсус котиби ва унинг ташқи сиёсати борасидаги ишларига раҳбарлик қиладиган шахс сифатида ном чиқарди. Шу билан бирга шоирлик салоҳияти билан саройдаги адабий муҳитнинг ривожланишига шахсан беқиёс ҳисса қўшди.

Адиб Собирнинг бу даврда юксак маҳорат билан ёзган қасидалари ва ғазаллари XI–XII асрлар шеърияти мазмунига катта таъсир кўрсатди. Адиб Собир шеъриятидаги янги халқчил ғоялар бу шеърларнинг эстетик тараққиёт жабҳасида улкан ўзгаришларга бой эканлигидан далолат бериб турарди. Адиб Собир ўз шеърларида илм, фан, маданиятни тарғиб этган давлат арбоби, олим, шоир, сайид, нақиб, ноиб Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфардек маърифатпарвар инсон образини яратишга муваффақ бўлди.

Шу йиллар мобайнида, яъни XII асрнинг 15–20 йилларида Адиб Собир бир неча бор Нишопурдан Термизга келиб, уй-жой ва ота-онасидан хабар олади. Унинг Мажидиддин Абулқосим Али саройида дастлабки пайтлар яхши кунларни ўтказгани ҳақида манбаларда ҳам таъкидланади. Шоирнинг ўзи эса Нишопурда кечирган яхши дамларини шеърларида ҳамиша эслатиб ўтади; Нишопурда аллома Абулқосим Али туфайли обрӯ-эътибор, мартаба, бойлик ва уй-жой топгани ҳақида ҳам маълумотлар беради. Аммо аслида эса Нишопур Адиб Собир учун ғариблик маскани эди. Лекин шоир мазкур улуг инсоннинг юзига оёқ қўйиб, шеърларида ўзининг бу шаҳарда ғариб эканлигини айта олмасди, балки мусофир бўлса ҳам нон-туз, бойлик ва ҳурмат-

иззат топганидан гурур билан сўз юритади. Чунончи у бир шеърида ёзади:

*Гарчи гар ин диёр ғарибам, зи жуди ту
Бо хонмони хешаму бо обу нони хеш.*

Мазмуни:

*Гарчи бу диёрда (Нишопурда) ғарибликдман,
Аммо сенинг ёрдаминг ила ҳовли, уй-жой ва насибамни
топганимдан мамнунман.*

Адиб Собир худди Термиздаги вақтдагидек Нишопурда ҳам Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарга бағишланган шеърлари орқали улуғ ноиб ва нақибнинг фаолияти, табиати, суврат ва сийратига таъриф бериб, реал комил инсон образини яратишга интилди. Унинг бу шеърлари минглаб байтдан иборатдир. Биз бу ўринда намуна учун улардан биттасини ҳавола этамиз:

*Раису сағри Хуросон, ки гар ҳимояти ў
Ҳасаг кунанд Ироқу Араб Хуросонро.
Амиру сайиғи олам Алй, ки ҳилму ҳаёш
Намунаест ба олам Алию Усмонро.
Чу донишу шараф аз мажлиси ту мегонам,
Сано чи гуна кунам ҳар данию ногонро.
Ба шеър агар зи ту эҳсон талаб кунам, чи ажаб,
Ба шеър жағди ту минбар ниҳод Ҳассонро.*

Мазмуни:

Хуросон раиси ва сағрулсаодати, сен ва сенинг ҳимоятинг остида Хуросон мулки нақадар гўзалашдики, Ироқ ва Араб мамлакатлари унга ҳасаг қиладилар.

Сен олампаноҳ амир ва сайиғсен, ҳаёю ҳилм (меҳрибонлик) бобида халифалар Алию Усмонлардан бу оламда сен ёдгорсан.

Мен донишмандлик ва шарафмандликни фақат сенинг олий мажлисингдан топдим,

*Шу боис сен турган жойда қандай қилиб ногонлару па-
сткашларни таъриф-тавсиф этаман, ваҳоланки бу иш
мутлақо ноўрин бўлиб, унга интилиш номақбулдир.*

*Шеър билан агар сендан эҳсону ҳиммат талаб қилсам,
ажабмас, зеро, бундай ҳикматли шеърлари учун Ҳассон шоир
улуғ бобокалонинг (Муҳаммад Мустафо (с) томонидан тақ-
дирланган эди.*

МАҚБУСЛИК, БАДАРҒАЛИК ВА САРГАРДОНЛИК ЙИЛЛАРИ

Адиб Собир ҳаётидаги ана шундай саодатли кунлар унинг бошига беҳисоб қулфатларни бошлаб келди. Саройда аста-секин рашк-ҳасад ва кўролмаслик оралаб, шоирга нисбатан зимдан кек ва адоват пайдо бўлди. Истеъдодли шоирни кўролмайдиганлар унинг мамдуҳи билан бўлган дўстона муносабатини бузишга ва шу йўл билан шоирнинг обрўсига путур етказишга ҳаракат қилдилар. Бу қора ниятлар бора-бора ўз натижасини беради ва Адиб Собир Термизий кунларнинг бирида Нишопурда, Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар хизматида туриб, оғир бир тухматга гирифтор бўлади. Бу ҳақда унинг қуйидаги ишораси мавжуд:

*Рафеъройи ту бар ман тағайюре дорағ
Ба тухмате, ки маро андар он жиноят не.*

Мазмуни:

*Мен ҳақимдаги сенинг нозик табиатинг ўзгаргани тамом,
Бунинг сабаби тухматдирки, унинг менга мутлақо ало-
қаси йўқ ва у ифлос ишни менга мажбуран юкладилар.*

Аммо бу ноўрин тухмат нимадан иборат бўлганлигини биз аниқ билмаймиз. Фақат шуниси аниқки, Адиб Собирнинг шеърятдаги тугма истеъдоди ва Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарнинг шоирга кўрсатган илтифотлари рақиблари қалбида ҳасад ўтини ёққан эди. Шу сабабли

уларнинг уюштирган тухматлари Адиб Собирга қаттиқ ташвиш ва таҳликали кунларни бошлаб келди.

Адиб Собир Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарга бахшида этган бир қасидасида тухмат ҳақида батафсил сўз юритиб, изоҳ бериб ўтадики, агар мамдўҳи унга ишонса, «оғзаки ҳазиллару ҳажвияларга эътибор бермасин». Бу фактдан шу нарса маълум бўладики, уюштирилган тухмат ҳажвий шеърлардан иборат бўлиб, рақиблари уни Адиб Собир номидан Мажидиддин Абулқосим Али номига йўллагандилар. Шу тариқа, Адиб Собирнинг ранимлари унинг номидан Хуросон раиси ва садрулсодати мақомига эришган муҳтарам зот Мажидиддин Абулқосим Али ҳақида ҳажвий шеърлар тўқиб тарқатганлар ва бундан сайиднинг ниҳоятда жаҳли чиқиб, Адиб Собирга нисбатан муносабати шу вақтдан бошлаб ўзгаради ва уни таъқиб қилиш бошланади. Бу далил биз учун жуда муҳим ҳисобланади, зеро, бу факт Адиб Собир ҳаётининг очилмаган саҳифаси ҳақида қимматли маълумот беради.

Ҳар ҳолда Адиб Собир Термизий мазкур сабаб натижа-сида мамдўҳининг олий эътиборли назаридан пастга тушиб, ғам-аламга ботади. Натижа шу билан якунланадики, шоир уй-жой, мол-мулк ва бор бисотидан ҳам айрилади. Бу ҳақда шоир ўз қасидаларида қуйидагича маълумот беради:

*Сарояке, ки маро тўхфаи мавоҳиби туст,
Гар ў шугасту шугастам багон сабаб макруб.*

Мазмуни:

*Сенинг меҳрибонлик тухфанг менга бир сарой (қўрғон,
яъни уй) эди,*

У ҳам мендан кетди ва шу сабаб мен ҳайрону зорман.

* * *

*Ҳам моли ман талаф шугу ҳам ҳоли ман табаҳ,
Аз фазли туст умеди талофй гар ин талаф.*

Мазмуни:

*Менинг мол-мулким талаф (ғорат) бўлди ва ҳолим хал-
робдир.*

Бу талофатда ҳам барибир сенинг умидингга муҳтожман.

Адиб Собир энди нохуш воқеани яхши томонга буриш учун туну кун ҳаракат қилиб, Мажидиддин Абулқосим Алига ҳақиқатни тушунтирмоқчи бўлади. Сайидга ўзининг гуноҳсиз эканлигини ва буларнинг барчаси ёлғондан иборат туҳмат эканлигини такрор-такрор айтади. У туҳмат воқеасини фош этиб, номард ганимларининг юзини ерга қаратди, дўстидан содир этмаган ва қилмаган гуноҳи учун кечирим сўради, уни аввалги муносабатларини тиклашга чақирди ҳамда ўзининг бегуноҳлигини исботлашга уринди.

Масалан, у шундай ёзади:

*Ба хизмати ту, ки дафъи азои даҳр аз ўст
Маро набуда гуноҳе, азо расид азо.
Наузубиллаҳ агар ман хиёнате кардам,
Тариқи авф чаро баста шуд гар ин маъно?!*

Мазмуни:

Сенинг хизматинг ҳаққи, ким бу дунёнинг барча азиятларига чек қўяр.

Бу туҳматда менинг гуноҳим йўқ ва ҳеч бир сабабсиз ундан менга азаю мотамлар етди.

Наузубиллоҳ, агар мен бирон-бир хиёнат қилган бўлсам ҳам нима сабабдан бу борада мен учун авф эшиклари ёпиб қўйилди?!

Шоир бу хусусда яна алоҳида таъкидлайди:

*Дар ҳаққи ту донӣ, ки накардам ба ҳама умр
Журмею гуноҳею хилофею хатое.*

Мазмуни:

Сен ҳақингда, агар билсанг, мен умримда қилмаганман, ҳеч бир хатолигу, гуноҳлару мухолифатлигу (қаршилигу) ножўя ишлар.

Адиб Собирнинг қуйидаги мисралари ҳам мазкур воқеа юзасидан тилга олинган;

*Гуфтанг, ки каргай нақуҳиш
Онро, ки хулосаи жаҳон аст.
Ин феъ на феъли ин замир аст,*

*В-ин қавл на қавли ин забон аст.
Ин қасди кадом зан ба марг аст,
В-ин феъли кадом қалтабон аст.*

Мазмуни:

Дейдиларки, сен дунёнинг хулосаси бўлган машҳур инсонни

Нима сабабдан ҳажв-масхара қилдинг!

Аммо билгилки, бундай нопок хулқ менинг табиатимга бегонадир.

Ва билгилки, бу ножўя сўзлар менинг сўзларим эмас.

Агар билсанг, бу иш нопок аёлнинг ҳалол эркакка қилган қасдигир,

Ва бу разил феъл-атвор разил кишиларнинг ишигир.

Юқорида айтганимиздек, Адиб Собир мазкур байтларда ҳам туҳмат воқеасини яна ҳажвий шеърлар билан боғлайди. Бу ҳажвий шеърлар эса Адиб Собирнинг рақиблари қаламига мансуб эди. Шу боис шоир ғийбатчи ғанимларига нафрат кўзи билан қарайди ва уларга нисбатан ғазаби чексиз эди. Бу нопок кимсаларни нопок хотинларга ва ҳаттоки хунаса кишиларга тенглаштиради. Шу билан у одобсиз, бадахлоқ душманларидан қасд олади, уларни жумлаи жаҳонга шармандаю шармисор қилади.

Аммо Адиб Собирнинг бундай ҳаяжонли чиқишлари мамдўҳи Мажидиддин Абулқосим Алига таъсир қилмади. У туҳматни қанчалик фош қилиб, ўзини ҳимоя қилишга уринмасин, барча ҳаракатлари самарасиз яқунланди. Абулқосим Алининг ғазаби ҳаддидан ошган эди ва у садоқатли дўсти, ўнлаб қасидаларида уни мадҳ этган улур шоирга нисбатан қаҳрини сочиб, у билан ниҳоятда ёмон муносабатда бўлди. Шу вақтдан шоирни таъқиб ва тазийқ қилиш бошланди ва бунинг устига унга нисбатан янги-янги жазо усуллари ўйлаб топилди. Натижа шу бўлдики, Адиб Собир Термизийни ҳибсга олдилар ва бу рағролар унинг сургунга маҳкум этилиши билан яқунланди. Би-

ринчи навбатда, уни қамоққа олдилар, сўнгра Тоҳаристонда жойлашган Рован¹ номли вайрона ва чекка бир мавзеге бадарғаликка юбордилар.

Бу азоб ва машаққатлар Адиб Собир учун гўё тушида юз бергандек эди. Шу боис Адиб Собир бўлиб ўтган воқеалардан қаттиқ ҳайратланди ва чорасизлик, ғам-аламлар уни адоий тамом қилди. Бир вақтнинг ўзида шунча фалокатларнинг юз бериши уни қарахт аҳволга солиб қўйди. У Нишопурга келганидан қаттиқ пушаймон бўлди. Шундай аламли аҳволга гирифтор бўлганлигига сарой муҳитининг фисқ-фасодга ботиб қолганлиги ва ўзаро можароларни сабаб деб билди. Шу боис шоир ўз шеърларида сарой муҳитининг ялтироқ ҳаётини танқид қиларди, тухматчиларга ҳисобсиз лаънатлар айтар эди. У мислсиз машаққатлар, дард-аламлар гирдобига ботиб, тутқунликнинг барча азоб-уқубатларига сабр-бардош билан жавоб берди. Бу оқибатсизликларнинг зарарли таъсири ҳақидаги фикрлар шоир шеърларида жуда кўп учрайди. Шундай шеърларидан қуйидаги намуналарга диққат қилайлик (маҳбуслик ҳақида):

*Ҳибсе, ки доштам, дар он ҳибс раҳ наёфт
Дар гўши ман на бонги намозе, на қомате.*

Мазмуни:

*Ҳибсга тушганман ва тутқунликда эшитмайман
Муаззинларнинг азони ва намозга чақирганларини.*

- Ёхуд:

*Қурби як моҳ шуг, ки дар шабу рӯз
Чашми ман моҳу офтоб надид.
Андар он хонаам, ки дар ҳама умр*

¹ Помир тоғларида Рован деган мавзе бор. Шу боис биз Адиб Собир ҳақида илгари ёзган ишларимизда уни Помирдаги шу Рованга сургун қилинган деб айтиб ўтган эдик. Изланишлар шуни кўрсатдики, XII асрда Тоҳаристон минтақасида жойлашган саккиз мавзенинг биттаси Рован номи билан машҳур экан. Адиб Собир эса Нишопурдан ана шу Тоҳаристондаги Рованга сургун қилинган эди.

Ҳеч чунга чунон хароб надиғ
То дар ин хонаам, зи бедорӣ
Дигар ман хаёли хоб надиғ.
Кас суоли маро жавоб надоғ,
Кас халоси маро савоб надиғ
Ҳеч муъмин чунин ишоб наёфт,
Ҳеч кофар чунин азоб надиғ.

Мазмуни:

Бир ой чамаси бўлдики, туну кун
Менинг кўзларим ойу офтоб кўрмағи.
Мен шундай жойда ётибманки, ҳатто бойқуш ҳам умрида
Бу каби харобазор жойни ҳеч қачон кўрмаган.
Токи шу жойда ётибман, бедорликдан
Кўзларимга мутлақо уйқу келмайди.
Бу жойда ҳеч ким мени халос қилиш учун
савоб ишга қўл урмайди
Ҳеч бир муъмин-мусулмон киши бундай қаҳр-ғазабга йў-
лиққани йўқ,
Ва ҳеч бир кофир киши ҳам шунча азобларга мубтало
бўлмагандир.

Сургун борасида шундай ёзади:

Маро ба Ровани вайрон раҳо набояғ карғ,
Чу дар куншти жуҳуди палиғ ҳеч набӣ.

Мазмуни:

Мени вайрона Рованга сургун қилмангизлар.
Ҳеч бир мусулмон бандасини яҳудийлар ибодатхонасига
юбормайдилар, ахир.

Адиб Собир Термизий қанча муддат қамокда турган эди,
бизга маълум эмас. Юқорида келтирилган шеърида у бир
ой муддатни кўрсатиб ўтади. Аммо бизнингча, унинг қамок
муддати анча чўзилган бўлса керак.

Шу лаҳзаларда Адиб Собир таржимаи ҳоли саҳифала-
рига Нусратуддин Аминалмулк Умар исми бир киши ки-

риб келади. Бу инсон ким бўлган ва қаерда яшаган бу ҳақида бизда аниқ маълумот йўқ. Аммо Адиб Собир у киши билан ҳам яқин муносабатда бўлиб, унинг номига ҳам кўпгина қасидалар бағишлаган эди. Шоирнинг ёзишича, Аминалмулк Умар фозил, одил, хожа, меҳтар ва ҳожатбарор амир эди. Ана шу амир Адиб Собирнинг кейинчалик нохуш ҳолатларга тушишида бош сабабчи сифатида муҳим рол ўйнайди. Шоирнинг эътироф этишича, у Аминалмулкка ҳам чин дилдан хизмат қилган эди. Аммо вақт ўтиши билан унинг мазкур шахс билан алоқаси бузилади. Негадир хизмат пайтида Аминалмулк Адиб Собирга ёмон муомала қила бошлайди, унинг хизмат ҳақини камайтиради ва хизматдан четлаштиришга ҳаракат қилади. Адиб Собир эса бу воқеага норозилик билдириб, қуйидаги қасидасида бундай арздод қилади:

*Нажӯям фироқи тую хизмати ту
Агар гардам аз жони ширин мафориқ,
Ва лекин ту дар ҳаққи ман бандга акнун
Чунон нестӣ чун ба айёми собиқ.*

Маълуми:

*Сенинг хизматингдан айрилишни истамайман,
Ширин жонимдан жудо бўлсам ҳам бу йўлдан кетмайман.
Аммо шундай бўлдики, камина ҳақидаги сенинг яхши
табиатинг эндиликда ёмонликка айланиб кетди.*

Бундай носоғлом муҳит ва салбий ўзгаришлар тобора авж олади ва Аминалмулк Умар Адиб Собир билан алоқасини узил-кесил узиб, уни хизматидан озод қилади. Бунинг устига бу амир Адиб Собирни Мажидиддин Абулқосим Али саройидан четлаштиришга махсус ёрдам беради ва вайрона Рованга юборишга ҳам эришади. Юқорида келтирилган сургун ҳақидаги шоирнинг байти Аминалмулк номига тақдим этилган қасидасидан олинган эди. Ушбу қасиданинг бошқа байтларида Адиб Собир Аминалмулкка қараб бундай дейди:

Фироқи бандаи худ ихтиёр ту кардӣ,
Агарчи нест чу ман бандае баг-ин авло.
Ҳамекунам пас аз ин, к-аз ту мондаам маҳжур:
Гаҳ аз замона шикоят, гаҳ аз фалак шикво.
(Маро ба Ровани вайрон раҳо набояд кард.
Чу дар куншти жуҳуди палид ҳеч набо).
Ҳар оинаки ба Тирмиз расам жудогона
Висоқ хоҳаму ташрифу ротибу ижро.
Қариб понздаҳ сол аст то ҳамегӯям
Шарифи зоти туро шеърҳои чун шааро.

Мазмуни:

Каминанинг айрилиққа тушишини сен хоҳадинг,
Лекин каминадай яхши хизматкорни топишинг амри
маҳолдир.

Бундан кейинки, мен сендан айро бўлганман,
Замонадан шикоят ва фалақдан гина қилурман;
(Мени вайрона Рованга сургун қилмангизлар,
Ҳеч бир мусулмон бандасини яҳудийлар ибодатхонасига
юбормайдилар, ахир).

Агар бордию ҳозир Термизга қадам ранжида қилсай-
гим,

Уй-жой, тантанали қабул, яхши хизмату керакли вази-
фа топишим аниқдир.

Агар санасам, ўн беш йил чамасидирки, сенинг шаро-
фатли зотингни

Шиҳоб (метеорит) сингари ярқираган шеърлар билан
қушлувланганман доим.

Бу байтлардан маълум бўладики, Нусратуддин Аминалмулк
Умар амир даражасига эришган Сайид Абулқосим Али бин
Жаъфарнинг яқин кишиларидадир. Шу боис Абулқосим Али
жанобларига қаратилган ноурин ҳажвия Аминалмулкнинг ҳам
жигиға теккан эди. Натижада Адиб Собир билан борлиқ машғум
воқеаларга мазкур амир шахсан бош бўлди. Адиб Собир ҳам
бу ишни тезда пайқади ҳамда мазкур байтларида унинг қиёфа-
сини ёрқин ва аниқ тасвирлаб берди.

Адиб Собирнинг ўн беш йиллик хизмати ҳақида сўз юритгани унинг Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар ва у кишининг Аминалмулк Умарга ўхшаган яқинлари билан боғланган узоқ муддатли муносабатини билдиради. Зеро, бу адабий алоқа Термизда бошланиб, кейин Хуросонда давом этди. Мазкур қасиданинг яратилиш пайтида эса бу санага ўн беш йил тўлган эди.

Адиб Собир Термизий Баҳоулмулк Жамолиддин Абдуллоҳ исми бир амир номига ёзган қасидасида Хуросондаги воқеадан кейин унинг сарсон-саргардонлиги яна уч йил давом этганини айтиб ўтади. Таъкидлайдики, ёру дўстларининг айрилиги ва ватан соғинчи етмаганидек, у сарой хизматидан ҳам маҳрум бўлди:

Се сол шуг, ки аз ин ҳашт чарху ҳафт ахтар

Ба коми хеш набудам дар ин се сол ду моҳ.

Фироқи ёр маро бас набуду бўъди гиёр

Ки шуг насиби гули ман жудой аз даргоҳ.

Дар ин ниёз ба жуди ту илтижо кардам

Бувад нузули мусофир ба назди обу гиёҳ.

Мазмуни:

Уч йил бўлдики, саккиз гумбазу етти сайёра дастидан

Шу уч йилда икки ой ҳам яхши кунлар кўрмадим,

Ёру дўстлар айрилиги ва ватандан узоқда бўлганлигим
етмасмидики,

Сарой хизматидаги айрилиқ ҳам менга насиб бўлди.

Бу муҳтожликда сенинг ҳимматингга кўз тутдим,

Зеро биласанки, мусофир тўхтайдиган жой сув ва
соя-салқин дарахтлар қошида бўлади.

Шу тариқа, Адиб Собирнинг Хуросондаги сарсон-саргардонлигига ўша вақтда уч йил тўлган эди. Бу уч йилда у Жамолиддин Абдуллоҳга ўхшаган Хуросон шаҳарларининг амалдорларига мурожаат қилиб, улардан мадад сўрайди. Ватандан айрилган мусофир ва сарой хизматидан ҳайдалган мазлум сифатида ғам-аламлардан адо бўлганлигини таъкидлайди.

Юқорида зикр этилган байтларида шоир ҳали Рованга жўнаб кетмаган вақтида Термизни ёд этиб, ватан иштиёқида қайғурган эди. У ватандан айрилиқда қолгани ва азобларга йўлиққанидан надоматлар қилади, ватан соғинчида унинг жисму жони бийрон бўлади. У дард-алам билан ёздики, агар имконият бўлсаю ҳозир Термизга етиб борса, албатта, мартаба топарди, хизматларга етишарди, ватан кучоғида шод-масрур яшарди.

Адиб Собирнинг Аминалмулкка бағишланган кейинги қасидасидан маълум бўладики, унинг мазкур сўзлари фақат ўй-хаёдан иборат бўлмасдан, унинг амалий ва ҳақиқий мақсадини ифода этган эди. Шоир сургун қарорини эшитгач, дарҳақиқат Термизга келмоқчи бўлди. Бу билан у сургунга бормасликни ва ватан оғушида азоблардан қутилиб, паноҳ топишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Шу ният билан у Рованга кетмасдан, Термизга келади ва шу билан сургундан қутулдим деб ўйлайди. Аммо Адиб Собир янглишган эди. Унинг вайрона Рованга сургун қилиниши қатъий масала эди. Шу боис ватанга қайтиши билан шоир Мажидиддин Абулқосим Али ва Аминалмулклар дастидан қутулмади. Уни Термизда ҳам таъқиб қилдилар ва шоир мажбуран Термиздан Рованга жўнаб кетди. Бу ҳақида мазкур қасиданинг кейинги сатрлари қуйидагича гувоҳлик беради:

*Амиро, ман аз дурии дарғаҳат
Ҳамегирам аз ранжи дил кайфаре.
Зи Тирмиз ба Рован чунон омадам,
Ки боғавҳаре сўйи бағавҳаре.
Ба ҳар соате ёди Тирмиз маро
Бисўзад дилу жон ба гарм озаре.*

Мазмуни:

Эй амир, мен сенинг даргоҳингдан олисларга тушиб қолдим,

*Шу боис ранж-аламдан мен ҳамиша азобдаман.
Термиздан Рованга шу аҳволда келдимки,*

Мени кўрганлар яхши инсон ёмон жойга нима сабабдан келаётибди, деб ўйлар эдилар.

Ҳар соату ҳар лаҳзада ватаним Термиз хаёли дилу жонимни ўтгай кўйдириб юборади, Термиз соғинчи мени адои тамом қилади.

Шу тариқа, Адиб Собир Термизий Рован мавзеида, бадарғалиқда қанча муддат бўлди, бизга аниқ эмас. Шуниси аниқки, шоир сургунда жуда оғир ва мудҳиш кунларни бошидан кечиради. Бундай оғир шароитга дош беролмай, у бир қанча вақт касаллик туфайли ётиб қолади. Шоир вайрона Рованда паришонликка йўлиқиб, азиз умрининг беҳуда барбод бўлишини ўйлаб, қаттиқ изтироб чекади. Шундай пайтларда у таъкидлаганидек, ҳаммаша Термиз соғинчи билан яшади. Шундай қора кунларда ватан ёди ва она-тупроқ соғинчи шоирга кучқувват ва дармон бағишлади. Адиб Собир қачон ва қаерда яшамасин, ота-макон Термиз тупроғига қайтиш, унинг бир сиқим тупроғини кўзларига суриш орзуси билан яшади. Мана шу туйғу унинг бадарғалиқдан қутулиб, ватанга қайтишида доимо руҳан куч-қувват бағишлаб турди.

АДИБ СОБИР — ВАТАНДА, ҚАЖ САФАРИДА ВА ЯНА НИШОПУРДА

Адиб Собир ниҳоят тутқунликнинг барча қийинчиликларини енгиб, Термизга қайтди. Бадарғаликнинг машаққатли азобидан қутулиб, ниятига эришди. Термиз қучоқ очиб уни ўз бағрига олди. Шу тобда Нишопур саройидаги ваҳимали муҳит, аллома Абулқосим Али бин Жаъфар ва Аминалмулк Умар етказган озорлар, қамоқ азоби, маҳбусликнинг адоқсиз ташвишлари, Хуросондаги уч йиллик сарсонгарчиликларнинг барча-барчаси ортда қолган эди. Энди мусофирчиликнинг барча азобларидан қутулган Адиб Собир эркин қушдай озод эди. Ватан қучоғида осойишта ва хотиржам яшай бошлади. Меҳрибон она, севимли аёл ва фарзандлар даврасида илиқ нафас олиб, шундай кунларга етказгани учун Оллоҳ ва унинг расулига шукроналик туй-

ғуси билан яшарди. Адиб Собир ватан оғушида яна бадиий ижод билан машғул бўлди. Янги-янги қасидалар, ғазаллар ва рубоийлар ёзиб, уларда ватан, халқ, юртдошлар ва ёру дўстларни ардоқлади; шеърят саҳнасини обод ва тароватли бир бўстонга айлантирди. Шундай шодумон кунларнинг бирида шоир ҳаж сафарини ихтиёр этди ва Макка шаҳридан аллома Мажидиддин Абулқосим Алига баришлаб бир қасида йўлади. Бу ҳолатни ушбу қасидада у бундай ифода этади:

*Инак, Агиб аз сари ихлосу эътиқод
Бо он ки нест санъати у шеъру шоирӣ.
Ин дур зи Каъба суфта фиристод гар санот,
В-арна на ҳар дурию санойи на ҳар сарӣ.*

Мазмуни:

*Шундай қилиб Агиб (Собир) ихлос-эътиқод юзасидан —
Гарчи у биладиган санъатлар ичига шоирлик санъати
унча муҳим аҳамиятга эга эмасдир —*

*Бу марварид доналарини (қасидани) териб Каъбаган сенга
юборди,*

*Ваҳоланки, маълум бўлишича, на марварид сану, на ҳар
бошда айланадиган мадҳиясан, ахир!*

Адиб Собир мазкур шеърнинг охирги мисрасида Мажидиддин Абулқосим Алига нисбатан киноя билан сўз юритади. Қилмаган гуноҳи учун беҳуда азоб тортганини эслатиб, қимматли мадҳиялари қаршисида мамдўҳининг арзимаслигини ишора қилиб ўтади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шоир хизматдан четлаштирилганига неча йил бўлган бўлса ҳам улуғ нақиб ва сайид номига ҳамиша қасидалар юбориб турган эди. Бу қасидаларда шоир доим тухматни фош этиб, мамдўҳидан кечирим сўрарди. Мамдўҳи номига битилган бу қасидалар эса Хуросоннинг турли шаҳарларидан, жумладан Нишопурнинг ўзидан, Балхдан, Термиздан, ҳатто Ровандан ҳам юборилган эди. Таъкидлаб ўтганимиздек, навбатдаги қасида Арабистондан жўнатилган эди.

Бизга маълумки, Хуросон раиси Мажидиддин Абулқосим Алининг фарзандлари, яқин қариндошлари ва дўсту биродарлари Хуросоннинг кўп шаҳарларида нақиблик мартабасига эришиб, маънавий раҳбар сифатида шуҳрат қозонган эдилар. Уларнинг аксарияти билан Адиб Собирнинг адабий алоқаси ва дўстона муносабатлари ҳали ҳам давом этаётган эди. У хоҳ хизматда, хоҳ мусофирликда бўлсин, уларга бағишлаб қасидалар битиб, дўстлик риштасини мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлди. Бу ҳаракатлар эса шоирнинг сайидларга нисбатан бўлган эҳтироми ва ҳурмат-иззатининг ёрқин далили ҳисобланади.

Бундан ташқари, Адиб Собир Термизий Мажидиддин Абулқосим Али ва Аминалмулк Умарлар хизматида бўлган вақтларида ҳам, хизматдан четлаштирилган кезларда ҳам Хуросон мулкининг ҳокимлари, қозилари ва мансабдор амалдорлари билан дўстона муносабатда бўлиб турган эди. У бу зотларга асарлар бағишлаб, эвазига ҳадялар олиб турар, умуман улардан илиқ сўзлар эшитарди. Шулардан бири, шоирнинг таъкидлашича, Балх ва Тус шаҳарларининг ҳокими Муҳаммад бин Ҳасан эди. Адиб Собир ҳажга борганида Мажидиддин Абулқосим Али номига қасида ёзиб юбориб, шу билан бирга Муҳаммад бин Ҳасанга ҳам қасида тақдим этади. Бу қасидасида у мусофирлик ва ватандан йироқда ғариблик савдосини бошидан кечираётгани ҳақида сўз юритиб, Муҳаммад бин Ҳасан ва унинг айшу ишратга тўла мажлисини ёд этади. Жумладан, у шундай ёзади:

*Чаро мазаллати ғурбат ниҳодаам бар хеш,
Агар димоғи маро нест иллати кобус.
Дар ин диёр, ки масжид килисиё бошаг,
Шигифт нест, ки бошаг муаззинаш нокус.
Қасидае чу арўсе ба ту фиристодам,
К-аз ў сууд шаваг дар замона ҳарчи нукус.*

Мазмуни:

Нима учун ғариблик азобини ўзимга олганман?

Агарда менинг бошимга алаҳсираган ваввосий тушлар савдоси бўлмаганди?!

*Бу диёрда масжид ўрнида килисий (калисо-собор) дур,
Ажабланмангларки, унинг муаззини албатта ноқусдур
(яъни калисо зангўласидур).*

*Безатилган келинчак каби сенга чиройли бир қасида йўл-
ладим,*

*Замонада гарчи камчиликлар бўлса ҳам менинг зийнат-
ли қасидам каби, албатта, улар яхшилик билан алмашиб,
тузалиб кетиши аниқ.*

Адиб Собир Термизий собор-калисони ҳаж йўлидаги мам-
лакатларда, жумладан Сурия ёхуд Фаластинда кўрган эди.
Ҳаждан қайтишида эса, айтишича, У Басра, Тоиф ва Кирмон
шаҳарлари орқали йўл кезиб, яна Термизга қайтган. Шоир
ватанига қайтгач, яна аҳли оиласи ва яқин қариндошлари
билан тинч ва хотиржам ҳаёт кечирди. Унинг бадиий ижод
соҳасидаги ишлари самарали бўлди. У энди Хуросон мулки-
нинг устоз шоири эди ва бундан чексиз фахрланарди.

Адиб Собир ҳаж сафаридан сўнг, Балх шаҳрининг на-
вбатдаги ноиби Зиёвуддин Абулҳасан Тоҳирни эслаб, ул
зотга шикоятли бир қасида бағишлади. У бу қасидани туҳ-
фа сифатида ўзи билан олиб бориб, Зиёвуддин Абулҳасан
Тоҳирга мурожаат қилади. Адиб Собирнинг фикрига кўра,
аҳли хонадон билан тинч-тотув яшаш яхши эди, албатта,
лекин иккинчи томондан саройларга йўл топиб, қайноқ ада-
бий муҳит қучоғида ижодиётни кўз-кўз қилиб ривожлан-
тириш шоир учун сўзсиз мартаба саналарди. Ана шу маъ-
навий эҳтиёж натижасида у Термиздаги тинч ва осойишта
ҳаётини ташлаб, мазкур шахс даргоҳига йўл олди.

Адиб Собирнинг ёзишича, унинг бу сафари оқшомда,
ой ёғду сочиб турган пайтда юз берди. У Жайҳун бўйи-
га келганида яна ватандан ва ёр-дўстлардан айрилган-
лигини ҳис этиб, надомат чекади ва унинг кўзларидан
шашқатор ёшлар оқади. У мамдўҳи саройига келиб,

аҳволдан шикоят қилиб, ундан мадад сўрайди. Қасида-нинг бу ҳақидаги байтлари қуйидагича садо беради:

*Чу бахт бар лаби Жайхун фиканд рахти маро,
Ба ҳам шуданд се Жайхун зи гирям дарво..
Ба накбате бибуригам раҳе, ки фитна аз ў
Чунонки сурати Монӣ зи хонаи Моно..
Ба юмн дарғаҳи соҳибсазост барбандам,
Дар ў забону равон аз шикояту шикво.*

Мазмуни:

Тақдир менинг рахтимни (кўчимни) Жайхун лабига тун-ширди,

*Йиғлаганимдан уч Жайхун бир бўлиб оқа бошлади.
(яъни биттаси Жайхуннинг ўзи бўлиб, иккови икки кў-зимнинг ёшлари эди).*

Алам билан йўл юрардим ва унда филина-фасоглар шун-чалик кўп эдики,

Сувраткаш Монийнинг сувратларини унинг ўз уйдан зўрлик билан олиб кетганлари каби.

Муборақ ва қутлуғ даргоҳдир сенинг даргоҳинг,

У ерга бориб тилим ва дилим билан шикоятлар қилмоқ-чиман.

Балх шаҳрининг ҳокими, қозиси, ноиби ва амалдорлари билан яқин муносабатда бўлиш Адиб Собир Термизий учун табиий бир ҳол эди. Зеро, Балх шаҳри Термизга энг яқин бўлган обод мавзе эди ва шоир дам-бадам бу шаҳарга ўтиб турарди. Хуросон ва Арабистон сафарида ҳам сўзсиз унинг йўли Балх орқали ўтди. Адиб Собир девонида балхлик мансабдор Зайниддин Абутолиб номига битилган қасида ҳам учрайди. Бу қасиданинг мазмунига кўра, у мазкур шахс соясида омонлик топган.

Чунончи у шундай ёзади:

Зи Тирмиз сўйи Балх афтод азмам,

Бағ-он то шод монам дар амонаш.

Мазмуни:

Термиздан Балх томон тушди йўлим,

Шу боис айтишим мумкинки, унинг ҳокими паноҳида шог-хуррам бўла оламан.

Адиб Собир Термизий ҳаётининг кейинги саҳифалари яна унинг машҳур мамдўҳи Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар саройи билан боғлиқ. Адиб Собир, юқорида айтганимиздек, Термиз ва Нишопурда мазкур зот билан ўн беш йил муносабатда бўлганидан сўнг, у кишининг хизма-тидан четлаштирилган эди. Кейин эса уч йил чамаси мусо-фирлиқда юрди. Бу орада у қамоққа тушди, сургунга юбо-рилди, ҳаж заруриятини бажо келтирди, атрофдаги кўп ёру дўстларига мурожаат қилиб, улардан мадад сўради. Аммо у Мажидиддин Абулқосим Алини бир зум ҳам унутмади, доим унинг сифатларини мадҳ этиб келди ҳамда ул зотдан доимий равишда авф сўраб келди. Бу ишлар яна неча йил да-вом этгани бизга қоронғу. Шуниси аниқки, юқорида эсла-тилган уч йилдан кейин ҳам Адиб Собир мамдўҳи билан анча муддат қасида орқали алоқа боғлаб турган ва унинг доимий мурожаатлари охир-оқибат натижа берди ҳамда ал-лома Абулқосим Али шоир билан яна муносабатларини тик-лаб, уни Нишопурга, ўз даргоҳига таклиф қилди. Бу масала-га шоирнинг қуйидаги байти ойдинлик киритади:

Эй хугованд, аз жамоли хизмати маймуни ту

Бенасибам дошт рои тирафоми рўзгор.

Дў жамолу мартабат бар рўзгорам вом буд,

Ёфтам охир ба иқболи ту воми рўзгор.

Мазмуни:

Эй улуғ муҳтарам зот, сенинг муборак хизматинг жа-молидан,

Ҳаётнинг қоронғу сўқмоқлари мени ундан маҳрум қилди.

Кечаги кунлар ҳаётимдан мартабаю, улуғлик узилган эди,

Охир-оқибат сенинг иқболинг туфайли бу камчиликлар барҳам топиб, мен яхшиликлар топдим.

Яъни шоир ҳаётдаги йўқотишлар ва саргардонликдан ниҳоят қутулиб, яна мартаба ва обрў-эътибор топдим, деб Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарнинг кўрсатган яхшиликларидан миннатдорчилигини изҳор этади. Шундай қилиб, Адиб Собир Термизий иккинчи бор сайид Абулқосим Али бин Жаъфар хизматидан баҳраманд бўлади.

Бу воқеа XII асрнинг ўттизинчи йиллари бошланишида рўй берди. Бундан кейин Адиб Собир Термизий яна сарой хизматиغا камарбаста бўлиб, Абулқосим Али ва унинг сайидзода фарзандларию қариндошлари шарафига муҳаббат билан йўғрилган мадҳиялар битди.

Унинг бу мадҳиялари панд-насиҳат ва ижтимоий мазмундаги ғоялар билан сурорилган эди. Уларда комил инсон даражасига эришган сайид Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар сиймоси турарди. Бу инсон покиза хулқли, ҳалол табиатли бўлиб, ватанпарварлик ва инсонпарварлик хусусиятларини ўзида жамлаган эди. Адиб Собир йиллар давомида шундай мартабали инсон билан баҳамжиҳат фанолият кўрсатади ва бадий жиҳатдан юксак қасидаларида ул зотнинг ишларига баҳо бериб, хизматларини шараф билан бажо келтирганлигидан чексиз фахрланади.

Аммо Адиб Собирнинг ишораларига кўра, кўп вақт ўтмай Мажидиддин Абулқосим Али билан унинг муносабати яна бузилади. Ғанимлари яна эски фитна-фасодни қўзғаб, сайид Абулқосим Алининг шоирга нисбатан қайта уйғона бошлаган меҳр-муруватини барбод қиладилар. Сабаби эса яна ўшандай ҳажвий шеърлар эди.

ТАШВИШГА ТўЛА ЙИЛЛАР

Шу тариқа, Адиб Собирнинг Абулқосим Али саройида иккинчи бора хизмат қила бошлаганига бир йил бўлмасдан, у яна мамдўҳи назаридан тушиб қолади ва иккинчи маротаба хизматдан узоқлаштирилади. Шоир эса яна ватан қучоғидан паноҳ топади. Йиллар ўтади ва XII асрнинг ўттизинчи йиллари ҳам ниҳоясига етиб боради. Бу вақт мобайнида Адиб

Собир Абулқосим Али номига тинмай қасидалар юборади, уларда туҳматчи ҳасадгуйларни танқид қилади. Мамдўҳидан ҳамон авф ва кечирим сўраб, гуноҳсизлигини исботлашга уринади. Ғам-алам ва нохуш кунлардан муттасил шикоят қилиб, сайид жанобига кўрсатган шарафли хизматларидан ҳикоя қилади. Шоир изтироб чекиб, ҳайрат билан таъкид-лайдики, у шахсан мамдўҳига ишонади, у кишини ҳурмат қилади, ғурбатда ҳам ҳамиша қалбида ул зот ҳақиқага дуосини асраб, иймон-эътиқод билан юради. Бу ҳақида Адиб Собирнинг қуйидаги байтлари далил бўла олади:

*Бигуфт ҳосиди соҳибғараз, ки уфтодам
Зи ҳазрати ту чу аз равзаи биҳишт Одам.
Зи хони ҳодисаҳо мехўрам ғизои бало,
Зи жоми воқеаҳо мечашам шароби ситам.
Марост дар дили ғамгин зи оҳи сина синон,
Марост бар рухи заррин зи хуни ғида рақам
Маро ба неъматии авфат расон, ки менарасаг
Ба жони хастаи ман жуз ба авфи ту марҳам.
На ҳаққи хизмати сисола собит аст маро,
На ҳаст аҳди ту бар жони банда мустаҳкам
Агар зи ҳазрати ту дур будаам, будаст
Дуои давлати ту бар дилам ҳамеша ба ҳам*

Мазмуни:

*Ғаразли гаплар билан ҳасадгуйлар менга туҳмат қилди,
Шу боис Одам Ато жаннатдан қувилгани каби, сенинг
дарғоҳингдан айрилдим.*

*Энди нохуш ҳодисалар дастурхонидан балоларга аралаш-
ган озуқани еб ётибман.*

*Шу каби воқеалар жомидан зулм-ситамга оғушта май-
ни ичаётибман.*

*Ғамга ботган дилимга сийнамдан чиққан оҳлардан ўқ
санчилар.*

*Қонталаш юзим эса кўзларимнинг қонли ёши билан бе-
ланган.*

Мени кечирим неъматинг ила кечирким, хаста жонимга фақат сенинг авфинг малҳам бўла олади.

Ўттиз йиллик хизматим ҳаққини ҳатто ҳурмат қил-майсанки, сенинг назаринг менга нисбатан мустаҳкам эмас ва сенинг аҳд-паймонинг ҳам мен ҳақимга ниҳоятда сушт ва заифдир.

Бу айёмга сенинг сояйи давлатингдан узоқга бўлсам ҳам, ammo сенинг давлатинг дуоси ҳамиша дилу жонимга жо ва малҳамдир.

Адиб Собир ҳаётининг бу фаслида ҳам шикоятлар хийла кўпчиликни ташкил этади. Мамдўҳининг олий даргоҳидан узоқлашган шоир ўзини дард-аламларга гирифтор билиб, дилида ғам, кўзларида нам билан қайғули кунларни бошидан ўтказди. Кўрамизки, Адиб Собир мазкур байтларида ўттиз йиллик хизматидан алам билан сўз юритади. Бу сана эса унинг Абулқосим Али даргоҳида ва ундан ташқари гурбатда кечирган умрини кўрсатади. Зеро, шоир гурбатда ҳам доимий равишда мамдўҳига қасидалар юбориб, ул зотни таъриф-тавсиф этиб, авф сўрарди. Аслида Адиб Собир Абулқосим Алидан норизо эмас эди. Нохуш воқеаларга эса ҳасадгўйлар сабабчи эканлигини у яхши биларди ва шу боис унинг шикоятлари асосан шу гуруҳга нисбатан қаратилган эди. Шунга биноан шоирнинг бу даврдаги аҳволдан яна бир мисол келтирамиз. У Хуросон раиси ва сайидулсодатига қараб, яна ўттиз йиллик хизматини қуйидагича эслатиб ўтади:

*Имрўз масти воҳаму махмури меҳнатам,
Ҳарғиз баг-ин шароб чу ман кас мабод маст.
Айём бар танам гари ҳар андўҳе кушод,
Афлок бар дилам гари ҳар шогие бубаст.
Эй шоҳ, дастгир маро, к-ў балои фом
Аз пой гар фикангаму шуғ кори ман зи даст,
Шаст аст соли умраму пеши ту будаам
Баста камар ба хизмати ту нимае зи шаст.*

Мазмуни:

Бугун оҳ-воҳлардан маст ва азоб-машаққатлардан хумордирман,

Ҳаргиз бундай майдан ҳеч ким мен каби бўлмасин маст.

Замона қаршимда ғам-алам эшигини очди,

Фалак эса дилимда хурсандчиликлар эшигини ёпди.

Эй шоҳ, мени қўлаб-қувватлагилки, қарз балоси мени оёқдан йиқитдию, тамом қилди.

Умрим олтмишга етди ва шу олтмишнинг ярмини сенинг хизматингга бағишлаб, камарбаста бўлган эдим.

Бу байтларда Адиб Собир мурожаат қилган машҳур шоҳ-мамдӯҳлар — Султон Санжар ва Отсиз Хоразмшоҳлар эмас эдилар. Чунки шеърда юқорида эслатилган шоирнинг ўттиз йиллик хизматига ишора бор. Бу эса Абулқосим Алига бағишланган хизматнинг санаси эди. Зеро, у шу сайидга бағишланган ўттиз йиллик хизматини дам-бадам эслатиб ўтади. Жумладан, шоир кейинги, учинчи бир ўринда — сайид Абулқосим Алининг ўғли Шамсиддин Жаъфар бин Али номига бахшида этган қасидасида — мазкур санага яна бундай ишора қилади:

Сй сол шуд, ки чокари ин остонаам,

Эй кош, халқро ҳама ин чокаристй.

Мазмуни:

Ўттиз йил бўлдики, бу остонага хизматкор эрурман,
Кошкийди ҳаммага ҳам бундай хизматкорлик насиб этса.

Шу тариқа, Адиб Собирнинг мазкур шеърида «шоҳ» сўзи Абулқосим Алига қаратилган бўлиб, бу сўз улуғ мамдӯҳнинг навбатдаги улуғ сифатларидан бири ҳисобланади. Адиб Собир бу инсонга тақдим этган бир қасидасида ул зотнинг сифатлари ва лавозимларини санаб шундай дейди:

Сари сарон, маликуссода, сағри давлату дин,

Ки ҳаст давлату динро бино ба ў маҳкам,

Паноҳи илму бунёди мулку асли шараф,

Камоли донишу фарри жаҳону фаҳри имам.
Зи асл гавҳари поки паямбаронӣ араб,
Зи наслу нисбати шоҳону хусравони аҷам.
Саройи давлати олишро малак меъмор,
Биноӣи ҳазрати волошро фалак торам.
Зиҳӣ ба давлату дониш ҳазор чун Осаф,
Зиҳӣ ба нусрату ҳайбат ҳазор бор чу Жам.
Худойғони бузургони оламию худой
Туро зи ҳашмату рифъат сипоҳ доду ҳашам.

Мазмуни:

Сардорлар сардори, шоҳларнинг яғнаси, давлату дин сар-
кардас,

Давлату дин иморати у кишининг фаолиятидан мус-
таҳкам бўлди.

Илму урфон паноҳи (қаноти), мулк таҳкуриси, шараф-
ларнинг асл моҳияти,

Донишмандлик камолоти, жаҳон сарвари, имомларнинг
фаҳр-ғурури.

Унинг келиб чиқиши араб пайғамбарларининг гавҳари —
асл моҳиятидандир,

Наслу насаби эса эроний шоҳлару хусравларнинг авлоди-
дандир.

Олий давлатининг қаср-саройини фаришталар бино эт-
ганлар.

Юртингдаги олий бинолар баландликда кўкка бориб та-
қалади,

Донишмандлик ва давлатмандликда Осаф пайғамбардан
ҳам минг бор афзалроқсен,

Шоҳларга хос ҳайбату ғурур ва зафарлар сари борганда
эса Жамшид шоҳдан минг бор ўтиб кетгандирсен.

Сен бузруклар бузруги, оламлар оламисен, шу боис Аллоҳ
сенга ҳашамат, савлат ва олийлик учун сипоҳ-аскарлар
бердию шуҳрат ҳам ато қилди.

Бу сўзлар албатта, муболага билан айтилган ва ҳаттоки
муболаганинг игроҳ даражасига етган сўзлардир. Аммо улар-

нинг замирида ҳақиқат бор эди. Зеро, Адиб Собир пайгамбарлардан насл-насаб олган покиза ва ҳалол зот — сайид ҳақида ёлвон гапирмас эди ва буни гуноҳ деб ҳисоблар эди. Шу боис мазкур сайидулсодат васфи чин қалбдан айтилган самимий фахриялар эди. Шоир эса мана шу олижаноб, олийнасаб мухтарам зотта хизмат бажо келтирган ва ҳатто саройдан узоқлашганида ҳам ихлосу эътиқод билан яна ва яна ул зотта юз ўгирган. Адиб Собирнинг аввалроқ зикр этилган шеъри мазмунига кўра, у Мажидиддин Абулқосим Али хизматидан четлаштирилган вақтда қарзга ботган эди, қарз балосидан қутулиш мақсадида мамдўҳига мурожаат қилиб, унинг қўллаб-қувватлашини интизорлик билан кутган.

Аммо бу шикоятлару талаблар Хуросонда ҳеч қандай натижа бермади. Ҳосид ғанимлар Адиб Собирни саройга яқинлашгани қўймадилар. Шоир Нишопурда Мажидиддин Абулқосим Али билан икки навбат адабий алоқа боғлаб, унинг хизматида бўлди. Аммо икки мартаба ҳам у ҳосидларнинг фитнасига йўлиқиб, мамдўҳ саройини тарк этди. Олтмиш ёшли шоир (бу ёшни ўзи таъкидлаб ўтади) Хуросонни тарк этиб, яна ватанига қайтади. Унинг жон каби азиз ватани — Термиз аросатда қолган фарзандини ўз баррига олади ва унинг ғариб ўғли ватанда яна мавқе ва мартаба топади.

Шу ерда Адиб Собир Термизийнинг олтмиш ёшигача кечирган ҳаёт йўлининг қисқача тафсилотини тугатиб, унинг шу ёшгача бўлган ҳаёти ҳақидаги қуйидаги хулосаларни тақдим этамиз:

1.1078 йилда Термизда, бугунги эски шаҳарнинг юқори қисмида жойлашган Дуоба маҳалласида таваллуд топди.

2.1094 йилдан бошлаб мадрасаларда, жумладан Ҳирот мадрасасида таҳсил олди.

3.1108 йилдан салжукийларнинг Термиздаги ноиб, Термиз сайидларининг нақиб Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфар хизматида бўлди.

4.1121 йилда Мажидиддин Абулқосим Али Термиздан кетиб, Нишопурда яшаб қолгани боис, мамдўҳининг таклифига биноан Нишопурга жўнаб кетди.

5.1123 йилда уюштирилган туҳмат натижасида мазкур даргоҳни тарк этди.

6.1123 йил ораларида ҳибсга олинди.

7.1123 йил ниҳоясида ҳибсдан қутулиб, ватанига қайтди.

8.1124 йили таъқиблар остида қолиб, Тоҳаристоннинг Рован мавзеига бадарға қилинди.

9.1127 йилда сургундан қутулиб, яна ватан оғушидан паноҳ топди.

10.1128 йилда ҳажга бориб келди.

11.1130 йилдан яна сайид Маждиддин Абулқосим Али бин Жаъфар саройи билан алоқа боғлаб, Нишопурга жунаб кетди ва иккинчи мартаба у кишининг хизматиға бел боғлади.

12.1131 йилда эски туҳматларнинг қўзғалиши натижасида яна хизматдан озод бўлди.

13.1132–1138 йиллар давомида Адиб Собир Термизда — ўз ватанида яшади. Аммо бу йиллар орасида доимий равишда Маждиддин Абулқосим Алиға қасидалар юбориб турди.

14.1138 йилда Адиб Собир Термизий олтимишга кирган эди. Унинг 1108 йилдан 1138 йилгача кечирган умрига назар ташланса, шу ўттиз йил давомида — хоҳ хизматда бўлсин, хоҳ гурбатда — Маждиддин Абулқосим Али бин Жаъфар ва у кишининг фарзандлариго қариндошлари билан доимий равишда алоқада бўлиб келган экан. Шу сабаб мазкур санани ҳисобга олиб, шеърларида мазкур зот хизматида ўтказган ўттиз йиллик умрини дам-бадам эслаб туради.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ МАРВ ШАҚРИДА

Адиб Собир Термизий замонасининг улур шоири сифатида, хусусан, Маждиддин Абулқосим Али бин Жаъфар хизматида умр кечирган йилларида салжуқийларнинг шоҳи Султон Санжарга яхши таниш эди. Султон Санжарнинг эса Маждиддин Абулқосим Али билан борди-келдиси бор эди ва у мазкур сайидни ўзининг биродари деб биларди. Шу сабаб Султон Санжар Адиб Собирни ўз хизматиға жалб этиш ниятида эди ва бу ҳақда Маждиддин Абулқосим Али билан мас-

лаҳатлашди. Сайид Адиб Собир Термизий ҳақида яхши фикрлар билдирди. Натижада, Адиб Собир 1138 йилнинг охирида Султон Санжар Салжуқийнинг таклифига биноан, Термиздан Марв шаҳрига жўнаб кетди. Мазкур маслаҳат ва Султоннинг марҳамати хусусида шоир бундай ёзади:

*Худовандо, агарчи пеш аз ин аҳд
Зи ман номе набуг ангар Хуросон.
Ба қавли ту маро бинвохт Хусрав,
Ба саъйи ту маро бинвохт Султон.*

Мазмуни:

Эй улур зот (Сайид Абулқосим Алига мурожаат), гарчи бундан олдин Хуросон мулкига мендан ном-нишон йўқ эди, сенинг маслаҳатинг ила Хусрав мени эркалагу, сенинг саъй-ҳаракатинг ила Султон менга марҳамат кўрсатди.

Адиб Собир Термизий салжуқийлар пойтахти Марв шаҳрида, бу сулоланинг машҳур султони ҳузурида «сарой шоири» унвони (фахрий ном)га мушарраф бўлди, сарой адабий муҳитида ўз иш фаолиятини давом эттирди. Тез орада у султоннинг хос надими (маслаҳатчиси) лавозимига кўтарилди. Хизматда эса фавқулодда ишчанлик қобилиятини кўрсатди, ўзига юкланган ишларни шараф билан бажарди. Шу сифатлари билан Адиб Собир Султон Санжар ва унинг амалдорларига ҳар томонлама ёқиб қолди. Улар Адиб Собирдан қасидалар тинглар ва унинг ғазалларига басталанган оҳангларни эшитиб, шоирга офаринлар айтардилар. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида Адиб Собирни инъому тухфаларга сазовор қиларди. У сарой хизмати ва надимлик вазифаси билан шуғулланиб, бойлик ҳам орттирди, бадиий ижод учун ҳам кенг имкониятларга эга бўлди.

Адиб Собир Марвга келгунига қадар Султон Санжар саройида катта адабий муҳит яратилган эди. Бу ерда машҳур шоирлар — Муиззий, Анварий, Жабалий, Низомий Арузий, Футуҳий, Меҳситтий, Шамолий, Камолий, Мунирий каби шоиру шоиралар йиғилган эдилар. Муиззийдан кейин

(у 1127 йилда оламдан ўтган эди) сарой маликушшуароси вазифасини Анварий бажариб турарди. Адиб Собир эса надимлик хизматидан кейин адабий муҳит ишларида ҳам фаол қатнаша бошлади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир адабий муҳитнинг мазкур вакиллари билан адабий кечалар ва шеърий суҳбатларда қатнашиб, юксак маҳорат соҳиби эканлигини намойиш этди. Хусусан, Адиб Собир саройнинг машҳур шоири ва маликушшуароси Авҳадуддин Анварий билан кўп баҳслашарди. Бора-бора бу баҳс-мунозаралар шу даражага етдики, Анварий Адиб Собирга қойил қолиб, унинг шеърият бобидаги салоҳиятига тан берди. Кейинчалик Анварий Адиб Собирнинг шеърларига ўхшатма қасидалар ёза бошлади ва шеъриятда унга эргашиб, унинг изидан юришга жазм қилди. Жумладан, Анварий Адиб Собирнинг фалакиёт ҳақидаги бир қасидасига тазмин-татаббу қилиб, унда Адиб Собир шеърларини «покиза зилол сув» га, яъни оби замзам чашмасига ўхшатади. Аммо Анварий ўз қасидасида Адиб Собир қасидасини мукамал даражада тазмин қила олмаганлигини ҳам айтиб ўтади. Масалан ёзади:

*Гуфтам, чунон ки Собирни покизаназм гуфт:
«Омад зи Ҳут чашмаи Хуришуд гар Ҳамал».*

Мазмуни:

*Дедим: чунонки бу зилол покиза назмни Собир айтди:
«Ҳут буржидан Қуёш чашмаси Ҳамалга келди».*

Анварий бу ҳақдаги ўз фикрларини давом эттириб, шеъриятда ўзи Адиб Собир Термизий даражасига ета олмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтади ва шоир қошидан у ҳаминша таъзим ва тавозе билан ўтарди. Анварий шоиримиз шеърларига қилинган бошқа бир тақлидий қитъасида бу ҳақда шундай дейди:

*Ин ҳама бигзор, бо шеъри мужаррағ омадам,
Чун Санойи ҳастам охир, гарна ҳамчун Собирам.*

Мазмуни:

*Бу гапларингни кўя қол (айтма), илк шеърларим ила маш-
хурман,*

*Аммо Санойй даражасига етган бўлсам ҳам ҳануз Собир
даражасига етолмаганман.*

Бу таъриф-тавсифлар Адиб Собир Термизийнинг шеъри-
ят соҳасидаги мажоратининг эътироф қилиниши ва тақдир-
ланиши эди. Ўз вақтида Адиб Собир машҳур замондошлари
орасида устозлик даражасига эришган шоир ҳисобланарди.
У шу шуҳрат ва шу мартаба билан Султон Санжарнинг са-
ройида катта обрў-эътибор қозонди, шоирлар олқишига са-
зовор бўлиб, уларга ҳомийлик қила бошлади. Бу борада яна
бир мисол келтирамиз. Санжар саройидаги бошқа бир за-
бардаст шоир Абдулвоси Жабалий Адиб Собирнинг мажора-
тига қойил қолиб, унинг олдида бош эгарди, унинг ижодига
жуда ҳурмат билан қарарди. У ўз шеърларида Адиб Собир
ҳақида жуда баландпарвоз гаплар айтиб, ўзи ва замондош
шоирларнинг истеъдодини ундан паст деб ҳисобларди. Жум-
ладан, бу орада Жабалий Адиб Собирнинг бир қитъасига
татаббу қилиб, аммо бу тақлиднинг уддасидан чиқа олмаган-
лигини ҳам айтиб, таъзим ва ҳурмат билан унга нисбатан
«пайғамбар» сўзини ишлатади. Яъни Жабалий Адиб Собирни
шоирларнинг пайғамбари даражасига кўтарилган шоир дея
таърифлайди ва бу пайғамбарнинг ёзган шеърлари эса, ал-
батта, «мўъжиза» га ўхшайди, — дейди. Масалан:

*Ҳаст ў паямбари шуарову зи банони хеш
Ҳар дам ҳазор мўъжиза зоҳир кунад ҳаме.*

Мазмуни:

*Эрур ул зот (Адиб Собир) замонамиз шоирларининг пай-
ғамбари,*

*Шу боис бармоқларидан ҳар лаҳзада минглаб мўъжиза-
лар пайдо бўлади.*

Бизнингча, шоирлар ҳақида бундан ортиқ ва баланд-
парвоз таъриф-тавсиф айтиб бўлмайди. Адиб Собир билан

бир адабий муҳитда ижод қилган забардаст замондоши ўз дўстини шеърият санъатида пайғамбар деб таърифлагани ва унинг шеърларини мўъжизага ўхшатгани, албатта, бежиз эмасди. Агар ҳақиқат бўлмаганда, бу сўзлар айтилмаган бўларди. Шу сабабли шоирнинг юксак маҳоратига шо ниш ва уни ҳақиқат деб билиш сўзсиз, тўғри бўларди. Ҳақиқатан, манбаларда ёзилишича, Адиб Собир замондошлари орасида шеъриятда пайғамбарлик мақомига эришган ва у энг буюк устоз ва тенги йўқ моҳир адиб сифатида танилган эди. Анварий, Рашидиддин Ватвот, Жабалий, Шамолий, Футуҳий каби замонасининг шоирлари Адиб Собир даражасида бўлмаганлари рост. Билъакс, улар очиқдан-очиқ ўзларини Адиб Собирдан паст ҳисоблаб, унинг шоирлик салоҳиятига тан бериб, янги-янги баҳолар билан унинг истеъдодини эътироф этиб юрмас эдилар.

Ватандошимиз Адиб Собир Термизий XII асрнинг биринчи ярмида ҳақиқатан соҳибэъжоз сиймо ва буюк шоир сифатида намоён бўлди. Султон Санжар саройидаги ўнлаб ва замонасининг юзлаб шоирларига раҳнамолик қилиб, шеърият бобида замондошларига намуна бўлди. Ўз замонасида «шоирлар пайғамбари» деб юксак таърифланган Адиб Собирнинг бадиий мероси бугунги кун авлодлари учун ҳам ниҳоятда муҳим ва ибратли эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак!

Адиб Собир Термизий ўз навбатида айрим замондошлари билан ҳам шахсан адабий алоқа боғлаб, уларга атаб шеърлар битган эди. Жумладан, у икки буюк замондошини қуйидагича тилга олади:

*Ба аҳди худ шуароро тақадгуме наниҳам,
Ба жуз Муиззию Масъуди Саъди Салмонро.*

Мазмуни:

*Ўз аҳдима (давримда) менга тенг келадиган шоирлар
қурцмайди,*

*Улардан фақатгина Муиззий ва Масъуд Саъд Салмонлар
менга яқин турадилар.*

Аммо Адиб Собир Термизий X-XI асрларда ўзидан олдин ўтган буюк шоирларга ҳурмат-эҳтиром кўзи билан қарайди. Ўзини уларга тенгдош деб билади ва уларнинг анъаналарини давом эттиришини таъкидлайди.

Булар Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий, Шақиқ Балхий ва ватандоши Мунжик Термизийлар эдилар. Қуйида унинг голибона, лекин ҳурмат билан айтилган баъзи сўзларига диққат-эътиборимизни қаратамиз:

*Забону табъи Муиззию Рудакист маро,
Санойи давлати Салжуқу оли Сомонро.*

Мазмуни:

Рудакий в.. Муиззийларнинг шеърият бобига бўлган табъи ва тили менга берилган.

Аммо мен ва Муиззийнинг тилимиз агар салжуқийларнинг таърифига ҳаракат қилсалар,

Рудакийнинг табъи-тили сомонийларнинг мадҳиясига улгурган эди.

* * *

*Эзид маро зи баҳри санойи ту ҳада год,
Табъи Шақиқи Балхию Мунжики Турмизий.*

Мазмуни:

Сенинг таърифингни (Султон Санжарнинг мадҳини) Аллоҳ таоло менга насиб этди.

(Чунки) Шақиқ Балхий ва Мунжик Термизийларнинг шеъриятда бўлган нозик ва равон табъи менга насиб этган эди.

Буларнинг ҳаммаси, яъни Адиб Собирнинг салафларига муносабати ва ўзининг замондошлари олқишларига сазовор бўлиши сарой адабий муҳитининг талаби ва ички хусусиятларига мос ва хос эди. Бу масала саройдаги адабий алоқалар ва унинг йўналишини белгилаб берарди. Лекин Адиб Собирнинг шеъриятда эришган даражасига таъбе-риш ва унинг мўъжизакор қаламига таҳсин-офаринлар

айтиш, голибо, кун сайин давом этарди. Жумладан, Хурсон адибларидан ўтиб, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Ироқ, озорбайжонлик шоирлар ҳам Адиб Собирга нисбатан эҳтиром билан сўз юритиб, унинг истеъдодига юксак баҳо берганлар. Масалан, самарқандлик (бу шаҳарнинг адабий муҳитига қарашли) машҳур шоир Амъақ Бухорий Адиб Собир ҳақида шундай ёзган эди:

*Наузибиллаҳ, имруз мисли Собир нест,
Ки рўзгор ба ашъори ў занаг дастон.*

Мазмуни:

Наузибиллаҳ, бугун Собирга тенг келадиган шоир кўринмайди,

Бизнинг давримизда унинг шеърлари дostonга айланиб, шуҳрат қозониб, ёйилиб кетгандир.

Озорбайжонлик шоир Зулфиқор Шервоний таъкидлаган эди:

*Донй бағ-ин намағ кас тарзи суҳан нағорағ:
Аз Унсурою Собиро зи Озарою Амъақ.*

Мазмуни:

Агар билсанг, бу услубда булардан ташқари ҳеч ким қасида айтмагандир:

Булар: Унсурий, Собир (Термизий), Озарий ва Амъақдирлар.

Бу таърифларни яқунлаб, Адиб Собирнинг ўзига берган ажойиб бир баҳосидан қуйидаги байтни намуна сифатида келтирамыз:

*Дар суҳандонони беҳамто бaсе пойи хатост,
Ҳар касеро дар суҳан ҳамтойи Собир доштан.*

Мазмуни:

Машҳур шеърят мулкининг султонларида ҳам хатолар учраб туради.

Аммо шеърият султонлигида ҳар кимни Собир билан тенглаштириш хатодир.

Одатда, шоирлар ўз ижоди ҳақида бошқалардан таъриф-тавсиф эшитса ё эшитмаса, ўзлари-ўзларини таъриф қилиб, бошқалардан ўзларини устун қўйиб юрадилар. Аммо Адиб Собирнинг камтарона табиатига бу хусусият бегона эди. Зеро, ўз ижодидан қониқиш ҳосил қилган шоиргина шундай фахрланиш туйғусини ҳис қилиши мумкин. Бу баҳо эса бошқа шоирлар Адиб Собир ҳақида айтган таърифларнинг тасдиғи ва ҳаққонийлигининг далили эди.

Адиб Собир Термизийнинг Марв шаҳри саройида кечган фаолиятидаги яна бир фактга диққат қиламиз. Бу факт ишқий кечинма мавзусига оиддир. Эрон тадқиқотчиси Али Қавим тазкираларда берилган маълумотларга таяниб таъкидлайдики, Адиб Собир Султон Санжар саройида шоҳнинг хос надими, машҳур шоира Меҳситтий (Маҳастий) билан яқин алоқада бўлган ва шоирага бағишлаб ўнлаб ишқий шеърлар ёзган. Бу фикрни эса Меҳситтийнинг тадқиқотчиси эронлик олим Тоҳирий Шиҳдоб ҳам тасдиқлайди. Аммо Адиб Собир ижодидан биз бу борада бирон-бир маълумот топмадик. Шунинг учун бу фикрнинг қай даражада тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бизга маълум эмас.

Адиб Собир Термизий Султон Санжар саройида бошқалар қаторида шоира Меҳситтий билан ҳам яқиндан таниш эди ва мушоираларда шоира билан шеърий мунозаралар, ҳазил-мутойибалар ва баҳслар қиларди. Меҳситтий эса ниҳоятда гўзал ва хусн-жамолда ягона эди. Султон Санжарнинг узоқ Хўжанддан уни чақиртириб олиб келиши ҳам бежиз эмасди. Меҳситтий шоиралик маҳорати билан бирга, гўзалликда Хўжанд, Фарғона, Ўзганд атрофида ном чиқарган эди ва гўзалларнинг маликаси ҳисобланарди. Тахаллуси — «Меҳситтий»нинг маъноси ҳам бунга ишоратдир: «меҳ» — улур, «ситтий» — малика аёл. Ёхуд иккинчи маъноси: «моҳ» — ой, «ҳасти» — ўхшатиш, яъни «ойга ўхшаган қиз» деганидир.

Меҳситтий Султон Санжарнинг саройида шоиралик қиларди. Сарой шоирларига ўхшаб, шоҳга бағишлаб қаси-

далар ёзарди; уни таъриф-тавсиф этарди. Шоҳнинг хос суҳбатлари ва мушоира давраларида рубоий ва тароналар айтиб, ҳаммани қойил қолдирарди. Жанглар, сафарлар ва бошқа сиёсий, маданий ҳамда ижтимоий тадбирларда ҳам иштирок этарди. Бунинг устига надимлик вазифаси ҳам бор эди. Мамлакатни бошқариш, унинг ички ва ташқи сиёсатига доир масалаларда ҳам шоҳ у билан маслаҳатлар қиларди. Шу боис Меҳситтий шоҳнинг яқин одами эди. Бу яқинлик эса бора-бора ишқий тус олганди, албатта.

Энди фикримизни жамлаб бир хулосага келайлик: Адиб Собир Термизий Султон Санжар саройида кимга муҳаббат боғлаган эди? Бу масалага ўрта асрларнинг тазкиранависларидан бошлаб, бугунги адабиёт тадқиқотчиларигача чуқур мулоҳаза қилмай, бепарволик билан қараганлар. Бизнинг кузатишларимиздан шу нарса аниқ бўладики, Адиб Собир билан Меҳситтий орасидаги бу муносабат ишқий дostonга айланган бўлиши мумкин. Адиб Собир шоирани севиб, унинг номини зикр этмасдан, унга бағишлаб лирик ғазаллар ёзганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шу боис Адиб Собир ғазалларининг бир қисмини Меҳситтий ҳусн-жамоли таъсири остида ёзилган ғазаллар деб эътироф этиш жоиздир. Лекин Адиб Собир ва шоира орасидаги муносабатлар шоҳга қандай таъсир этганлиги биз учун қоронғу.

Адиб Собир Термизийнинг Султон Санжар саройидаги ҳол-аҳволи ва ижоди ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирамиз. Шоирнинг бошқа ижодкорлар билан адабий алоқаси ва замондошларининг унга нисбатан айтган илиқ ва самимий сўзлари тинмай давом этарди. Адиб Собирнинг надимлик вазифаси, давлат ишлари билан шугулланиши ва Султон Санжарга яқин туриши унинг фаолиятига таъсир ўтказгани сабабли, у ҳақиқатан сиёсатдон шахс сифатида ҳам машҳур бўлди.

Аслида Адиб Собирнинг сиёсат бобидаги фаолияти Термиз ва Хуросонда Мажидиддин Абулқосим Али бин Жаъфарнинг саройидан бошланган эди. Бу саройда ҳам у надимлик ва котиблик лавозимларида ишлаб, мазкур мамду-

ҳининг ташқи сиёсатига раҳбарлик қиларди. Кейин, Адиб Собирнинг Хуросонда саройдан кетиши, ҳибсга олиниши ва сургун қилинишига туҳмат билан айтилган ҳазил шеърлардан ташқари, ана шу сиёсий ишларга аралашуви ҳам сабаб бўлди. Яна Султон Санжар саройига йўл топиши унинг сиёсий фаолиятидаги ана шу фавқулодда қобилияти билан ҳам борлиқ эди. Мажидиддин Абулқосим Алининг ишончига сазовор бўлган шоир ана шу йўллар орқали Султон Санжарга манзур бўлди.

Шунинг учун Адиб Собир Термизий Султон Санжар саройида сиёсат ишларига жиддий аралашиб кетди. Масалан, у сиёсатга доир султон буюрган ҳамма ишларни бажонидил ижро этарди; надимлик вазифаси тақозоси туфайли шоҳнинг ишларига яқиндан ёрдам берарди. Шу жумладан, Адиб Собир адабий муҳит ишларининг сиёсий тус олишига мунтазам ҳаракат қиларди. Адиб Собир ва Авҳадуддин Анварийларнинг таъсири остида саройдаги барча адиблар сиёсий ва ҳарбий қасидалар ёзишга уриндилар. Бу қасидаларда шоҳнинг мақтови ва таъриф-тавсифи биринчи ўринда турарди. Шу билан биргаликда унинг бошқа ҳукмдорлардан устунлиги ҳам алоҳида таъкидланарди. Султоннинг жанглари, валабалари, сиёсий ишлари, шон-шавкати ва оила аъзолари ҳам мазкур қасидаларда мадҳ этиларди.

Адиб Собирнинг салжуқийлар саройидаги сиёсий фаолиятдан мисоллар келтирамиз: эронлик олим Али Қавимнинг таъкидлашича, Султон Санжарнинг 1140 йили қорахитойлик Гўрхон билан бўлган тўқнашувида Адиб Собир Термизий фаол иштирок этган. Бу қонли воқеа Самарқанднинг Қатарон даштида юз беради. Султон Санжар жангда ютқазиб қўяди ва шармисорлик билан Марвга қайтади. Адиб Собир эса онаси, ўғли ва оиласини кўриш учун султондан рухсат сўраб, Шаҳрисабз, Бойсун ва Шеробод орқали Термизга келади. Бир муддат оила аъзолари билан суҳбатлашиб, ватанини зиёрат қилиб, дўстлару қариндошлар билан учрашиб, кейин яна Марвга жўнаб кетади. У яна саройда сиёсий ва адабий ишларга шўнғиб кетади.

Шу тариқа, Адиб Собир Термизий 1138 йилнинг охиридан 1140 йилгача, икки йил чамаси, Султон Санжар давлатининг пойтахти — буюк салжуқийлар сулоласининг энг ҳашаматли шаҳри — Марвда яшади. Шоирлик фаолияти ва сиёсат соҳасидаги қобилияти билан салжуқийларга мунтазам ёрдам берди.

Юқорида айтдикки, қорахитойлик Гўрхоннинг жангидан кейин шоир ватанига келган эди. Аммо ўша йилларда ҳам Адиб Собир вақт топиб, ҳамиша Термизга келишга ошиқарди, қариндошлари ва оила аъзолари аҳволдан хабардор бўларди. Шоирнинг шеърларидаги ишораларга бинотан, унинг навқирон ўғли Али ибн Собир ҳам баъзан Марвга келиб, отаси билан мулоқотда бўлиб, унинг аҳволдан хабар олиб турарди.

Адиб Собир Термизий таржимаи ҳолининг кейинги йиллари шоҳлар орасидаги можаролар билан боғлиқ бўлди. Унинг ҳаётида яна фитна-фасодлар, найранглар, душманликлар юзага чиқди. Бу воқеаларнинг охири эса фожиа билан тугади. Бу фожиа эса шоирнинг мудҳиш ўлими — унинг дарёга фарқ эттирилиши эди. Бу воқеаларнинг тафсилоти тарихий манбаларда равшан баён этилган ва энди уларнинг муаллифларига сўз берамиз:

Йиллар давомида салжуқийлар шоҳи султон Санжарга бўйсуниб келган Хоразм шоҳи Алоуддин Отсиз 1137 йилдан бошлаб мустақиллик учун курашиб, мазкур сулолага тобе бўлишдан бош тортишга уринди. Шунинг натижасида йил — ўн икки ой икки ҳукмдор: султону шоҳ орасида доимий равишда қонли тўқнашувлар бўлиб турарди. Отсиз султон Санжарни рафлатда қолдириб, унинг пойтахти Марвни талон-тарож қилмоқ учун ҳамиша қулай пайтни кутарди.

1260 йилда ёзилган Атомалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушо» асарида келтирилишича, уч йилдан кейин, яъни 1140 йилда Отсиз учун шундай қулай фурсат келди. Юқорида айтганимиздек, бу пайтда, 1140 йилда султон Санжар қорахитойлик Гўрхон билан жанг қилиш учун Самарқанд томон жўнаб кетган эди. Бу жангда султоннинг аҳли ҳаша-

ми — амалдорлари, надимлари, вазирлари, жангчилари, лашкарбошиси тўлиқ армияси билан, шоирлару олимлари, жумладан Адиб Собир Термизий ҳам иштирок этган эди. Султон Санжар билан Гўрхон ўртасида Самарқанднинг Қатарон даштида хунрезлик жанги давом этиб турган вақтда унинг пойтахти Марв шаҳри эгасиз қолган эди. Шундай бир фурсатни кутиб турган Отсиз қулай шароит турилганидан фойдаланиб, Марвга ногаҳон ҳужум қилди. Эгасиз қолган шаҳарни у хоҳлаганича талон-тарож қилди, қатл ва горатга қўл урди, обод мавзени харобага айлантириб, қўп бойликлар билан Хоразмга қайтди. Жумладан, Отсиз ёш йигитлар, қизлар, аёлларни ҳам асир қилиб, қулликка гирифтор этиб, Хоразмга олиб кетди. Бу қонли юриш натижасида султон Санжарнинг хазинаси ва ҳарами ҳам барбод бўлган эди.

Бу воқеадан сўнг мустақилликни орзу қилиб юрган Отсиз ўзини бирдан мустақил ҳукмдор деб эълон қилади ва Султон Санжарга итоат этишдан воз кечади. Унинг саройидаги машҳур шоир Рашидиддин Ватвот ушбу муносабат билан катта бир қасида ёзиб, Отсизни табриклади. Жумладан, у шундай ёзади:

*Чун малик Отсиз ба тахти мулк баромаг,
Давлати Салжуқу оли ў ба сар омаг.*

Мазмуни:

*Ҳукмдор Отсиз мамлакат тахтига эга бўлди,
Салжуқийларнинг ҳукумати ва сулоласи инқирозга учради.*

Султон Санжар қорахитойлик Гўрхондан шикаст топиб, бош эгиб, Марвга йўл олди. Йўлда Отсизнинг навбатдаги можароси ва Марвнинг талон-тарож қилинганлигидан хабар топади. У зудлик билан Марвга етиб келади. Отсизнинг зўравонлик қилмишларидан қаттиқ ғазабланади. Хазина барбод бўлган, ҳарам горат қилинган эди. Шаҳар эса вайрон қилиниб, талон-тарожга учраган эди. Бу пайтда Термизда бўлган Адиб Собир ҳам Марвга қайтгач, ҳодисадан хабар-

дор бўлди. У султоннинг энг яқин кишиси ва надими сифатида доимо унинг кўз олдида турарди. Султоннинг ғаму аламига шерик бўлиб, Отсизнинг ногаҳоний қонли ҳаракатини лаънатлади. Султон Санжарнинг қаҳр-ғазаби бениҳоя эди. Отсиздан нафратланиб, унинг қилмишларини жавобсиз қолдирмасликка қасд қилди. Ва шу пайтдан бошлаб зудлик билан жангга тайёргарлик кўра бошлади. Отсизнинг адабини бериш ва уни яна итоатга келтириш учун Султон Санжар катта куч билан Хоразм томон лашкар тортди.

«Тарихий жаҳонкушо» асарида келтирилган маълумотга биноан, Отсиз Султон Санжардан қўрқиб, Ҳазорасп мавзесида унга пешвоз чиқди. Султондан кечирим сўради, хушомад қилиб, унга бош эгди. Отсиз ўзи билан кўп қимматбаҳо тухфалар олиб келган эди. Ҳаммасини Санжарга тақдим этди, унинг хазинасини ҳам, ҳарамидан олинган зебузийнатларни ҳам қайтариб берди. Узрлар сўраб, итоатли бўлишга ҳамда Марвнинг ободлиги учун ўз хазинасидан маблағ ажратишга ваъда қилди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари эса Султон Санжарнинг кўнглини юмшатди. Султон ўйлаб-ўйлаб одамлари, жумладан лашкарбошиси, аҳли ҳашами ва надимлари билан маслаҳат қилди. Ва шундай қарорга келдиларки, жанг албатта, қурбонсиз бўлмайди ҳамда мислсиз ташвиш ва вайронгарчиликка сабаб бўлади. Шу боис Султон Санжар Отсизнинг узрини қабул қилиб, унга танбеҳ бериб, жангдан воз кечди ва Урганч дарвозасидан ортга қайтди.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай, Отсиз ваъдасига хилоф равишда ўз лафзидан қайтди. Атомалик Жувайнийнинг таъкидига кўра, тинчликни хоҳламаган Отсиз лафзидан қайтиб, яна Султон Санжарга тош отиб, фитна-фасод қила бошлади; унинг доимий одати бўлган зиддиятлар, ғийбатлар, итоатсизлик яна давом этиб, марказий давлатнинг ихтиёридан ажралиб чиқиш нияти унга сира тинчлик бермасди. Отсиз кибр-ҳавога берилиб кетганди. Хоразмни тобелиқдан озод қилиб, унга танҳо ўзи ҳукмронлик қилиш унинг ягона мақсади бўлиб қолганди.

Султон Санжар эса яна ташвишга тушиб қолди. Хоразмдан эндигина қайтиши билан бирон ёққа бош бурмасдан, изидан яна равғо ва фитна-фасод бош кутарди. Султон Санжар ҳайрон эди, нима қилишни билмасди. Қўшин тортиб яна қайтиб Хоразмга бориш оғир эди, албатта. Йўл узоқ ва аскарлари ҳам чарчаган эди. Лекин Отсизнинг йиллар давомида қилган ноҳўя хатти-ҳаракатлари унинг жонига теккан эди. Ишни бир ёқлик қилиш зарур эди: ё Хоразмни босиб олиб, у ерда энг яқин ва ишончли одамани раҳбар қилиб тайинлаш, ёки бошқа бирон-бир тинчлик йўлини топиш зарур эди. Уйлаб-уйлаб Султон Санжар иккинчи фикрга тўхтади. Бу фикр Хоразмда элчилик идорасини ташкил қилиш ва элчи орқали Отсизнинг хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиб туришдан иборат эди. Султон Санжар бу йўлни иттифоқо муҳим ва зарур деб топди. Элчи орқали ҳамма масалани ҳал қилиш мумкин эди, жумладан, у элчи қўли билан Хоразмни тобелиқда тутиб, Отсизнинг итоатсизлигига, фисқу фасодига чек қўйиш мумкинлигига ишонч ҳосил қила бошлади.

Энди элчи танлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Зеро, элчилик вазифасини бажариш ниҳоятда мушкул иш эди. Элчи сиёсатни яхши биладиган энг зукко, доно ва дипломат киши бўлиши лозим эди. Султон Санжар бу ҳақда ўйлай-ўйлай, охири ўзининг надими ва яқин одами Адиб Собир Термизий номига тўхтади:

Адиб Собир сиёсатдон шахс; надимлик бурчини шараф билан бажо келтиради; давлатни бошқариш ишларида маслаҳатчи сифатида катта тажрибаси бор; ишончли ва вафодор ходим, машҳур ва забардаст шоир, саройда ва бутун мамлакатда катта обрўга эга, ҳамма уни ҳурмат қилади. Хоразмда ҳам катта таъсири бор, у ерда жонажон дўсти Рашиддин Ватвот яшайди; у билан хат орқали алоқа қилади. Адиб Собирни Султонга Худонинг ўзи юборган, бундан афзалроқ бошқа бирон кишини топиш мумкинмас. Ана шу зот элчиликка лойиқ ва муносибдир. Шу шахс орқали у Хоразмни итоатга келтириб, у ерда тинчлик ўрнатади...

Шундай мақсад ва андишаларни ўз хаёлида пишитган Султон Санжар, «Тарихи жаҳонкушо» асаридаги маълумотларга кўра, Адиб Собир Термизийни Хоразм мулкига элчи қилиб тайинлади. Адиб Собир Термизий 1140 йилнинг охирида Хоразмда элчилик вазифасини бажариш учун Султон Санжарнинг фармонини қўлига олди.

Шу тобда Адиб Собир Султон Санжардан рухсат сўраб аҳли оиласи билан дийдор кўришиш учун ватани Термизга келди. Онаси, оиласи, ўғли ва қариндошлари билан дийдорлашди, ёр-дўстлари билан кўришди. Уч кундан сўнг ватани ва оила аъзолари билан хайрлашиб, Марвга қайтди. Эртасига фармон билан Хоразмга жўнаб кетди. Бу воқеа 1140 йилнинг ниҳоясида содир бўлди. Хоразмга келган заҳоти Адиб Собир Урганч шаҳрида марказий давлат — салжуқийларнинг элчилик идорасини ташкил этиб, элчилик фаолиятини бошлаб юборди.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ЭЛЧИ СИФАТИДА ХОРАЗМДА

Элчилик ишининг энг муҳим томони — Отсиз Хоразмшоҳнинг кўнглига йўл топиб, у билан чиндан дўстона муносабатда бўлиш ва уни доимий равишда тинчликка даъват қилиб туриш эди. Шу мақсад билан Адиб Собир Отсиз саройига яқинлашиб, унинг таъриф-тавсифи ҳаракатида бўлди. Адиб Собир Хуросонда яшаган вақтида ёхуд Отсизнинг Хуросонга қилинган шоҳона ташрифлари муносабати билан унга бағишлаб қасидалар ёзиб турарди. Яъни у Отсизни Хоразмга келмасдан олдин ҳам биларди. Энди эса шоҳни яқиндан, янги мадҳиялар орқали қутлаб, шу восита тўғрисида унга таъсир этишни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Жумладан, шундай мадҳияларининг бирида Адиб Собир Отсиз ҳақида қуйидаги муболағали сўзларни баён этади:

*Булмузаффар Хусрав Отсиз — шоҳи Туркистон, ки ҳаст
Бар замини мамлакат чун осмон фармонраво.*

*Осмонат дар жалолу қадру шоҳони замин
Дар хитобат осмон хонангу ин бошад сазо.
Осмони доғу динӣ, офтоби адлу фазл
Бар замин аз тожу тахтат нури маншуру зиё.*

Мазмуни:

*Абдулмазаффар Хусрав Отсиз — Туркистон мулкининг
шоҳи эрур,*

*Шу боис бутун мамлакат миқёсида осмон каби амру
фармони жоиздир.*

*Осмон ҳам шу улуғлиги билан сенинг таъриф-тавси-
фингга шайлангандир,*

*Заминнинг барча шоҳлари эса сени осмон дея хитоб қила-
дилар ва сен бунга арзийсан.*

Сен динпарвар шоҳсан, арзу доғ эшитишда эса осмонсан.

*Фазилату тожу тахтинг байроғингдир, адолатда эса
офтобдурсан.*

Бу парча ва унинг тўлиқ қасидасида Адиб Собир «еру ос-
мон» иборасини ҳар бир байтда қўлаб, шеърий санъатнинг
нозик намуналарини яратган. Бу қасида Адиб Собирнинг энг
мураккаб ва шарҳга муҳтож қасидаларидан биридир.

Шу тариқа, Отсиз саройига яқинлашган шоир бевосита
шоҳ хизматида бўлиб, ана шундай йўллар билан давлатла-
раро муносабатларни йўлга қўйишга ҳаракат қилди. У «Фах-
рия» деб номланган бир қасидасида бу масалага қуйидаги-
ча шарҳ беради:

*Гуфтам: зи мадҳаташ ба баландӣ расад сухан,
Гуфто, ки қасди хизмати ӯ кун ту ҳам ба гоҳ.
Гуфтам, ки моҳи рӯза ба даргоҳаш омадаст,
Гуфто, ки чора нест зи даргоҳи подшоҳ.*

Мазмуни:

*Дедим: унинг (Отсизнинг) таъриф-тавсифидан сўз қадри
осмонларга кўтарилди,*

Деди: сен ҳам унинг хизматида бўл гоҳ-гоҳида.

Дедим: рамазон ойи шоҳ даргоҳига келибдур,

Деди: шоҳ даргоҳига бўлишдан бошқа иложинг йўқ (унга яқинлашишинг керак).

Шундай қилиб, Адиб Собир Термизий Алоуддин Отсиз билан тез-тез учрашиб, у билан суҳбатлашиб, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар ўртасидаги душманона муносабатларга илиқлик кирита бошлади. Иккинчи томондан, шоир Алоуддин Отсизнинг ички сир-асроридан воқиф бўлиб, турли муаммоларни салжуқийлар фойдасига ҳал қилишга интилдди. Адиб Собир Отсизнинг ўғли — Сулаймонга бахш этган қасидасида Хоразм мулки ва унинг пойтахти Урганч шаҳрини таъриф-тавсиф этиб, хоразмшоҳлар хизматида бўлганлигини бундай шарҳлаб ўтади:

*Хиттаи Хоразм зи осори ту
Рашки Ироқайну Хуросон шавад.
Арсани Гурганч зи гул баъд аз ин
Хубтар аз арсани Гургон шавад.
Бар дари мадҳи ту мулозим шудам,
Нобиға маъруф ба Нўъмон шавад.
Чун бихўрам луқмаи инъоми ту,
Мадҳи туам ҳикмати Луқмон шавад.*

Мазмуни:

Хоразм мавзеси сенинг саъй-ҳаракатингдан нақадаг обод ва кўркем бўлдики,

Икки Ироқ мулки (араблар Ироқи ва форслар Ироқи) ва ҳамда Хуросон юрти унга рашк қилурлар.

Гурганч шаҳри эса шу қадаг гулзор шаҳарга айланиб кетдики,

Бундан кейин гузалликда Эроннинг гулар билан қопланган Гургон шаҳрини настга уриб, ундан ўтиб кетди.

Сенинг саройингга бўлиб, мадҳиялар айтиб, мулозимлик қиламан.

Худдики, шоир Нобиға (араблар шоири) Нўъмон-мамдўҳига бағишлаган қасидаларидан маъруф бўлиб кетгани каби.

*Сенинг инъом қилган дастурхонинг луқмасидан тановул
(тамагди) қилаётибман (еб турибман),*

*Сенга айтилган мадҳияларим эса Луқмони Ҳаким ҳик-
матларидан ҳам афзалроқдир.*

Шундай кўтаринки руҳ ва хурсандчилик билан Хоразм-шоҳ, унинг ўғли ва амалдорлари номларига ёзилган қасидалар Адиб Собир девонида кўплаб учрайди. Шоир салжукийлар давлатининг элчилик вазифасини Хоразмда бажариб, Отсиз саройида ҳам, ўзининг эътироф этишича, мулозимлик қила бошлади. Шу воситалар билан Адиб Собир Термизий дўстлик риштасини мустаҳкамлашга уринди, Отсизнинг пинҳоний мақсадларидан огоҳ бўлиб турди.

Иккинчи томондан, шоир қасидалари эвазига Отсизнинг инъому эъзозларига мушарраф бўлиб, бундай дўстлик ва ҳиммати баландликни янада мустаҳкамлашига умид билан қарарди. Шу боис шоҳ остонасини тарк этмаслигини ва бу улуг жойни ўзига муносиб бошпана деб билганлигини ҳам эътироф этади.

Жумладан ёзади:

*Худовандо, дар ин абёт бингар,
Ки ҳар лафзеш ганжи шойгон аст.
Баг-ин хизмат маро аз олами пир
Умеги давлат аз бахти жавон аст.
Нажўям ман фироқи остонат,
Ки хизлон фурқати ин остон аст.*

Мазмуни:

*Эй улуг, муҳтарам шоҳ! Бу олий мазмунли байтларга
бир назар ташла,*

Уларнинг ҳар бир сўзи ноёб дур-жавоҳирдир.

Бу хизмат ила мени кексалик оламидан

*Мол-давлат умиди ила жавон (ёш) қилғил, чунки сен
жавонбахт шоҳсан.*

*Сенинг остонангга муҳимман ва ундан айрилишни хоҳ-
ламайман,*

Чунки бу олий даргоҳдан айрилиш мен учун нотинчлик ва бахтсизлик олиб келади.

Шу йўсинда Адиб Собир Термизийнинг Хоразмда яшаётганига етти йил тўлади. Бу даврда унинг адабий алоқаларига нисбатан сиёсий муносабатлари хийла оғирроқ ва ташвишли кечди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бу борада Адиб Собирнинг сиёсий арбоб сифатида қилган хизматлари бениҳоя ва беқиёс даражада эди. Масалан, шундай бўладики, қарийб ҳар ой Султон Санжарга қарши қўзғолон кўтарган Хоразм ҳукмдори Отсиз етти йил давомида бирор марта ҳам бош кўтармай, тинчгина яшайверади. Аммо ичи фитна-фасодга тўлган Отсизни ваҳимали хаёллар чулраб олганди. Элчи Адиб Собир эса жасорат ва бардамлик ила ўз вазифасини аъло даражада бажарарди. Жумладан, у хат ва хабарлар орқали шоҳ Санжарни Отсиз аҳволдан огоҳлантириб турарди. Бож-хирож ва солиқларни ўз вақтида йиғиштириб, Марвга жўнаттирарди. Вассалдан талаб қилинадиган барча ишлар ва вазифалар эса сўзсиз назорат остига олинган эди.

Энг муҳими, Адиб Собирнинг саъй-ҳаракати ила душманликларга чек қўйилиб, шахсий адоват ва рақобатга айланган икки шоҳнинг можаросига хотима берилди. Адиб Собир уларнинг бир-бирларига дўст бўлишлари ва баҳамжиҳат яшашлари учун янги-янги чора-тадбирларни қўлади ва бу масалани доимий равишда талабчанлик билан амалга оширишни ўз бурчи ва вазифаси деб билди.

Шунинг учун Отсиз агар бир томондан элчидан истиҳола қилса, иккинчи томондан, Адиб Собир тинч-тотувликка даъват қилгани боис етти йил давомида қонли тўқнашувлар барҳам топди. Адиб Собир эса Хоразмда сиёсий ишлардан фориғ бўлган вақтларида бадий ижод билан шуғулланди. Қасидалар ёзиб, Отсиз ва Санжарни тенг равишда таъриф-тавсиф этиб, уларни дўст-биродарликка даъват этди. Ҳазаллари ила у бутун Хоразм халқини мафтун қилган эди. Ташбеҳ санъатининг нодир намунаси акс этган қуйидаги байтларини олайлик:

Агар вилояти Хоразмо зи заҳмати об,
Зиён расид зи Жайхун, ки дар жавори ман аст.
Сабаб манам зи бас он, ки оби Жайхунро
Ҳама мадаг зи ғазалҳои обдори ман аст.

Мазмуни:

Агар Хоразм вилоятига сув заҳматидан менинг ҳамсоям
бўлган Амударёдан зарар етган бўлса,

Бунинг бир сабаби табиий офатдан кейин мендурман,
Чунки менинг кўркам ва жон билан суғорилган ғазалла-
рим Амударё сувини тўлқинлантирган эди.

Бу байтларда Адиб Собир, биринчидан, содда ва юксак санъат билан ёзган ғазалларини покиза ва ҳаётбахш Амударё сувига ўхшатиб, бу билан ғазалларининг гўзаллиги ва бадий санъатларга бойлигини таъкидлаган бўлса, иккинчи томондан, Адиб Собирнинг мазкур ғазалида мудҳиш бир тарихий воқеа эслатилган. Бу ҳодиса Амударёнинг баҳор фаслида тўлқинланиб, қирғоққа сиғмай оқаётган ваҳимали сувидан Хоразм бўйлаб ёйилган экинзор ва шолиторларга етган зарарлар эди. Қирғоқдаги серҳосил ва кўркам боғлар кўп вақтлар сув остида қолиб кетарди. Адиб Собир эса Хоразмда яшаб, бу мудҳиш ҳодисаларнинг шоҳиди бўлганлиги сабабли, уларни тасвирлаганида ўзига хос, зарур бадий деталлар топиб, кўп ғазалларини реал, ҳаётӣй воқеалар асосида яратган эди. Бу эса шоирнинг маҳоратидан ва топилмаларга бой ижодидан далолат беради.

Адиб Собир Термизий Хоразмда жонажон дўсти, шоир Рашидиддин Ватвот билан доимий равишда учрашиб турди. У Рашидиддин Ватвотнинг шеърларини ўқиб, бу шоирга баъзан ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турарди. Рашидиддин Ватвот эса дўсти Адиб Собирга бағишлаб ёзган йигирмадан ортиқ қасидаю қитъаларида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган. Шу билан бирга бу шеърларда Ватвот Адиб Собирни ниҳоят даражада таърифлаб, унинг тавсифини осмонларга кўтаради ва дўсти Абдулвоси Жабалий айтганидек, пайғамбар даражасига етказиб

қўяди. Бу таърифлардан кейин Ватвот яна дўстининг қатъий характери, соҳибтадбирлиги, мамлакатнинг биринчи даражали шоири ва тенги йўқ сиёсатдон киши эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Жумладан, Ватвот таърифларининг бирида ёзади:

*Эй Собир, эй сипехри сухан, эй жаҳони назм,
Эй Каъбаи афозили айём кўйи ту.
Эй нур бурда чашми маолӣ зи фазли ту,
Эй об хўрда жисми маолӣ зи жўйи ту,
То гўйи назму наср ба майдон фикандайи,
Чавгони ҳеч кас нарабудаст гўйи ту.
Ташрифи ту расиду ба ҳар ҳолате маро
Ташриф додайи зи худ, ин аст хўйи ту.
Ман мадҳгўйи ту шудаму з-ин туро чи фахр,
К-имрўз оламест ҳама мадҳгўйи ту.*

Мазмуни:

Эй Собир, эй сўз осмонига юлгуз, эй назм дунёсига ягона,

Давр фозилу доноларининг каъбаси сенинг даргоҳинг ва уйингдир.

Олий маъноларнинг нигоҳи сенинг олий билимингдан нурзиё олу,

Маъноларнинг жисми-жони сенинг кўркам шеърларинг билан сўғорилгандир.

Фазл майдонига назму наср ила токи гўй (копток) ташладинг,

Ҳеч кимнинг чавгона чўби ул гўй (копток) ни олишга журъат этолмади..

Хоразмга ташриф буюрдинг ва бу олий ташрифинг ила мени

Шарофатли ва муборак айладинг, бу эса сенинг эзгу одобинг ва гўзал хулқингдан нишонадир.

Мен туну кун сенинг мадҳинг ва мақтовинг билан шуғулланаман ва бундан сенга фахру шарафлар бўлсин,

Зеро, бугун бутун замонамизнинг шоирлари ва бутун гунё сенинг таърифинг ила машғулдир.

Шу қадар таъриф-тавсиф соҳиби бўлган Адиб Собир Термизий ҳаётининг сўнгги йиллари Хоразм пойтахти Урганч шаҳрида кечди ва етти йил давомида салжуқийларнинг элчилик вазифасини бажариб, ҳамиша икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилди. Аммо салжуқийлар ҳамда хоразмшоҳлар зимдан бир-бирларига бўлган зиддиятли муносабатларни давом эттиравердилар ва муро-сага кела олмадилар. Улар орасидаги ўзаро келишмовчи-ликлар кундан-кунга кучайиб борарди. Бунинг биринчи са-бабчиси мустақилликни кўзлаган хоразмшоҳлар эди.

Лекин фитна-фасод ва жанглارнинг мудҳиш оқибатлари биринчи навбатда халқ бошига тушарди; бундай зиддиятлар-дан фақат аҳоли зарар кўрар ва азоб-уқубатларга гирифтор бўларди. Шунинг учун халқ подшоҳлар ўртасидаги яхши му-носабат ва тинчликка интизорлик билан кўз тикиб турарди. Ана шу лаҳзаларда Адиб Собир Термизийнинг элчи сифатида амалга оширган хизматлари ҳаммага маъқул бўлган эди.

Аммо XII асрнинг 40 йилларида Хоразмда, нотинч вази-ятда, мухолиф давлат элчиси сифатида иш юритиш ҳам Адиб Собир учун осон эмасди. Зеро, бу вақтда таъкидлаганимиз-дек, хоразмшоҳлар салжуқийлар давлати тасарруфидан чи-қиб, мустақил давлат бўлиш учун тинмасдан ҳаракат қилар-дилар. Салжуқийлар эса Хоразмни ўз тобелигида қолдириш учун курашар эдилар. Шу йўсинда Адиб Собир Термизий марказий давлат — салжуқийларнинг элчиси сифатида хо-размшоҳларнинг қудратли давлатга тобелигини таъминлаш учун тинимсиз фаолият олиб борарди. Шу боис вазият ни-ҳоятда мураккаб ва ваҳимали тус ола бошлаган эди.

Шундай мураккаб вазиятда ҳам Адиб Собир элчилик ва-зифасини қатъийлик билан давом эттирди. Бошқача қилиб айтганда, Адиб Собирнинг ҳаёти ҳар лаҳзада хавф-хатар остида бўлса-да, ўзининг сиёсатдонлиги ва дипломатик маҳорати билан етти йил элчилик вазифасини муваффақи-ятли даражада бажарди; салжуқийларнинг султони — Сан-

жар ва хоразмшоҳларнинг ҳокими — Отсизларни муросага келтириш учун жуда усталик билан ҳаракат қилиб, бу бо-рада хийла муҳим ишларни адо этди ҳамда чуқур диплома-тик муносабатларни ўрнатди.

Дарҳақиқат, тарихга бир назар ташланса, Адиб Собир-нинг элчи сифатида жуда нозик дипломатик сиёсатдонлиги туфайли 1140 йилдан 1147 йилгача Хоразм ва Марв ўрта-сида бирмунча тинчлик ва барқарорлик ўрнатилганлиги-нинг гувоҳи бўламиз. Кўрамизки, бу даврда, яъни XII аср-нинг қирқинчи йилларида охири йўқ жангларга умуман чек қўйилган эди. Икки давлат ўртасидаги душманлик қарийб бартараф этилганлиги сабабли салжуқийлар билан хоразмшоҳлар мазкур йиллар оралиғида бир-бирлари би-лан муроса қила олмасалар ҳам, аммо ошкора тўқнашув-ларга рўпара бўлмадилар.

Буларнинг ҳаммаси Адиб Собирнинг буюк дипломатик хизматлари натижаси эди. У шу дипломатик қобилияти би-лан давлатлар ўртасидаги зиддиятларни юмшатишга, Хо-разм ва бугунги Туркменистоннинг қадимий заминида жой-лашган Марв шаҳри ўртасида осойишталикни таъминлаш-га эришган эди. Адиб Собир Термизийнинг ватанпарвар-лиги, давлатчиликка бўлган садоқати, ўз вазифасини ша-раф билан адо этганлиги унинг элчи сифатидаги бундай жўшқин фаолиятида яққол кўзга ташланиб туради.

Лекин бу тинч ва фаровон кунлар бир зумда ўтиб кетди. Отсиз мустақил бўлиш мақсадида Султон Санжарга нис-батан бўлган қора ниятларини яширинча равишда мутта-сил давом эттириб келди. Унинг ягона мақсади салжуқий-лар тасарруфидан чиқиш эди. Аммо шундай бир қалтис вазиятда бундай ниятни тўғридан-тўғри, ошкора кураш ва жанглар орқали амалга ошириш мумкин эмасди. Шу боис Отсиз рақиб — Султон Санжарни пинҳона тарзда ўлди-ришни ният қилди ва бу қора ишни ўзининг бош мақсади деб билди. Энди у бу қотилликни амалга ошириш режаси ҳақида ўйлай бошлади. Ўйлаб-ўйлаб Отсиз исмоилия маз-ҳабидаги жосуслар орқали Султон Санжарни йўқотишга

қарор қилди. Чунки бу табақа жосуслар аслида фидойи кишилар эдилар. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида жонларидан ҳам воз кечадиган кимсалар эди.

1260 йилда ёзилган Атомалик Жувайнийнинг «Тарихи Жаҳонкушо» номли асарида воқеанинг кейинги тафсилоти бундай берилади: Отсиз жосуслар масаласини элчи Адиб Собирдан қаттиқ яшириб, пинҳона иш юритди. Орадан кўп вақт ўтмай у икки исмоилия мазҳабли ёлланма (зархарид) жосуслар билан гаплашиб, уларни Султон Санжар қасдига, уни ўлдириш ниятида Марвга жўнатди. Жосуслар қаландар қиёфасида эдилар.

XI–XII асрларда яшаб ижод этган тарихшунос олимларнинг маълумотларига кўра, жумладан: Гардизийнинг «Зайнул-ахбор»и, Қози Минҳожнинг «Табақоти носирия», Ровандийнинг «Роҳатус-судур»и ва Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида таъкидланишича, жосуслар одам қиёфасида бўлсалар-да, махфий ишларни бажараётган пайтда арвоқлар мисоли юзлаб киши қўриқлаб турган шоҳлару амалдорларнинг қасрлари ва саройларига бостириб кириб, уларни кўпинча танҳо ҳолатда топиб, агар уйқуга кетган бўлсалар, уйғотиб, мақсадларини уларга очик айтиб, кейин қилич билан бошларини кесиб ўлдирадилар. 1092 йилда султон Санжарнинг отаси — султон Маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомулмулк исмоилия қотиллари томонидан шу тарзда ўлдирилган эдилар.

Жосуслар Марвда йўлини топиб, Султон Санжарнинг қасрига, хосхонасига кириб, уни уйқусидан уйғотиб: «Отсиз қўлидан жаҳаннамга кетаётибсан» — деб, сўнг ханжар билан бошини олиб, қиёматга жўнатмоқчи эдилар. Аммо ваҳшийлик қанчалик пинҳона бўлмасин, Султон Санжарнинг элчиси Адиб Собир Термизий ундан огоҳ бўлди. Адиб Собир яхши билардики, исмоилия мазҳабли жосуслар учун бу қотиллик унча қийин эмас. Шунинг учун зудлик билан Султон Санжарни воқеадан огоҳлантириш зарур эди. Лекин Отсиз қора ниятининг пинҳона бўлганлигига ҳам қаноат қилмай, Адиб Собирдан хавфсираб, тўрт томонга соқчилар

қўйган эди. Махфий иш амалга оширилгунча Хоразм сарҳадидан ташқарига ҳеч ким чиқмаслиги керак эди.

Аммо шунга қарамасдан, Адиб Собир Термизий Султон Санжарнинг ҳаётини сақлаш учун сиёсатдонлик ва нозирлик маҳоратини ишга солди. Шоир учун Отсизнинг разилона ниятларига қарши иш юритиш унча қийин эмасди. Отсиз ўзини қанча сиёсатдон ва ишбилармон деб билмасин, Адиб Собир Термизий бу борада ундан устун эди. Бинобарин, Отсизнинг хуфёна ва қонли қилмишларидан қўрқмас эди, балки унинг жосуслик ишларига қарши синчковлик билан чора ахтарарди.

Бироқ шундай таҳликали бир пайтда, Адиб Собирнинг ўзи ва яқин одамлари Марвга бориб шум хабарни Султонга етказишлари мутлақо хавфли эди. Марвга мактуб жўнатиш эса ундада хавфлироқ эди. Зеро, қўлга тушиб, иш ошкора бўлиши аниқ эди. Бу ишни ниҳоятда яширин йўл билан, масалан, бирон-бир ёлланма зархарид шахс ёхуд ҳажга бораётган киши орқали амалга ошириш лозим эди. Бу йўлда албатта, мол, пул ва катта бойликни ҳам аямаслик керак.

Шу тариқа, XIII асрда яшаган тарихшунос олим Ҳамидуллаҳ Муставфийнинг «Тарихи гузида» (Сайланма тарих) асарида ёзилишича, Адиб Собир шум хабарни етказиш учун зархарид кишининг хизматига эҳтиёж сезди. Аммо шундай бир пайтда эркак киши бундай масъулиятли ишни бажариши хавфли эди. Чунки ҳар қандай эркак кишини Отсиз қароқчилари, албатта, текширар эди. Шунинг учун Адиб Собир бу хабарни аёл киши орқали етказишни маъқул кўрди.

Шу пайтда Адиб Собир диёнатли, тақводор, чўлоқ бир қария аёл ҳазрат имом Мусо Ризо қабрларини зиёрат қилиш учун Машҳадга бормоқчи эканлигидан хабар топди. Бу йўл эса сўзсиз Марв орқали ўтарди. Адиб Собир тақводор кампир билан пинҳона учрашиб, унинг розилигини олди.

Адиб Собир Отсиз Марвга жўнатган икки жосуснинг қиёфасини бир вараққа чизиб, улар ҳақида тўлиқ маълумот берди. Жосуслар нима мақсадда Марвга кетганликларини сурат ҳамда сўз билан баён этди. Қандай бўлса ҳам Адиб

Собир шум хабарни Марв шахрига етказиши лозим эди ва у бу ишни шу тарзда амалга оширди. У воқеани эшитганидан буён яширин равишда суриштириб қаландар ва гадой тимсолидаги жосуслар қиёфасини билиб олган эди. Аслида Адиб Собир исмоилия мазҳабли дарवेशларни Хоразм бозорларида кўп кўрганди, шунинг учун қотилларни шахсан кўрмаган бўлса ҳам уларнинг қиёфаларини ўз тасаввурига таяниб тасвирлади. Адиб Собирнинг мўйқалам соҳасидаги истеъдоди шу пайтда, энг зарур лаҳзада ишга тушиб, давлат миқёсидаги масалада мадад берди. Умуман олганда, жасур дипломат, атоқли шоир, моҳир сиёсатдон Адиб Собир рассомлик санъатидан яхшигина хабардор эди ва унинг энг нозик жиҳатларини ҳам яхши биларди. Агар, керак бўлса, ҳар-хил чизмалару расмлар чизиб, кўрганларни лол қолдирарди.

Эртаси куни, тақводор кампир Адиб Собирнинг уйига унинг бир ходимаси билан бирга келди. Узоқдан назорат қилиб турган соқчилар бунга аҳамият бермадилар. Сўнгра кўзланган иш бажарилди. Адиб Собир кампирнинг маҳсиси тагига — чарм остига букланган ўша хатни тиктирди ҳамда кампирга — Марвга етиб борганинда, Султон Санжарнинг саройига бориб, элчидан шахсан султонга хат борлигини айтасан ва хатни қўлига топширасан, деб тайинлади. Султон қари кампирни, албатта, тақдирлаб, унга мол-пул ва қимматбаҳо нарсалар беради. Кампир эса йўлда соқчилар билан рўпара келганида, Султон Санжарга ўз аҳволидан шикоят қилувчи шахс сифатида Марвга кетаётганидан сўзлайди. Аслида эса у Машҳадга, шиаларнинг улуг имоми — Мусо Ризо қабрини зиёрат қилиш ниятида сафарга чиққанди. Марвга етганида Султон Санжарнинг зулмидан бутун мамлакат вайронага айлангани ва эл-юрт нотинчликка дуч келганини Султоннинг ўзига, юзига қараб айтиши лозим. Диёнатли аёлга нисбатан бирор-бир жазо қўллашга эса шоҳ жазм этмайди.

Мана шу ниятлар, пухта ўйланган режалар билан тақводор, диёнатли кампир ҳассасини ерга уриб, оқсоқланиб йўлга тушди. Хоразм йўлидаги қоровуллар кампирни тўх-

татиб текширдилар. Оқ чодирга ўралган тақводор кампир-га, худди VIII асрда ўтган мутасаввуф аёл Бибиробия Басрийга ўхшаган диёнатли хотинга таъзим қилдилар ва «бечорага» оқ йўл тилаб қолдилар.

Шу тариқа Адиб Собир Термизий ёзган хат, чизилган расми билан Марвга етиб, Султон Санжарнинг қўлига тушди. Султон энг яқин кишилари ва надимлари билан хатни ўқиб, маълумотнома ва чизилган расмдан қотиллар қиёфасини кўз олдига келтирди. Дарҳол одамлари ва аскарларига буюриб, бутун шаҳарни текшириб чиқдилар: жумладан, масжид-мадрасалар, хонақоҳлар, шубҳали уй-жойларни, яширин мавзеларни кўздан кечирдилар. Лекин уларни ҳеч жойдан топа олмадилар. Кейин шаҳар ташқарисига чиқиб жарликлар, вайроналар, горлар, тиканли чакалакзорларни ахтариб кўрдилар. Ниҳоят Султоннинг омади чопди. Бир вайрона чордевордан икки шубҳали қаландар-гадойни топдилар. Ҳеч ким йўғу, аммо икки мусофир ётибди: уларнинг кўзлари қип-қизил, қонталаш, кийимлари исмоилия маҳзабли дарвишларга монанд эди.

Маълумотнома ва расмга қарадилар: Адиб Собир чизган белгилар уларнинг қиёфасига, қаландарона кийинишига монанд эканлиги яққол кўриниб турар эди. Бандиларнинг қўлларини боғлаб, Султон Санжар ҳузурига олиб келдилар. Султонга ҳамма гап аён бўлди. Жосус-қотиллар эндигина Марвга келиб, ҳали қора ниятларини бошламасдан туриб, Адиб Собир Термизийнинг хати улардан олдин етиб келган, хат ва расм орқали уларнинг шахси аниқланган ва қўлга тушган эдилар. Шу заҳоти тўхтатмасдан малъун жосусларни жаҳаннамга жўнатдилар.

Бу можаро тафсилоти бир зумда Хоразмга етиб борди. Отсиз билдики, Султон Санжарнинг элчиси Адиб Собир Термизий туфайли у йўллаган жосуслар қўлга тушиб, ҳалокатга гирифтор бўлганлар. Отсизнинг Адиб Собирга бўлган газаби ниҳоятда ошиб кетди. Ҳаяжонланиб кечаю кундузни уйқусиз, асабий равишда ўтказди. Отсиз ваҳима ва саросималиқдан нима қилишини билмасди:

Элчи келганидан буён ундан яхшилик кўрмаган эди. Унинг қасидаларини эса у совуққонлик билан қабул қиларди. Аммо шу элчи тадбиркорлиги туфайли етти йил давомида унинг хунрезлик жанглари тўхтаб турди. Мана энди унинг пинҳона тадбири ҳам элчининг қўли билан ошкора бўлди. Соқчилари ҳам мадад бера олмадилар. Барча иш барбод бўлди ва ўйланган режалар беҳуда кетди, бирон натижа бермади.

— Бу элчи эмас, балойи азим экан, — деб ўйлар эди Отсиз, — унинг ҳамма чора-тадбирлари фақат шу элчининг қўли билан барбод бўлди. Мана Султон Санжарнинг қасдига юборилган ёлланма жосуслар ҳам унинг пухта тадбири натижасида ҳалок бўлдилар. Сўнгги чораси ҳам самарасиз яқунланди. Султон Санжар яна унга ролибона кўз ила қарайди, бечора Хоразмшоҳ эса марлубиятга учраган. Бунинг ҳаммасига Адиб Собир айбдор. Отсиз ҳаёлан ўзи билан ўзи гаплашарди: Шошмай тур, элчи! Сенинг ҳам кунинг битди, жонинг қўлимда, дўзахга жўнатаман. Бошқа иложим қолмади. Энди сенга навбат етди...

Мазкур воқеадан кейин Отсиз шу каби ўй-хаёллар билан паришон кун кечирарди. Унинг Адиб Собирга бўлган қаҳр-ғазаби ҳаддидан ошди. Элчихона ва шоир уйи атрофидаги соқчиларнинг сафи ва сони кўпайтирилди. Йўлларга қоровулар қўйилди. Элчи жон сақлаш учун кетиб қолмасин, мабодо, — деб ўйларди Отсиз.

Адиб Собир Термизий бу нохуш ҳолатларни сезиб юрарди. Унинг фаолияти ва чора-тадбирлари ила икки давлат ўртасида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилди. Йиллар мобайнида давом этган вайронгарчилик ва урушлар тўхтади. Султон Санжар эса гўзал пойтахти — Марв шаҳрида тинч ва хотиржам яшаяпти: доим шоҳона базмлар қуриб, саройда оила-аъзолари билан осуда ҳаёт кечирмоқда. Қотиллар қўли ҳам унга етиб бормади, у нажот топди. Аммо шоҳнинг машҳур элчиси қандай ҳолатда яшаётганлигини ҳеч ким билмайди. Хусусан, пойтахтда — Марв шаҳрида мутлақо ундан хабарлари йўқ.

Гуё уни фаромушхонага ташлаб қутилгандек, вазифанг-ни адо этдинг, бўлди, — деб жимгина юрибдилар, деган ўй-хаёллар Адиб Собирни чулраб олганди.

Шу хаёллар оғушида Адиб Собирнинг ёдига марвлик дўсти Абдулвоси Жабалий келди. Жабалий уни «шоирлар пайгамбари» деб таърифлаган эди. Энди у шоир дўстига қасида - мактуб юбориб, ўз аҳволини билдирмоқчи бўлди. Қасидада дўстини таърифлади, унинг ғазал ва тароналарини мақтади, кейин сўз пировардида бундай шикоят қилди:

*Чу хоки Хоразм аз ин рўзгори сангиндил,
Ки хоквор надорам ба назди халқ маҳал.
Агарчи лафзи ман омад иёри зарри сухан,
Аз ин жаҳон бадали зар шугам чу сими багал.*

Мазмуни:

*Хоразм тупроғи каби бу тошюрак ҳаётдан
Туфроқ каби кишилар наздига қадр-қийматим қолмади.
Агарчи менинг нутқим сўзларнинг асл моҳияти-жавҳаридир,*

Бу жаҳонда зар-жавоҳир деб ўзимни кумушга алмаштирдим, яъни хор-зор бўлдим.

Шоирнинг шу каби шикоятлари ўша айёмда Хоразмда ниҳоятда кўп бўлди. Улар мусофирлик тортган Адиб Собирга руҳан таскин берарди. Аммо у ҳамон оҳ-нола ва ғам-аламдан бошқа нарсани билмасди. Ҳайрону зор Хоразмда, кулбаи вайронасида, соқчилар назорати остида умрининг охириги дамларини ўтказарди. Шу пайтда унинг кейинги дардли қитъаси ёзилди:

*Зи ман ба қаҳр жудо кард рўзгор се чиз-
Чунон се чиз ки монанди он надонам низ:
Яке либоси жавонӣ, ду юм умеди амал,
Се юм ҳаловати ғидори дўстони азиз.*

Мазмуни:

*Мендан рӯзгор (ҳаёт) қаҳр ила уч нарсани тортиб олди-
Уч наrsaки, уларга монанд нарсани билмайман:*

*Улардан биттаси йигитлик даври, иккинчиси хизмат-
чилик машғулоти,*

*Учинчиси эса дӯстлар дийдорининг ҳаловатидан маҳ-
румлик.*

Бу шикоят Адиб Собирнинг ғамга ботган руҳияти нати-
жаси эди. Унинг ўша пайтдаги аҳволини кўрган кишининг
раҳми келарди. У кундан-кун соқчилар миқдорининг ортиб
бораётганлигидан хавотирга тушиб қолди. Отсиз эса қора
ниятини ижро этишга шошилмас эди. Бироқ яширинча ту-
зоқ қўйишни ўйларди. Шу тобда шоир Отсизга атаб бир
қасида ёзиб, унда шоҳни анча таърифлади. Шоҳнинг сао-
датли хизматидан сўз юритиб, аммо унинг қаршисида кай-
фияти йўқлигидан бирмунча шикоят ҳам қилди. Буларнинг
орасида у қуйидаги дардли сўзларни ҳам айтиб ўтдики, бу
шоирнинг шу ондаги ваҳимали кунларидан ва бошига кела-
ётган ўлим фожиасидан дарак бергувчи далолатномадир:

Эй ажаб обу ҳавоест дар иқлими ҳунар,

Ки ба бӯстони ҳунар хор дамаг настаранам.

Эй дарёро, ки чу гул умри сабукхез бирафт,

Ки нахандиг зи иқбол гуле дар чаманам.

Дар пайи ман чи фитодаст фалак, ҳеч магар

Ман на бардоштаи Хусрави душманфиканам.

Пир гаштам ба жавонӣ гунаҳам чист жуз он, ки

Гулшани мадҳи туро хушсухане жуз суханам.

Не макун, шоҳо, дарёб, ки гар кушта шавам,

Барнаёяд ҳама олам ба баҳои кафанам.

Мазмуни:

Илм-ҳунар иқлимида ажаб об-ҳаво бордурким,

Ҳунар бӯстонида мен учун настарингул ўрнига тилкан усди.

*Афсус ва надоматлар бўлсинки, баҳосиз гул каби баҳосиз
умр утиб кетди,*

Аммо ҳеч қачон чаманимда иқбол гулининг жилваси кўринмади.

Фалак менинг устимдан (ортимдан) нима учун таъқиб қилиб юрибди?

Ваҳоланки мен музаффар улур Хусравнинг душмани эмасман-ку!

Мен энди қариганман, аммо йигитлик давридан бошлаб шунча гуноҳим борки,

Шоҳ васфига фақат яхши сўзлар айтиб юрганман.

Йўқ, шоҳим, бу йўлингдан қайт (бу ишни қилма) билгилки, агар мени қатл эттирсанг,

Бу машҳур олам шу улўғлиги билан менинг кафаним баҳосига (нархига) ҳам арзимамайди (яқин келмайди).

Аммо бу қасида ва бундай шикоятли сўзлар шоҳга манзур бўлмади ва Отсиз унга эътибор ҳам бермади. Адиб Собирнинг таъриф-тавсифли сўзлари ва дард-алам билан қилган мурожаати қанчалик илтижо билан айтилган бўлса-да, натижасиз қолиб кетди.

Ниҳоят кўп вақт ўтмасдан, Отсиз Адиб Собир қасди учун ўйлаган қора нияти — унинг ҳалокатига оид ўй-хаёлларини режалаштирди. Фақат қайси йўл билан ва қандай қилиб уни амалга ошириш мумкин?.. Отсиз ўйланиб қолди: бутун халқ шоирнинг тарафдори. Ҳатто Рашидиддин Ватвотга ўхшаган ўзининг хос надими ҳам элчининг ёр-дўстидир. Шу боис шоирни жаллод қўлига топшириш, ғала-ғовур ва қўзғолон кўтарилишига олиб келади. У вақтда воқеа ёмон тус олади. Бутун Хоразм унга қарши чиқади.

Отсиз ўйлаб-ўйлаб мудҳиш ниятининг поёнига етди. Йўлини топди: одамлар уйқуга кетган вақтда, қоронғу кечада, кўчалар хилватлашиб қолгач, элчининг уйига бостириб кириб, қўл-оёғини боғлаш керак, кейин, оғзига пахта тиқиб, дарёнинг лабига олиб бориб Амуга чўктириб юбориш ягона йўлдир. Мана бу иш масалани тамомила унинг фойдасига ҳал қилади. Аммо бу ишни ниҳоятда яширинча амалга ошириш керак. Ҳеч ким билмасин, ҳатто энг яқинлари ҳам...

1147 йил ноябр ойининг 28 чи куни. Қоронғу кеча. Осмонда ой ҳам, юдузлар ҳам кўринмайди. Ҳамма ерни туман қоплаган. Этни жунжиктирадиган совуқ. Томчилаб ёмғир ёғаяпти. Бутун халқ уйқуда. Ҳатто саройда ҳам осудалик ва сукунат ҳукмрон. Надимлару шоирлар ва сарой аҳли қаттиқ уйқуда, соат миллари эса мўлжалланган вақтга яқинлашди. Отсиз кўрқинч билан уйқудан бирдан уйғониб кетди. Ҳаяжондан ёрилиб кетгудек бўлди. Юраги дук-дук уриб, қинидан чиққудек туюлди, баданини совуқ тер босди. У Адиб Собирнинг ҳалокати масаласини ўйлаб ётган эди. Қандай қилиб дарё суви тўлқинида уни гарқ қилиб юбориш керак! Отсиз шу дақиқада фақат шуни хаёлидан ўтказар эди!

Отсиз қотиб қолган бошини ушлаб секингина ўрnidан турди. Қасридаги зарнигор уйнинг дарчасидан ташқарига қаради: соқчилар белгиланган жойларида айланиб юрибдилар. Ёмғирли, совуқ кеча бўлса ҳам ўз вазифаларини адо этаяптилар. Хаёлан уларга офаринлар айтди. Ҳамма томонга туннинг тинч ва сокин пардаси чўккан. Пашша ринг демайди. Отсиз уй эшигини очиб айвонга чиқди, ундан пастга тушди. Ногаҳон бир қаровул уни кўриб қолди. Қўрқиб кетди.

— Ҳа, ҳазратим! Нима бўлди, нимага чиқдингиз? — деди ҳаяжонланиб.

Отсиз: — Жим, — деди ва имо-ишора билан олдига чақирди. — Ана у дўстинг билан менинг орқамдан юринглар, — деб унинг дўстига ҳам ишора қилди. Ва бир зумда учовлари болохонага чиқиб зарнигор уйда ўтирдилар.

Отсиз сўз бошлади: — Қўрғонимиз тагидаги зиндонда қотиллик билан қўлга тушган икки зиёнкор малъун ётибди. Мен ҳибсхона қоровулига фармон ёзиб бераман. Зудлик билан шу икки ярамас махлуқни олдimgа олиб келинглар, иш бор. Кейин биласизлар, ҳозирча сабабини мендан сўраманглар.

Қоровулар: «Хўб бўлади, тақсир, бош устига», — дедилар. Ва улар Отсиз қўлидан фармонни олиб, қўрғоннинг тагидаги зиндонхонага бордилар. Зиндонбонга фармонни кўрсатиб, икки мазкур каллакесарни Отсиз олдига олиб

келдилар. Уларнинг қўллари орқаларига маҳкам боғланган эди. Қўлларини ечдилар ва икки ўғрини шоҳга рўпара қилдилар. Отсиз секингина гап бошлади ва қоровулларнинг ҳузурида каллакесарлар билан бундай келишди:

— Сизларга мана бу қоровуллар Адиб Собир деган Султон Санжар элчисининг уйини кўрсатади. Мен фармон ёзиб бераман, атрофдаги қоровуллар сизларни ўтказиб юборади. Унинг уйига бостириб кириб, устига ёпирилиб, қўлларини орқасига қайириб боғлайсизлар. Оғзига пахта тиқасизлар (дод демасин). Ва уни яланғоч, ялангоёқ қилиб қирроққа ҳайдайсизлар. Манзилга етгандан кейин қорнига катта тош боғлаб, оёғини ҳам қўшиб боғлаб, дарёга ташлайсизлар. Фарқ бўлиб, наҳангу балиқларга ем бўлсин! Аммо бу воқеани ҳеч ким билмасин ва сезмасин. Сўнг мен сизларни ҳибсдан озод қиламан ва яна сизларга беш юздан олтин тангалар ҳадя этаман.

Қутгўттариклар бу ногаҳоний гапдан бирдан ҳайратда қолдилар. Улар соат учда ҳибсхонадан шоҳ ҳузурига келишларидан ажабланган эдилар. «Бизларни шоҳ шу кеча ўлдирмоқчи бўлса керак», — деб ўйлаган эдилар. Аммо воқеа бошқача тус олган эди. Озодлик, яна олтинлар. Бемалол озодликка чиқиб, яна ўғирлик ва қотилликни давом эттириш мумкин эди. «Шоҳ энди бизларга ҳеч нарса демайди, унинг қотиллик хизматини биз бажо келтирамиз», — ўйларди улар. Ва яна шу каби хаёллар қотилларнинг кўнглига олам-олам завқ бағишларди.

Қотил-ўғрилар Отсиздан хурсанд бўлиб, унинг таклифига рози бўлдилар. Аммо аслида улар ҳам инсон фарзанди эдилар, уларга ҳам ҳаяжон, ҳис-туйғу, мурувват деган инсоний туйғулар бегона эмасди. Шу боис улар шоҳга розилиklarини билдириш билан бирга мудҳиш фожиадан ҳаяжонга тушдилар. Бу фожиа уларнинг қўли билан амалга ошириладиган навбатдаги ваҳшийлик бўларди. Яна қандай фожиа?! Машҳур шоир, салжуқийлар давлатининг элчиси, бутун мамлакатга ном чиқарган сиёсий арбоб ва зукко инсонни ўлдириш, дарёга ташлаб фарқ этиш! Лекин озодлик

ва ваъда қилинган олтинлар ҳис-туйғудан устунроқ чиқди. Шундан улар иккиланишларга чуқур «уф» тортиш билан таскин бериб, шоҳнинг олдидан чиқиб кетдилар. Кейин... кейин эса фожиани амалга ошириш пайига тушдилар.

Соқчилар, шоҳ айтганидек, Адиб Собирнинг уйини қотил ўғриларга кўрсатдилар. Адиб Собир ҳар кунги ташвишлар, хусусан, яқинлашиб келаётган мудҳиш хавф-хатардан чуқур ўйга толиб, соат учга яқин ёстиққа бош қўйган эди. Орадан бир соат вақт ўтди, соат тўрт бўлган эди. Уйқуси келмади. Паришон ўй-хаёллар бошини айлантирарди: «Отсиз юборган жосус-қотиллардан Султон Санжарнинг ҳаётини сақлаб қолди. Отсиз эса бу ҳодисадан ғазабланиб, ташвишга тушиб, охири султон элчисини жазолашга тай-ёргарлик кўраётган бўлса керак!? Унга бағишлаб ёзган қасидалари ҳам ҳайф кетди. Отсиз илгариги вақтларда ҳам унинг таъриф-тавсифларига совуққонлик билан муомала қиларди. Энди эса бу мақтовларга мутлақо аҳамият бермай қўйди. Шоирга нисбатан душманлик кайфияти кундан-кунга оловланиб бормоқда. Уни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирмоқчими ёхуд бошқа бирор жазога гирифтор қилмоқчими, бу фақат Яратганга ва Отсизнинг ўзига аён».

Адиб Собир бу узлуксиз ўй-хаёлларнинг охирига етолмай, тафаккур дарёсига ғарқ бўлган эди: бирдан зарб билан урилган эшик шарақлаб очилиб кетди ва икки нота ниш, девсифат барзанги одам уйга кириб келди. Улар тўхтамасдан ҳамла қилиб шоирга ёпишдилар. Бир зумда унинг қўлларини орқасига қайириб боғлаб, орзига пахта тиқиб, судраб ташқарига олиб чиқдилар.

Хоразм. Урганч шаҳри. Ноябрь ойининг 28-куни. Қоронғу кеча, соат тўрт. Ҳаво совуқ. Бутун шаҳарда сокинлик ва зулмат ҳукмрон. Туннинг биринчи ярмида бошланган ёмғир тезда жалага айланиб, шиддат ила ёға бошлади. Адиб Собир Термизий — замонасининг улуғ шоири, асрдошлари ўртасида «шоирларнинг пайғамбари» ва «иккинчи Рўдакий» («Рўдакийи соний») деб ном чиқарган устоз, зилол, покиза, шоҳона назми билан давраларни обод этган буюк ис-

теъдод соҳиби, бунинг устига машҳур давлат арбоби, сал- жуқийлар сулоласининг Хоразм давлатидаги тадбиркор эл- чиси шундай қоронғу, совуқ ва ёмғирли тунда яланғоч ва яланғоёқ, икки қўли чандиб орқасига боғланган ҳолда, қотил- лар олдида Амударё қирғоғи томон ихтиёрсиз равишда қадам ташлаб борарди. Хаёллари паришон. У ҳамма нарсани унут- ган. Ҳеч қандай ўй уни банд қилмас, ҳатто ўлимни ҳам ўйламас эди. Бора-бора у ўзини бардам ва дадил тутди. Бошини баланд кўтариб, мағрур юрди. Гўё у соат тўртдан кейин, тонготар пайтида, намоз ўқиш учун илдам турган- дай ва қуёшни қаршилаётгандай эди.

Аммо афсус, фожиали ўлим уни тўхтатди. Кўп вақт ўт- май, қотиллар уни дарё лабига олиб келдилар. Нобакор жал- лодлар фурсатни бой бермасдан, шоҳнинг айтганига амал қилиб, шоирга яна ёпишдилар. Уни лойга ётқизиб, оёқлари- ни тўрт жойидан чандиб боғладилар; чилвир ип билан маҳ- кам боғланган қўллари ороққа қайириб қўйдилар. Кейин эса катта бир тошни қорнига қўйиб, тўрт томондан бураб боғладилар. Фожиали, аламли ва мудҳиш бир аҳвол юз бер- ди: мазкур малъунлардан бири шоирнинг бошидан, иккин- чиси эса унинг оёқларидан ушлаб, даст кўтариб, силкиб- силкиб дарёга иргитиб юбордилар. Бир зум тўхтаб даҳшат билан қараб қолдилар. Гўё чандиб боғланган шоирнинг жисми дарёнинг тубидан чиқиб, уларнинг ёқасидан ушлайдигандай бўларди. Йўқ, бундай ҳодиса юз бермади, у қайтиб чиқмади. Улуғ шоир Адиб Собир Термизий Амударёга гарқ бўлган эди. Унинг покиза жисмини дарё ўз қаърига тортиб, Орол денгизи томон оқизиб кетди...

Атоқли шоир ва давлат арбоби Адиб Собир Термизий- нинг фожиали ҳаёт қиссаси шу тарзда якунига етди. Гўё шу соату лаҳзаларда бутун олам тинчиб қолгандек бўлди. Сукунат чўқди. 1147 йилнинг 28 ноябри тонготарида, соат тўртдан йигирма дақиқа ўтганда, кўҳна Хоразмнинг Ур- ганч шаҳридаги Амударё соҳилида мазкур ўлим фожиаси ана шундай даҳшатли бир тарзда содир бўлди. Отсиз шу лаҳзаларда кўрпага ўраниб, ҳаяжон билан ўтирарди. Зар-

нигор уйнинг раванасидан гоҳида ташқарига қараб қўяр-ди. Ҳеч нарса кўринмасди: ёмғир, қоронғу ва совуқ тун. Шоҳ қотилларни кутарди. Мана, эшик тақиллади. Қотиллар келишди. Отсиз улардан воқеани батафсил эшитиб, гўё жони ором олгандек бўлди. Воқеа у айтгандай ҳал бўлган эди. Бироқ, унинг жонига ором бахш этган хабар тезда ваҳимали хаёллар билан ўрин алмашди. Шоҳнинг кўнглига гулғула тушди. Изтироб, ҳаяжон уни тарк этмади. Воқеанинг оқибати кўз олдига кела бошлади:

Замонанинг буюк шоири, давлат арбоби фожиали тарзда ўлдирилган эди. Бу ишни Султон Санжар кечирмайди, халқ ҳам. Аммо нима қилиш керак? Бўладиган иш бўлди. Энди оқибатини кутиш керак. Тақдир нимани раво кўрса ва нима юз берса, пешонадан кўради.

Отсиз ўзига келиб, ярамас қотилларга жавоб берди. Уларга ваъда бўйича муомала қилди. Улар ҳибсдан озод бўлдилар. Қотилликлари эвазига беш юздан олтин тангалар ҳам олдилар. Отсиз қасрда — зарнигор хонасида изтироб оловида куйиб-ёниб, бир ўзи танҳо қолди. Яна машғум хаёллар уни ўз оғушига олди. Чексиз изтироб билан бир томонга ёнбошлади, кўзларини секин юмиб, ваҳимали уйқуга кетди.

Адиб Собирнинг фожиали ўлими эртаси овоза бўлиб кетди. Шоирнинг барча дўстлари, танишлари, Термиздаги қавмқариндошлари, оила аъзолари, умуман Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолиси бу фожиадан хабар топиб, ҳайрат барморини тишладилар. Ахир, замонанинг улуғ шоири дарёга фарқ қилинган эди-да! Унинг номи, шеърлари, турма истеъдоди барча-барчаларни мафтун этиб, уларга шавқ-завқ ва хурсандчилик бахш этарди. Афсуски, бир тўда фитначилар қўлида ўша қонли ҳодиса юз берди.

Эртаси Хоразмда Рашидиддин Ватвот дўстининг фожиали ўлимини эшитиб надоматлар чеқди, уни уюштирганларга лаънатлар ёғдирди. У уч кун мотам тутди. Хоразм вилоятининг соҳибдевони — тадбиркор арбоб ва шоир Яъқуб ибн Сайр ҳам Ватвотга қўшилиб мотам тутди. Адиб Собирнинг бу вилоятдаги барча мухлислари ва шогирдлари ҳам ғам-аламга бо-

тиб, зор-зор йиғладилар. Бу ҳодиса ҳатто Отсизнинг ўзига ҳам таъсир қилиб, уни чексиз изтиробга солди. Аммо ришт қолипдан кўчганди. Афсусу надоматлар бефойда эди.

Марв шаҳрида ҳам Адиб Собирнинг дўстлари мотам тутдилар. Султон Санжар саройидаги барча шоирлар бу ногаҳоний фожиадан изтироб чекиб, марсиялар битдилар. Хусусан, шоира Меҳситтийнинг афсус-надомати чексиз эди. Бундан кейин аламли рубойлар унинг ягона дил малҳами бўлиб қолди. Шоирнинг ватани — Термиз, ўз фарзанди буюк устоз шоир ўлимини қаттиқ алам билан қарши олди. Бутун шаҳар аҳолиси мотам тутди. Шоирнинг ўғли, қариндошлари, ҳамшаҳарлари йиғилиб, унинг уйидаги салласи, белбоғи, либослари, жойнамози, маҳсиси, умуман уйда қолган барча кийимларини, айрим китоблари ва шу каби нарсаларини тобутта солиб, жаноза ўқидилар, кейин тобутни ўлиқдай кўтариб, «ё Аллоҳ, ё Аллоҳ» деб Термиз сайидлари қабристонига олиб бориб, «мурда»ни дафн этдилар. Адиб Собирнинг покиза жисмини Амударё ютиб, Орол денгизига судраб кетган бўлса, унинг покиза руҳи, тоза-ю, озода либослари Термизда — ўз ватанида мадфун бўлди.

Адиб Собирнинг онаси ҳануз барҳаёт эди. Ўғлининг ўлимидан хабардор бўлди. Аммо, манбаларда айтилишича, бу хабарга аҳамият бермасдан, сокин тураверди. Ўғлининг дарёга фарқ бўлганини билганидан кейин эса аламдан зор-зор йиғлаб, ақлу ҳушидан айрилди. Ундан сўрадилар: «Фожиани эшитиб нима сабабдан аввал ишонмадингиз ва дарёга фарқ бўлганини билиб, ғамга ботдингиз?» Онаизор айтди: «Ўғлим таваллуд топган пайтда, мен туш кўрган эдим ва тушимда менинг зеҳдоним (бачадоним) дан бир ўт чиқиб, ҳамма ерни ёндириб юборди. Мен билдимки, ўтни сувдан ташқари ҳеч нарса ўчиролмайди. Шу боис ўғлимнинг сувга фарқ этилганлигини эшитиб, фожиа рўй берганига ишондим».

Адиб Собир Термизийнинг ўлими Марв шаҳрига, Султон Санжар қулоғига ҳам етиб борди. Санжар ғазабланди, дод деди, бақириб-чақириб, ниҳоят лашкарбошисини чақирди. Лашкарбоши кириб келди. Буюрди: «Эрта-индин лаш-

карни йиғиб, жангга тайёр бўл! Хоразмга лашкар торта- миз. Отсизнинг адабини берамиз». XIII асрда ўтган тарих- чилар Атомалик Жувайний ва Ҳамидуллаҳ Муставфийлар- нинг таъкидлашича, орадан бир ой ўтмасдан 1148 йилнинг январиди Султон Санжар ҳисобсиз қудратли лашкар билан Хоразм томон йўл олиб, Отсизни бутун қўшини билан Ҳазо- расп қалъасига қамал қилди.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ИЖОДИЁТИ ШОИРНИНГ АДАБИЙ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Адиб Собир Термизийнинг мероси шеърлар девони, аст- рономик асари, муншаот дафтари ва чизмалардан иборат миниатюралари расмлар албомидан ташкил топган. Адиб Со- бирнинг астрономик асари илми нужум ҳақида бўлиб, олим- нинг туну кун, об-ҳаво, иқлимлар, қуёш ва юлдузлар, ой ва сайёралар ҳамда коинот оламидаги бошқа ҳолатлар, шунинг- дек, ҳафта, ой ва йилларнинг алмашилиш хусусиятлари, фаслларнинг келиб чиқиши, ойларнинг алмашилиши билан боғлиқ буржлар ва ҳоказолар ҳақида берилган мунажжим- лик таълимотини ўз ичига қамраб олган. Аммо бу асар ҳали- гача топилгани йўқ. Адиб Собирнинг астрономия соҳасида- ги салоҳияти ва бу фанни яхши билиши унинг лирик шеър- ларидан ҳам аён бўлиб туради. Шоир лирикасида астроно- мик тимсоллару мисоллар жуда кўп ишлатилган. Жумладан, унинг катта бир қасидаси қуйидаги астрономик образлар билан бошланиб, ўша қасиданинг охиригача у фақат астро- номик жирмлар ҳақида тўла маълумот бериб ўтади:

*Омад зи Ҳут чашмаи Хуршид гар Ҳамал,
Бингар ки гар ҳамал чи ажойиб кунад амал.*

Мазмуни:

*Хуршид чашмаси Ҳут буржидан Ҳамалга келди,
Ҳамал ойида бу ғаройиблардан ажаб гўзалликлар юз берди.*

Адиб Собирнинг «Муншаот» китобида унинг ҳокимлар номидан ёзилган хатлари ва ўзининг ёру дўстларига юборган мактублари ўрин олган. Бу асар Адиб Собирнинг иншо санъати соҳасида нақадар катта устоз эканлиги ва бир неча қалам хатини жуда яхши билганлиги, уларни наққошлик санъати билан безатиб ёзганлиги ҳақида маълумот беради. Аммо, афсуски, унинг иншоларидан ҳам бизга бирон-бир намуна етиб келмаган ёки улар ҳанузгача топилган эмас.

Шоирнинг чизмалардан иборат албомидан эса унинг турли вақтларда чизилган наққошлик миниатюралари ва расмлари ўрин олган эди. Лекин Хоразмдан Марвга чизиб юборилган жосусларнинг расми ўша албомга киритилган эдими ёхуд йўқми, бизга маълум эмас. Бу чизма-рasm шунчалик аниқ ва ҳаққоний бўлганки, у туфайли Султон Санжарнинг қасдига юборилган исмоилия мазҳабли жосус қаландарлар зудлик билан топилиб, уларнинг шахси аниқланган эди. Аммо минг афсуски, шоирнинг бу расмлардан иборат албомидан ҳам ҳанузгача дарак йўқ.

Адиб Собирнинг шеърий девони, унинг XIII асрга мансуб муқаддимасининг мазмунига биноан, ўн беш минг байтдан иборат бўлган. Аммо бу девон асрлар давомида қўлдан-қўлга ўтиб, пароканда бир тарзда бизгача етиб келган. Бугунги кунда биз томонимиздан унинг саккиз минг байти аниқланган ва матншунослик илми талабига мувофиқ илмий-танқидий усул билан қайта тартиб берилиб, тадқиқотга тортилган. Бу девоннинг қўлёзма нусхалари ҳам ниҳоятда ноёб. Хорижий мамлакатларда, жумладан, Англиянинг Давлат Музейи идораси ва Лондон шаҳрининг Индия Оффис номли Шарқ қўлёзмалари кутубхонасида мазкур девон нусхаларидан биттадан икки нусха сақланмоқда. Шунингдек, шоир девонидан Эрон кутубхоналарида ва Ҳиндистонда ҳам нусхалар мавжуд. Тошкент, Душанбе ва Боку шаҳарларининг қўлёзма фондларида ҳам шоирнинг мукамал бўлмаган, қисқартма шеърий тўпламларидан бир нусхадан топилади.

1314 мелодий йилда кўчирилган Адиб Собирнинг энг қадимги шеърий қўлёзмаси Англиянинг Индиа Оффис кутубхонасида сақланади. Бу девоннинг фотонусхаси ҳамда Англиянинг Давлат Музейида сақланадиган қўлёзма нусхаси билан бирга 1960 йил Русиянинг Ленинград (Санкт-Петербург) шаҳрига олиб келинган эди. Бу иш бизнинг саъй-ҳаракатимиз билан амалга оширилди ва ҳозирги кунда ушбу нусхалар бизнинг қўлимизда турибди.

1934 ва 1962 мелодий йилларда Адиб Собирнинг шеърий девони икки маротаба Эронда нашр этилди. Ва шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ватандош шоиримизнинг ҳаёти ва адабий меросини кенг миқёсда ўрганиш ва илмий-аналитик тадқиқотга тортиш бизнинг зиммамизга тушган эди. Шу боис биз кўп изланишлар ва тадқиқотлар натижасида Адиб Собир Термизийнинг Эронда нашр этилган ва дунё кутубхоналарида қўлёзма тарзда мавжуд бўлган шеърий девонлари, шунингдек, бир қатор тазкира, тарих ва баёз китобларидан ўрин олган шеърларини ўрганиб чиқдик. Жумладан, Англиядаги қўлёзма нусхалардан ташқари Боку, Тошкент ва Душанбедаги қўлёзмаларини ҳам қўлга киритиб, уларнинг матнidan қиёсий ўрганишда ҳар томонлама фойдаландик.

Шу тариқа, биз Адиб Собирнинг нашр этилган ва қўлёзма тарзда мавжуд бўлган девонидан саккизта нусхани олдимизга қўйиб, уларни бир-бири билан солиштириб, матнларини матншунослик илми талабига биноан мувофиқлаштириб, имкон даражасида саҳиҳ қилдик. Шунингдек, икки юздан кўпроқ баёзлар матнини ҳам ушбу тадқиқотга жалб этдик. Натижада Адиб Собирнинг юқорида эслатилган саккиз минг байтдан ортиқ шеърлари илмий-танқидий ҳолатда тайёр бўлди. Бу шеърларнинг бир қисми биз томонимиздан форс ва кирилл алифболарида чоп этилди. Уларнинг илмий-танқидий усул билан тайёрланган тўлиқ матни 2001 йилда бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли Эрон Ислом Респуббликасида нашрдан чиқди.

Адиб Собир Термизийнинг шеърлар девони қасида, қитъа, ғазал, рубоий ва таркибанд жанрларидан иборат. Мазкур

илмий-танқидий девонда шоирнинг 163 қасидаси мавжуд бўлиб, шу қасидалар туфайли ватандошимиз ушбу шоҳона жанрнинг XI-XII асрларда бўлган тараққиётига катта ҳисса қўшди. Хусусан, мазкур асрларда ривож топган қасидаларнинг барча турлари, жумладан, унинг мадҳия, ҳолия, силжия (қиш ҳақида), ишқия, баҳория ва фалсафий-дидактик турлари бўйича Адиб Собир Термизий беқиёс маҳорат соҳиби бўлган.

Шоиримиз 66 ғазали билан X асрдан бошлаб форс-тожик ва туркий адабиётда шаклланаётган мазкур жанрнинг тараққий этиши, шуҳрат топиши ва мукамал бўлиши учун янги ижодий йўналиш яратди. Ғазал жанрининг оғзаки тури ва бадеҳа (хиргойи) шаклидан унинг расмий-профессионал ижодга кириши, шунингдек, бу жанрнинг кенг миқёсда ёйилиб, ҳар томонлама ривож топишига ватандошимиз катта йўл очиб берди. Адиб Собир Термизийнинг ғазаллари ўзининг жанр хусусиятлари ва равон услуби билан ҳақиқий, мукамал ғазаллар бўлиб, қасидаларининг кириш қисми бўлган таъаззулардан тамомила фарқ қилгани сабабли, улар адабиётимиз тарихида мустақил жанр сифатида шуҳрат қозонди.

Адиб Собир Термизийнинг ғазаллари ўзининг жозибадорлиги, ўйноқчилиги ва халқона хусусияти билан ҳам китобхонга катта таассурот бахш этади. Бу ғазаллар шакл жиҳатидан назик ва самимий, муңдарижаси билан реал ғазаллардир. Табиий структураси-қўриниши билан улар Адиб Собир замондошларининг ғазалларидан тубдан фарқ қилади ва XI-XII асрлар ғазалчилигининг гўзал намуналари ҳисобланади. Шу боис тазкиранавислар Муҳаммад Авфий, Давлатшоҳ Самарқандий, Тақийиддин Копоний, Абдурахмон Жомий, Лутғалибек Озар, Ризоқулихон Ҳидоят ва бошқаларнинг ишораларига биноан, Адиб Собирнинг ғазал жанри ривожига қўшган хизматларини X-XI асрлардаги машҳур ғазалнавис шоирлар — Рудакий, Дақиқий, Шаҳид Балхий, Фаррухийлар даражасига тенг ва баробар деб билиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тазкира муаллифлари Адиб Собирнинг шеърларига юксак баҳо бериб, уларни санъат, сифат, мавзу, роъ,

мазмун ва образлар яратиш жиҳатидан бир намуна эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаганлар. Мазкур муаллифлар Адиб Собирнинг адабий ва сиёсий фаолияти ҳамда шахсиятига ҳам тўхталиб, уни етук давлат арбоби сифатида таъриф-тавсиф этиб, шеърият бобида юксак истеъдод ва туғма маҳорат соҳиби эканлигини ҳам қайд этиб ўтганлар. Аввалроқ айтганимиздек, XI–XII асрларнинг барча шоирлари, хусусан, Анварий, Жабалий, Футухий, Рашидиддин Ватвот, Амъақ Бухорий, Масъуд Саъд Салмон, Меҳситтий, Камолий, Шамолий, Мунирий ва бошқалар Адиб Собир Термизий даҳоси олдида таъзим қилиб, унинг шеърларини мўъжизага ўхшатиб, ўзини эса устоз ва донишманд даражасига кўтариб, камоли эҳтиром билан уни мақтаган эдилар.

Умуман, Адиб Собир Термизий ҳақидаги таъриф-тавсифлар шу қадар кўпки, уларнинг ҳисоби йўқ. XI асрдан то бугунги кунгача бу буюк алломани таъриф қилиб келмоқдалар. Албатта, бундай ҳисобсиз мақтовлар беҳуда бўлмаган. Ҳақиқий сўз устаси, самимий инсон, дили дарё донишманд, покиза хулқ ва маданияти баланд зукко олим шу каби тавсифларга сазовордир ва Адиб Собир шу сифатларни ўзида мужассам этган мўътабар бир инсоннинг тимсоли эди. Адиб Собир Термизийнинг қадри, даражаси ва мақом-мартабасининг таърифи ва уларнинг қайта-қайта таъкидланиши XI–XII асрлар илмий ва адабий муҳитида у энг обрўли ва улуг шоир эканлигини намоён этади. У устоз даражасига кўтарилган шоир ва ўз замонасида донг таратган адиб сифатида маълум ва машҳур бўлди.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ЛИРИКАСИНИНГ ҒОЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юқорида қайд этилганидек, Адиб Собир Термизий шеърияти ғоя ва мазмун жиҳатидан барча замондошларининг ижодидан фарқ қилади ва улардан устун туради. Унинг шеърларида, хусусан, ижтимоий-фалсафий мавзу ва ахлоқ-одоб талқини кенг ўрин олган. Масалан, шоирнинг

махсус ва алоҳида қасидалари, қитғалари, рубойлари ахлоқ – одоб мавзуйига оиддир. Бу шеърларда яхши хулқ — инсоний фазилат ва тарбиявий ғоялар тарғиб этилади; ёмонлик, қабихлик, риёкорлик, худпарастлик, худписандлик, ҳасадгўйлик, ахлоқсизлик, хасислик каби жамият учун бегона бўлган ярамас одатлар ва нуқсонлар танқид қилинади. Адиб Собир замона зулмидан, жамиятнинг тенгсизлигидан, инчунин хоинликлар ва фитнаю фириблардан қаттиқ надоматлар билан шикоят қилади; ҳоким, қози ва амалдорлардан тинчлик, омонлик, тенглик, одамийлик ва самимият талаб қилади. Бу фикрларнинг тасдиғи учун шоир шеърларидан келтирилган қуйидаги намуналарга назар ташлаймиз. Адиб Собир ёзади:

*Ҳар ки саъйи бағ кунаг дар ҳақи халқ,
Ҳамчу саъйи хеш бағ бинаг дуо.*

Мазмуни:

*Ҳар кимки халқ ҳақида ёмонликни ўйласа,
Ўзининг ўй-хаёли ва саъй-ҳаракатига яраша ёмон дуо олади.*

Адиб Собир Термизий халқпарвар шоир эди. Шу нуқтаи назардан унинг шеърларида халқона ғоялар тарғиб-ташвиқ этилади, халққа қарши ножўя иш юритганлар қаттиқ танқид қилинади. Аммо халқнинг дуоси эса тошни мумга айлантирадиган ва осмонни ер билан яксон қиладиган кучдир. Шу боис бу дуони эзгу ният ва яхши одоб билан қабул қиладиганлар, албатта, бахтли бўладилар, лекин ёмонлик қиладиганлар у дуодан қутулмайдилар, балки дўзахдан жой оладилар. Шу сабаб халқ билан бирга бўлиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим омил ва бурч ҳисобланади. Халқпарварлик ғоялари билан яшаш ҳақиқий инсоний фазилатдир.

XI асрнинг шафқатсиз ташвишлари гирдобиде яшаган улуг шоир ўз замонасидан норизо бўлиб, замона зулмига қарши унинг бошига мушт кўтарган эди. Аммо давр зулм-

ситами бутун халқ бошига кулфат келтирган балойи азим эди. Шу сабаб халқпарвар шоир Адиб Собирнинг шеърларида ўз даврига нисбатан эътироз ва исёнкорлик руҳи баралла янграб туради. Шоирнинг фикрича, барча одамлар давр машаққатлари остида овораю сарсон бўлганлар. Шу боис дўстлар агар бир-бирларига етишолмасалар, маъзурдурлар, зеро, бу гуноҳ давр тақозоси билан амалга оширилган ва оқибатсизликлардан келиб чиққандир. Масалан, шоир бир шеърда ёзади:

*Кеҳтару меҳтару вазеу шариф —
Ҳама аз рўзгор ранжуранг.
Дўстон гар ба дўстон нарасанг,
Андарин рўзгор маъзуранг.*

Мазмуни:

*Каттаю кичик, яхию ёмон —
Ҳаммаси давр азобига гирифтор.
Агар дўстлар дўстларга етишолмаса, маъзурдурлар.
Зеро, замона дастидандир бу гуноҳ ва ноҳўя ишлар.*

Адиб Собир Термизий умрининг энг гўзал, навқирон дамларида ғурбат азобини тортиб, замона дастидан жабру жафо кўрди; у ғамга ботиб, ўзини йўқотиш даражасигача бориб етган эди. Барча фожиалар — қувғин, ҳибс, сургун, мажбурий ўлим ҳам чексиз азоб-уқубатлар билан ҳамроҳ эди. Аммо шоирнинг ҳаёти халқнинг ҳаёти эди ва бу ҳаёт умумлашган тарзда халқнинг оғир турмушидан далолат берарди. Чунки XI–XII асрларда барча заҳматкаш халқ ҳам шу оғир аҳволга гирифтор эдилар. Уларнинг оғизларидан зулму ғамдан шикоят садоси доим эшитилиб турарди:

*Эй гумбади баррафта, зи ту паст шудам,
Жуз жавр надинам зи ту то ҳаст шудам,
Эй соқийи ғам, зи жоми ту маст шудам,
Рав, даст зи ман бидор, к-аз даст шудам,*

Мазмуни:

*Эй чархи фалак, сенинг дастингдан наст бўлдим,
Токи дунёга келдим, фақат жабр-зулм кўрдим,
Эй ғаму дард соқийси, сенинг жомингдан маст бўлдим,
Кет мендан, қўлингни торт, кўрмайсанми, йўқолиб та-
мом бўлганман.*

Халқнинг зориқиб йиғлагани ва унинг қора кунларга ги-рифтор бўлгани, Адиб Собирнинг фикрича, мансабдор золим-лар зулмининг ҳаддан ошиб кетгани туфайли эди. Зўравонлар нимани хоҳласалар, шуни амалга оширардилар, аммо уларга тенг келадиган кучлар кўринмасди. Жумладан, улар етим ва беваю бечоралар молдан ўғирлаб, қўзикабоб қилиб, кайф-сафо билан яшайдилар. Уларнинг иши ейиш, ичиш ва ҳаром-хўрликдир. Улар Худодан ҳам кўрқмайдилар ва мусулмончи-ликни ёддан чиқарган манфур кимсалардир. Адиб Собир эса бундай нопок кимсаларга қарши исён кўтаради; уларнинг қўзи-кабобини чўчкакабоб ҳисоблаб, золимларни ҳаромхўрликда ай-блайди. Шу тариқа, Адиб Собир ўша манфур кимсаларни тан-қид билан тошбўрон ўқи остига олиб, уларни мусулмон банда-си ҳисобламайди, билъақс кофирларга қиёслаб, жамиятдаги бегона унсурлар қаторига маҳкум этади.

Адиб Собирнинг фикрича, етим-есир ва бечораларга азоб бериб, уларнинг ҳақини ейиш, уларга нисбатан зулм-ситам-ни раво кўриш мусулмон бандасининг иши эмас, ҳақиқий мусулмон эса нопок йўллардан қайтиб, раҳм-шафқат ва ях-шилиқ билан шуғулланади; етим-есирларнинг бошینی силаб, уларга нажот бахш этади. Бу ҳақда Адиб Собирнинг катта бир қасидаси бор. Ундан тўрт байт мисол келтирамиз:

*Хуш ҳамехангу ҳеч бок магор,
Ки зи зулми ту халқ гирён аст.
Баррабирён кунӣ зи моли ятим,
Он бара нест, хуки бирён аст.
Ҳама корат хўр асту осойиш
Бихўр осон, ки хўрдан осон аст,
Гар ба наздики худ мусулмонӣ,
Ин на расму раҳи мусулмон аст.*

Мазмуни:

Сен кулгину ҳеч нарасадан қўрқмагин,
Аммо билгилки, сенинг зулмингдан халқ йиғлай-йиғлай
адо бўлди.

Етим-есирлар молидан қўзикабоб қилурсан,
Билгилки, у аслида қўзикабоб эмас, чўчқанинг кабобидир.
Жамики ишларинг ейиш, ичиш ва ётишдан иборат,
Осон (ўйламай) егилки, ейиш ҳамма нарасадан осонроқдир.
Агар ўзингни ҳақиқий мусулмон биладиган бўлсанг,
Билгилки, бу мусулмончиликнинг йўли эмас, балки унга
хилофдир.

1228 йилда ёзилган Муҳаммад Авфийнинг «Лубоб ул-
албоб» тазкирасида термизлик амир Ухтий ва Адиб Собир-
нинг у амирга нисбатан салбий муносабати ҳақида тари-
хий бир маълумот берилган. Авфий ёзади: «Термизда вақ-
тинча золим бир амир пайдо бўлди, исми Ухтий эди. Унинг
даврида зулму бедодлик шундай кучайиб кетдики, мазлум-
муъминлар буткул сарсону овора бўлдилар. Бу амир бир
куни катта зиёфат қуриб, ўзи давра тўрида ўтириб олиб,
басма-бас май ичарди. Нохосдан, унинг ҳалқумида май тўп-
ланиб банд бўлиб қолди. Ва шу заҳоти қизил май гўё қизил
гулханга айлангандай бўлиб, унинг ҳалқумини куйдириб,
нафасини тўхтатди. Адиб Собир Термизий бу лаҳзани ин-
тизорлик билан кутарди. Ухтийнинг зулм-ситамидан у но-
рози бўлиб, мазлумлар тарафини оларди. Адиб Собир бу
воқеадан хурсандчилигини қуйидаги қитъасида изҳор этди:

Рўзи май хўрган ба дўзах рафтӣ, эй Ухтӣ, зи базм,
Саг ҳазорон офарин бар рўзи май хўрган-т бог.
То ту рафтӣ, оламе аз рафтани ту зинда шуд,
Гарчи аҳли неъматӣ, раҳмат бар-ин мурдан-т бог»

Мазмуни:

Май ичган кунинг ишратдан дўзахга кетдинг, эй золим
Ухтий,

Шу май ичган кунингта миллионларча офаринлар бўлсин,

*Хайрияш, сен кетдинггу бир олам халқ зулмингдан қутул-
дилар,*

*Гарчи сенинг давлатинг бор эрдию, ноз-неъмат ҳам баъ-
зан берардинг, аммо ўлимингга мингларча раҳматлар бўл-
синки, неъматинг, жабр-зулминг олдида заҳар эрди, холос!*

XI–XII асрларда Адиб Собир Термизий яшаган даврда, Термиз тараққий топган мавзе бўлиб, адолатли ва саховатли амирлари бор эди. Улар «термизшоҳлар» деб номланган машҳур термизлик амирларнинг кейинги авлодлари эдилар. Бу шаҳардан ном ва нон топиш мақсадида тўрт томондан одамлар, хусусан, илм-фан, адабиёт намояндалари бу юртга ташриф буюрардилар. Шу боис қандай бўлганки, бу даврда Ухтийга ўхшаган золим бир амир Термизда ҳоким эди? Бироқ, тарихда XI асрнинг охирларида Ухтий деган бир золим ҳақиқатан шаҳарнинг ҳокими бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мазкур шахс Термизда ҳоким бўлиши ҳамон шаҳарни талон-тарож қилади ва зулми кучайтиради. Аммо Термизнинг улуғ шоҳи ҳали бу золимга жазо белгилаб улгурмасдан, у ўзига-ўзи гўр қазиди. У муттасил маишатга берилиб, майнинг заҳридан ҳалок бўлди. Адиб Собирнинг чинакам халқпарвар шоир эканлиги, золимлик билан ном чиқарган Термиз шаҳрининг ҳокими Ухтийни ёқтирмаслигида, ундан нафратланишида, унинг ўлимини кутганлигида ҳамда ўлимини шеър ёзиш билан қутлаб, ўзининг хурсандчилигини изҳор этганлигида намоён бўлади.

Адиб Собир Термизий замонасининг энг золим амирлари Ухтий ва Аминалмулк Умарлар билан келишолмади. Уларнинг душманона қиёфаларини фош этиб, халқпарвар арбоб сифатида ўзининг оташин шеърлари билан бошини мағрур кўтариб юрди. Бунинг устига шоирлик фазилати, олимлик касби, рассомлик ҳунари ва давлат элчиси вазифасини бажариши унинг халқ ва жамият учун, жамиятнинг тинчлиги учун қилган буюк хизматларида ва фаолиятида яққол ўз ифодасини топди. Аммо у ўша амирлар қасдидан ва дастидан ҳалок бўлди. Адиб Собир агар Ухтийни қаттиқ танқид қилиб, унинг ўлимини шеър билан қутлаган бўлса, Аминалмулк Умар

унинг танқидона сўзларига чидолмасдан, уни Тоҳаристон тоғларида жойлашган вайрона Рован мавзеига сургун қилди. Хоразмшоҳ Отсиз эса Адиб Собир томонидан фош этилган жосуслари сабабли уни Амударёга гарқ этди.

Лекин улуғ мутафаккир шоир Адиб Собир Термизий ўлмади. У жисман йўқ бўлса-да, ўз шеърлари билан дарё қаъридан овоз чиқариб, золимларга нафрат билдирди, ҳаёт ва инсон руҳияти тараннум этилган оташин шеърлардан иборат бой адабий мерос қолдирди. Бу шеърларда адолат, аҳиллик, эзгулик, ҳиммат, мурувват, одамийлик каби муҳим идеаллар таъриф- тавсиф қилинди: зулм, бедодлик, зўравонлик каби ноҳуя ҳаракатлар қаттиқ танқид қилинди. Мана, улардан бир намуна:

*Гар нашавад ағл ниғаҳбони мулк,
Мулки музайяншуда вайрон шавад.*

Мазмуни:

*Агар адолат мамлакатнинг мезони бўлмаса,
У юрт қанчалик зийнат топган бўлса ҳам, албатта,
вайрон бўлар.*

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур «куч адолатдадур» деб бежизга айтмаган. Жамики нарсаларни ҳал қилувчи куч адолатдир. Энг тараққий топган мамлакатларда ҳам, агар адолат қарор топмаса, у мамлакат вайронага айланиб, аҳолиси ҳам хор-зор бўлади. Адиб Собир Термизий давлат арбоби сифатида бу масалани жуда яхши биларди ва шу боис уни фаолиятининг шиорига айлантирди: шоҳларни адолатга, обод юрт учун курашга даъват қилди.

Ҳозирги даврда ҳам агар мамлакатда адолат қарор топмас ва адолат унинг мезонига айланмас экан, ул юрт харобага айланиши муқаррардир. Бинобарин, обод ва озод бўлган мустақил Ўзбекистонимиз муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида асрларга татиғулик йилларни босиб ўтмоқда: истиқлол йўлидан дадил қадам босаётган республикамизда сўзсиз, адо-

лат, инсоф қарор топди. Адиб Собир Термизий эса замонасининг ҳукмдорларига қарата бундай дейди:

*Аглу инсофу раҳм оғат кун,
Гар муродаг ризои Язгон аст.*

Мазмуни:

*Агар Аллоҳнинг розилигини истайдиган бўлсанг,
Адолату инсоф ва раҳмдилликни ихтиёр қил!*

Яъни, Адиб Собир Термизий «Худо рози бўлса, банда розидир», деган мақолга таяниб, Аллоҳнинг розилигини фақат адолатда кўради. Адолат шундай кучки, уни Худо бошқариб туради ва шу боис, агар Худони танисанг, адолат қилгил ва инсофли бўлгил. Агар тескарисини қилсанг, Худонинг ўзи сени жазолайди, дейди шоир. Мана шу каби реалистик дунёвий мисоллар ва далиллар орқали Адиб Собир Термизий адолат ва инсофни тарғиб этади, адолат мулкнинг мезони эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Адиб Собир Термизий шеъриятидаги бундай теран фикрлар ватанпарварлик ва гуманистик ғоялар билан сугорилган бўлиб, шоир эса ушбу ғояларни ўзида сингдирган халқпарвар инсон сифатида XI-XII асрларда ёрқин из қолдирган улуг ва муътабар бир тимсол эди. Адиб Собир адолат учун курашар экан, зулму бедодликка ва халқ бошига оғир мусибатлар туширган жангу жадалларга қаттиқ қарши чиқади. Хусусан, у шоҳларнинг ўзаро мудҳиш урушлардан воз кечишлари ва инсофу адолатга йўлбошчи бўлишларини талаб қилади. Масалан, у қуйидаги байтларида шундай ёзади:

*1. Сарфарозо, гар ин замона, ки ҳаст
Роҳи инсоф бенишебу фароз.
Агл кун, з-он ки сарв бўстонро,
Дасти кўтоҳ доғу умри гароз.*

Мазмуни:

*Шоҳим, бизнинг давримизда инсоф-адолат —
Уларнинг йўлари эгри-бугридир.
Инсоф-адолат қилгил, ки чаманда*

*Сарвнинг қули (шоҳлари) калта бўлса-га,
Аммо тўғрилиқдан унинг умри узундир.*

*2. Бори раият аз ту сабук шуд, чаро кунй
Бори замин гарон зи рикоби гарони хеш?!*

Мазмуни:

*Шоҳим, жангу жадал қилиш учун урушга отланиб, ер
юкини оғирлаштиргунча,*

Халқнинг оғир юкини енгил қилсанг, муродингга етасан.

Адиб Собир Термизий шеърларида панд-насиҳат ва одоб-ахлоқ масаласи юзасидан жуда кўп фикр-мулоҳазалар юритилади. Сирасини айтганда, дидактик ғоялар шоир шеърларининг эстетик моҳиятини чўлантириб туради.

Шоир жамият учун энг гўзал туйғу — покиза хулқни тарғиб этиб, ахлоқсизлик ва ноҳўя ҳаракатларни қоралайди ва танқид қилади. У билимли кишиларни севар экан, илми жамияки нарсалардан, хусусан, мол-дунё ва бойликдан устун қўяди. Инсоннинг фазилати, шон-шухрати ва олий мақоми унинг билим даражаси билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Масалан, бир қитъасида илми буюк шарафларнинг шарафи сифатида таърифлайди; камтарликни ардоқлаб, илми кишини бой-бадавлат кишидан устун қўяди:

*Ҳеч шараф чун шарафи илм нест,
Бағрақаи илм беҳ аз ҳилм нест.
Гарчи баче беҳ бувад аз нест ҳаст,
Нест беҳ он, кас, ки дар ў илм нест.*

Мазмуни:

*Бирон шараф-шон илм шарафидан устун эмас,
Аммо илми бор киши камтарликни ўзига раҳбар қилиши
лозим.*

*Камбағалликдан бойлик, албатта, яхшироқдир,
Аммо ул кишиники илми йўқ, ўзи ҳам йўқ бўлгани яхши-
роқдир.*

Адиб Собир бу ўринда бой-бадавлатларга қарата рамзу киноя билан сўз юритади. Бу табақа инсонларнинг акса-

рияги ўз даврида илмдан беҳабар эдилар ва илм олиш ўрнига улар кибр-ҳаво ва манманлик билан гердайиб юрардилар. Адиб Собир эса илмсиз манманларни танқид қилиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатади ва илмсиз киши ўлгани яхшироқ деган фикрни тарғиб этади.

Билимга чанқоқлик билан интилиш ва уни ҳаётнинг асосий мазмуни деб билиш Адиб Собир Термизий ижодида улкан бир эстетик ғоя сифатида илгари сурилади. Аммо шоир обрў-эътибор соҳиби бўлган ўз аждодларига — боболарига суяниб, фақат улар билан фахрланиш тарафдори эмас ва бу ишни ноўрин ҳисоблайди; билъакс билимдон киши ўз-ўзидан шуҳрат топишини таъкидлайди ва шон-шуҳрат олиб келувчи билимни, албатта, ўрганишни талаб этади:

*Гар туро нисбат асту дониш нест,
Назди доно кам аз хасе бошӣ
Ҳеч нисбат варои дониш нест,
Дониш омуз, то касе бошӣ.*

Мазмуни:

*Сенинг нисбатинг (аждодинг) бору илминг йўқ,
Билгилки, доно наздиға сен йўқ нарсадирсан.
Ҳеч нарса билимга тенг келолмайди,
Токи шуҳрат топсанг, илм ўргангил.*

Адиб Собир Термизий илм ўрганишни, хусусан, ёш авлодга тавсия этади. У йигитларга қарата маслаҳат берадики, агар молу давлатинг кўп бўлса, илм йўлига сарф қилгил, зеро, боқий умрга шеърлардан девон тузиш, китоблар ёзини, илм билан машғул бўлиш туфайли эришилади. Агар гурур ва шуҳрат-шон илмга интилишдан иборат бўлса — бу нур устига нур бўларди. Шунинг учун қалам олгину ном чиқаргин, ўзингга мангу ҳайкал қўйгин. Илм гавҳарининг асл моҳияти ва маънавий таъсирини бундан ортиқ таърифлаш қийин. Зеро, Адиб Собирнинг ўзи ҳам етук олим эди. Шеърлардан ташқари, астрономик рисола ёзиб, замонасининг барча илмларидан воқиф бўлди. Шунинг натижаси сифатида, у илмнинг фазилати ва унинг қийматини

бошқаларга ҳам билдириб, инсон учун билимли бўлиш ни-
ҳоятда зарур ва муҳим эканлигини таъсирчан иборалар
билан тушунтиради; ёшларни илм дарёсидан, унинг пок ва
зилол сувидан баҳраманд бўлишга даъват этади:

*Давот, эй писар, олати давлат аст,
Бағ-ў давлати тундро ром кун,
Чу хоҳй, ки давлат кунй аз давот,
Алифро зи пайванг бо лом кун.
Давот аз қалам номдорй гирифт,
Қалам гиру ном аз қалам вом кун.*

Мазмуни:

*Қаламинг, эй уғил, давлат аслаҳасидир,
У билан давлатни ўзингга тобе қилғил.
Агарки қаламдан бойлик топаман деб юрган бўлсанг,
Алиф ҳарфини лом ҳарфи билан пайванг қилғил, яъни
билим ўрган, китоб ёзгин.*

*Сенинг даъво-талабинг қаламдан ҳосил бўлади,
Шунинг учун қалам олгину қалам ила ном чиқаргин.*

Қаламга, яъни илмга интилиш масаласи Адиб Собир Тер-
мизий шеърларида кенг ва батафсил муҳокама этилади. Адиб
Собир илмни тарғиб этиб, билимдон инсонни қутлар экан,
унинг шуҳрати, шони, давлати, мансаби ва мартабасини илм
олиш, илмли бўлишда деб билади. Унинг фикрича, билимдон
инсон ҳеч қачон хор бўлмайди, аксинча, давлат, ҳурмат-иззат
топиб, катта мартабаларга эришади. Ҳатто у шоҳ бўлиши мум-
кин, аммо борди-ю, шоҳлик вазифаси бўлмаганда ҳам ўзини
шоҳлар қаторида кўради ва улардан устун туради:

*Онро набувад жоҳ, чу молаш шуг беш,
В-ин шоҳ бувад ҳамеша аз дониши хеш.*

Мазмуни:

*Мол-мулк афзун бўлса ҳам қадр-қиймати йўқ бўлиши
мумкин,*

Зеро, шоҳлик ва қадр-қиймат билим билан боғлиқдир.

Адиб Собир Термизийнинг бундай оқилона ва олимона мулоҳазалари ҳозирги давримизда ҳам муҳим аҳамиятта эга. Ҳозирги кунда ҳам ёшлар илм олишни ўзларининг асосий мақсадлари деб билишлари лозим; илм олиш уларнинг ҳаёт-тий шиори бўлиши керак. Зеро, авваламбор улар билим билан мартаба топадилар, халқ ва жамиятта фойда келтириб, шон-шуҳратта эга бўладилар. Президентимиз Ислом Абдураниевич Каримов айтганларидек, мустақиллик даврида ёшларимиз шу муддао билан яшамоқдалар. Ватан учун, унинг обод ва озодлиги учун доимо курашиш ва саъй-ҳаракатда бўлиш сўзсиз шу билимдонлик фазилати билан борлиқдир.

Илмнинг аҳамиятини тарғиб этиш ва ёшларни илм оламига даъват этиш масаласидан кейин, Адиб Собир Термизий яна бир муҳим — инсон учун зарур бўлган масалага — саломатликнинг даражасига баҳо бериб, уни эҳтиёткорлик билан муҳофаза қилишга китобхоннинг диққат-этиборини жалб этади. Шоирнинг фикрича, соғлиқ-саломатлик дунёнинг барча нозу неъматларидан устундир ва шу боис ноз-неъмат талаб қилишдан олдин, авваламбор, ўзинга соғлиқ сўра, зеро, соғлиқ бўлса, сен учун ҳамма нарса муҳайё бўлади ва хоҳлаган нарсанга эришишинг мумкин. Шу хусусда Адиб Собир мисол келтириб айтиб ўтадики, соғлиқ-саломатликнинг қадрига етиш учун бемор билан суҳбатда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бемор киши ўз аҳволдан мисол келтириб, соғлиқ инсон учун қанчалик муҳим ва зарур эканлигини сенга маълум қилади. Шу боис соғлиқни асраш, унинг қадрига етиш сенинг биринчи вазифанг бўлиши лозим. Жумладан, ҳаётингда агар бирон-бир хато ва нохушлик юз берса, ҳам емаслигинг керак, чунки аъзойи баданинг, тўрт мучанг соғлом бўлса, албатта шу ғамдан ва нохушликлардан фориғ бўлишинг ва камчиликларни бартараф этишинг табиий.

Адиб Собир шу каби ўй-мулоҳазалар орқали соғлиқнинг аҳамиятини баралла таъкидлайди. Зеро, инсон учун энг муҳим нарса бу биринчи навбатда саломатликка этибор беришдир. Биз эса ўз ишларимиз билан банд бўлиб,

сорлигимизга эътибор бермаймиз. Узимиз учун керакли ва энг бебаҳо бойлик бўлган сорликни унутамиз. Аммо Адиб Собир айтганидек, сорлик бўлсагина, мақсадингга эришиб, жўшқин ҳаёт кечирасан, гўлдай очилиб юрасан:

*Зи жумла неъматни гунё чу тангурустй нест,
Дуруст гардагат ин, гар билурсй аз бемор.
Ба корат ангар ар ногурустие бинй,
Чу тан гуруст бувад, ҳеч дил шикаста магор.*

Мазмуни:

Дунёнинг барча ноз-неъматларидан соғлиқ-саломатлик яхшидур,

Буни агар яхшироқ билмоқчи бўлсанг, бемор билан суҳбатга бўлгил.

Ишингга агар жиндак камчиликлар сезиб қолсанг,

Ғам емагил ва дилтанг бўлмагил, зеро, жисминг агар соғ бўлса, буларнинг ҳаммаси бартараф бўлиб кетади.

Адиб Собирнинг ахлоқий қарашларида яхшилик ва ёмонлик, яъни эзгу ният ва ёмон ният масаласи алоҳида ўрин тутаети. Шоирнинг талабига мувофиқ инсон ёмон фикрлардан юз ўтириб, яхшилик қилиши керак; инсон яхшиликни мақсад ва эзгуликни шиор айлаб, буларни тарғиб-ташвиқ қилиш учун ҳамиша саъй-ҳаракатда бўлиши даркор ва яна улур шоир таъкидлаб ўтадики, ёмонлик, хусусан, хирадманд — ақли инсонларнинг иши эмасдир; борди-ю халққа ёмонлик қилинса, бу энг номақбул ва ноҳўя иш ҳисобланади, балки бундай одамларни ундан ҳам баттар — савоб ишлардан бутунлай йироқ бўлган душманга қиёс қилиш мумкин. Адиб Собир Термизий шундай душманлардан инсонларни огоҳлантиради; халққа қарши ёмон ниятли одамларни душман деб билади ва уларни лаънатлайди. Бу ўринда шоирнинг халқсеварлик ғоялари янада равшанроқ намоён бўлади. У халқ тарафдори эди ва халқни ҳурмат-иззат қиларди. Шунинг учун халқ душманларидан нафратланади, элни эъзоз-икром этишга даъват этади.

Адиб Собир Термизий шеърларидаги бу ахлоқий-эстетик қарашлар эса унинг ижоди гуманистик ғоялар билан сугорилганлигини ифодалайди.

Адиб Собир Термизий мазкур қарашларининг пировардида эзгу ниятли шахсни «соҳибқирон» шахс даражасига кўтаради. Шунинг учун унинг мақсади биттадир: эзгу ният билан яшаш ва ёмонликдан юз ўгириш; донолар, зукколар, билимдон кишилар билан бирга бўлиш ва улардан ўрганиш. Агар шахс эзгуликни пинҳона қилса, унинг фазилати янада баландроқдир. Яхши ният ва яхши ишни кўз-кўз этиш ва ошкора қилиш шарт эмас ва агар уни қиладиган бўлсанг, ҳар қадамда ва ҳамиша қилавер. Шундагина сендан халқ ва жамият рози бўлади. Бу муҳим ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда:

*Бигардон рўйи гил аз фикрати баг,
Ки баг кардан на кори бихрагон аст.
Бағй андеша кардан дар ҳақи халқ-
Бағийи кори ту дар вай ниҳон аст.
Касе, к-ў некй андешаг ба ҳар кас,
Ба некй дар жаҳон соҳибқирон аст.
Бирав, некй куну аз баг бупарҳез,
Ки баг кардан на кори зиракон аст.
Агар некй кунй пинҳон, на зоҳир,
Ба назди некмардон некй он аст.*

Мазмуни:

*Дилинг юзини ёмонлик фикридан пок этгил,
Зеро, ёмонлик қилиш хирагманг кишининг иши эмасдир.
Хусусан, халққа ёмонлик истаган кишининг ёмонлиги ош-
кор бўлади.*

Бундай кимса, албатта, халқ қарғишига дучор бўлади.

*Ҳар кимки, бошқаларга эзгулик кўрсатса,
Бу дунёда у соҳибқирон шахс ҳисобланади.*

Бинобарин айтадилар:

Юр, эзгулик қил, ёмонликдан воз кеч,

*Чунки ёмонликни зукко донолар қилмайдилар.
Агар эзгуликни пинҳона қилсанг ва маълум этмасанг,
Яхши инсонлар наздига бу фазилат ҳамма нарсадан ус-
тунроқдир.*

Адиб Собир ёмонликни, ялқов ва жоҳилларни, ёлғончи-ларни танқид қилиб, билим олиш, билимли бўлиш, эзгу ни-ятлар билан яшаш, халққа яхшилик қилиш каби фазилат-ларни тарғиб-ташвиқ этиб, пировард-натижада ҳақиқий инсон бўлиш, одамлар қалбига йўл топиш, яхшилик кўрса-тиш учун одамийлик омилларини шиор қилиб олишни так-лиф этади. Бу фазилатларни инсон учун шон-шараф, обрў-иззат, бойлик ва шуҳрат ҳисоблайди.

Ушбу дидактик қарашларни таъриф-тавсиф этиш йўли билан бир қаторда шоир бадбинлик, бадгўйлик, бадкорлик, яъни разил-лик билан боғлиқ бўлган барча ножўя ҳаракатларни танқид қилади. Унинг шиори: «Яке нек беҳ аз ҳазорон разила», яъни «Бир эзгу ниятли киши юз минг разилдан афзалдир». Бу шиор замирида нафақат разиллар мазаммат этилади, балки уларнинг тиш-тир-ноғигача йўқ бўлишлари тарғиб қилинади. Зеро, разил, нобакор, ножинс, сурбет кишилар аслида жамиятта путур етказадиган йиртқич ҳайвонлар билан тенгдирлар. Шунинг учун уларни ор-тиқча бармоқдек йўқ қилиш зарур. Аммо эзгу ниятли халқсевар кишиларни тарбиялаб етиштириш жамиятнинг энг муҳим вази-фаси ҳисобланади ва жамият ҳамиша шунга интилади.

Адиб Собир разиллик билан бирга кибр-ҳаво ва ман-манликни ҳам қилолмас, уларни ҳам жамият ҳамда халққа зарар келтирадиган ножўя сифатлар деб ҳисоблар эди. Шоир кибр-ҳавони ақлга сиғмайдиган нарса деб билиб, ақлли инсонларни шундай ноўрин ишлардан эҳтиёт бўлишга чорлайди:

*Кибр кам кун, ки кибр кардан ҳаст
Нописандига ақлеву шаръе.
Ман туро чун бигўям ин маъний:
Ба табъ аҳл бош, агар фаръй.*

Мазмуни:

*Кибр-ҳавога берилмагил, зеро кибр-ҳаво
Ақл ва жамият наздига нописанг ишлардир,
Мен сенга айтмоқчиман ажиб маъно:
Агар инсон бўлсанг, ақил инсон бўл*

Бундай муҳим гуманистик ғоялар эса Адиб Собирнинг халқона қарашларини нурлантириб туради. Аҳиллик, инсонийлик, эзгу ният, ҳақгўйлик туйғулари шоирнинг фалсафий қарашлари билан ҳам йўрилган эди, у халқ ва жамиятни шу руҳда тарбиялаш учун доим курашарди. «Ҳақ бубину бигў ба чашму забон», яъни «Ҳақни кўргину тилинг билан айтгил», деб ҳақиқатни талқин қиларди; ўзи эса ҳақгўй инсон бўлиб, бошқаларни ҳам ҳақгўйликка даъват этарди. Аммо афсуски, Адиб Собир даврида кўпинча разил одамлар, аҳилликдан узоқ кимсалар мавқе ва мақом топган эдилар ва уларнинг бу хатти-ҳаракатларидан бутун жамият зарар кўриб келарди. Адиб Собир бу анъананинг аксини кўриш орзусида эди ва шу боис тарбиявий-ахлоқий ғояларни ўз ижодининг маъзи деб ҳисобларди. Унингча, тарбия йўли билан жамиятни ўзгартириш мумкин эди, гўё.

Адиб Собир Термизий учун аҳиллик ғояси ҳамма нарсадан устун турарди. «Агар ақил кишиларга ишинг тушса, албатта, муддаонг ҳосил бўлади», — деб аҳилликнинг моҳиятини китобхонга маълум қилади. Ҳақиқатан, инсонни ҳақиқий инсон қиладиган туйғулардан бири аҳилликдир ва аҳиллик йўлидан юрган киши шон-шухрат топиб, жамиятга манфаат келтиради. Адиб Собир аҳиллик шиорини бундай кўз-кўз қилади:

*Ҳаркӣ ҳожат ба ақл-бар дораг,
Зуд бинаг муродиги хеш раво.*

Мазмуни:

*Кимки, ақил бўлишга қасд қилса,
Зудлик билан муродига етади.*

Адиб Собир гавҳар, яъни наслу насаб қаршисида ҳунар, яъни касб-корни кўндаланг қўйиб, ўтган аждодларга суяниб,

фақат уларнинг иши билан ғурурланадиганларни ножоиз деб билади, билъакс касб-корни таъриф қилиб, инсонни ҳунар ўрганишга ва ҳалол меҳнат билан шуғулланишга даъват этади. Қўлни ишлатиб, заҳмат чекиб, ҳалоллик билан кун кечириб, бекор юриб, ота-боболар номи ва мероси билан яшашдан минг бор афзалдир, — дейди Адиб Собир Термизий ва унинг бу ақидаси ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзининг моҳияти билан ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказади. Адиб Собирнинг фикрича, ўлган кишининг номи билан фахрланиш тирик кишининг иши эмасдир, бўлмаса у ҳам ўликнинг ўзи бўлиб қолади:

*Ба ҳунар фахр кун, макун ба гуҳар,
На ҳама фахр аз обу гил бошаг.
Зиндае, к-ў ба мурда фахр кунаг,
На ҳамоно, ки зиндагил бошаг.*

Мазмуни:

*Ҳунар ўрганишга фахр-ла, ота-бобога эмас,
Бир ота-боболар фахри ила юриш мумкинмас.
Агар тирик киши ўлик-ла фахр қилса,
У тирик эмасдир, ўлиқдир, ўлик!*

Адиб Собир Термизий сафар, яъни сайр-саёҳат қилишга кўп аҳамият бериб, бу иш инсон учун фойдали эканлигини айтиб ўтади. Бир қитъасида айтадики, инсоннинг бир-бирига яқинлиги, дўстлиги, муҳаббати ва қадр-қиммати саёҳат пайтида билинади, чунки йигит киши учун уйда ўтириш қамоқ-хонада ўтириш билан баробардир. Бунинг натижасини қуйидаги мисолдан билиш қийин эмас: «Тош баррида гавҳар бўлади, аммо бу ҳолатда унинг қиймати билинмайди. Гавҳарнинг асл-моҳияти тошдан ажраланидан кейин маълум бўлади». Адиб Собирнинг бу ҳаётий мисолларининг ўзи ҳам ҳалқона бир гоя сифатида муҳим аҳамият касб этади. Саёҳат-сафар ҳақида айтилган фикрлари эса муҳим тарбиявий мазмунга эгадир. Ҳақиқатан, инсонлар агар саёҳат қилсалар, улар жамиятни, ҳаётни чуқурроқ ўрганадилар, уларнинг дунёқараши кенгаяди ва улар, албатта, ўзлари учун керакли хулоса-

ларга эга бўладилар. Ҳақиқий саёҳат инсон учун ҳаёт мактаби бўлиши мумкин. Саёҳат инсоннинг дили, асл моҳияти ва қобилиятини ўз-ўзига маълум этадиган омилдир. Шу боис сафар қилиш, сайр-саёҳатга чиқиш худди тошдан ажратилган гавҳардек бебаҳо нарсадир. Унинг қадрига етиш ва орттирган тажрибаларига амал қилиш инсоннинг маънавиятини бойитади, дунёқарашини кенгайтиради ҳамда табиат ва жамиятда ўз-ўзини англашга хизмат қилади:

*Қадр мардум сафар пағид кунад,
Хонаи хеш мардро банд аст.
То ба санг андарун бувад гавҳар,
Кас чи донад, ки қиматаш чанд аст!*

Мазмуни:

*Инсон қадрини сайру саёҳат маълум қилади,
Уйда ўтириш эса зиндон билан баробардир.
Гавҳар токи тош бағрида бўлганда
Унинг қийматини ҳеч ким билмайди.*

Адиб Собирнинг душман ва душманлик муносабатлари ҳақида айтилган фикрлари ўзининг моҳияти билан алоҳида аҳамиятта эга. Шоир душманнинг кимлиги ва душманчилик муносабатларининг оқибатини жуда яхши биларди ва шу боис унинг шеърларида душмандан нафратланиш ва у билан ҳеч қачон келиша олмаслик ғояси ниҳоятда ибратли хулосалар билан тасвирланган. Адиб Собир Термизий ҳаёт йўли давомида қанчадан-қанча душманликларни кўради. Хусусан, дўст деб аталмиш душманлар қўли билан ҳибсга олинади, сургун қилинади, шу кўролмаслик ва фитна-фасод қурбонига айланади, дарёга ғарқ қилинади. Шу сабабли у сийрати душману, аммо суврати дўст бўлганларни фош этиб, танқид ўқи остига олади. Адиб Собирнинг фикрича, душманлардан дўст орттириш масаласи энг хавфли муносабат бўлиб, унинг оқибати фожиаларга олиб келиши мумкин. Аслида бу иш ақлли инсонни девлар қўлига банди қилиб бериш билан баробардир. Зеро, ўликни тирилтириш мумкин бўлса ҳам, аммо эски душманлардан янги дўст орттириш ҳеч қачон мумкин эмасдир.

Бу оқилона ва халқона мисоллар орқали Адиб Собир Термизий душманчиликнинг зарарли туб моҳиятини ошкор этади: «Душман ҳеч қачон дўст бўлмайди, унинг дўстлиги вақтинча ва агар қулай фурсат туғилса яна душманлигини давом эттиради», — деб барча одамларни бу манфур ҳодисадан огоҳлантиради. Аммо бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Дўст деганинг агар душман чиқса ва эски душманингни дўст билиб, унга ишонсанг, бундан ёмонроқ ва зарарли иш топилмас! Шунинг учун инсон зотини таниб, билиб муомала қилиш керак. Хусусан, ҳар қандай йўллар билан ўзини дўст деб кўрсатадиган эски душманлардан ҳамиша огоҳ бўлиб юришинг сени бало-қазо ва офатлардан, албатта, қутқазади:

*Зи душманони куҳан дўстони нав сози,
Ба гасти дев бувад ақро гарав кардан.
Зи мурда зинда шудан мумкин асту мумкин нест,
Зи душманони куҳан дўстони нав кардан.*

Мазмуни:

*Эски душманлардан янги дўст орттириш
Ақл-заковатни девлар қўлига бериш билан баробардир,
Зеро, ўликни тирилтириш мумкин бўлади-ю,
Аммо эски душманлардан дўст орттириш мумкинмас!*

Адиб Собир шеърларида таълим-тарбия бобида айтилган фикрлар жуда кўп учрайди. Унинг шеърларидаги мазкур мавзу ниҳоят даражада ранг-баранг бўлиб, у инсон зоти учун зарур ва муҳим бўлган ғояларни шоирона фалсафий дид билан талқин қилади. Хусусан, шоир шеърларида гуманистик ва ватанпарварлик ғоялари бамисоли қизил ип бўлиб ўтади. Адиб Собир бу муҳим ғояларнинг тарғиб ва ташвиқи учун умр бўйи қалам тебратди, бу ғояларнинг тантанаси учун курашди. Афсуски, мазкур ғоялар у яшаган даврда ва ундан кейинги даврларда ҳам қўллаб-қувватланмади. Бундай ҳаётбахш ғоялар фақат бизнинг давримизда, республикамиз истиқлолга эришгандан кейингина тантана қилди ва рўёбга чиқди.

Адиб Собир Термизий ғаразгўйлик, бадбинлик, душманлик, ахлоқсизлик, манманлик, кибр-ҳаво ва манфаатпарастлик, таъмагирлик, зулм-фитна, ғаддорлик ва шуларга ўхшаган энг паст ва ножўя одатларни доим танқиднинг куйдирувчи нури билан фош этиб, эзгулик, одамийлик, ахлоқий поклик, билимдонлик, дўстликка интилиш, олийҳиммат ва саховатли бўлишга, касб-ҳунар ўрганишга даъват қилади, шу билан бугун олам ва инсоният дунёсини энг мангу ва олижаноб туйғуларга тўла бўлишини орзу-ҳавас этади.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ТАБИАТ ВА ИШҚ-МУҚАББАТ КУЙЧИСИ

Шоиримиз табиат, яъни олам гўзаллигини таърифлаб, бу билан Ватаннинг саховатли замини, кўркам дашт-биёбони, зангори тоғлари, боринги, табиат-борлиқнинг бугун тароватини мадҳ этади; натижада у Ватанни ардоқлаб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшади. Хусусан, Ватаннинг баҳорий қиёфаси шоирни ҳамиша мафтун этади.

Адиб Собир Термизийнинг шеърларини ўқир эканмиз, шоир XI-XII асрлардаги Термиз, Чарониён, Басванд, яъни бугунги Сурхондарёнинг ўхшаши йўқ манзараларини кўриб, олам-олам қувонч ва таассурот олганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу водийнинг гўзалликлари ва фусункор қиёфаси таъсиридан шоир маст-шайдо бўлганди. Булар ҳаммаси унинг пейзаж лирикасида ўз аксини топган ва ушбу шеърлар Ватан, халқ, миллатнинг энг гўзал мадҳиялари сифатида ҳозир ҳам баралла янграб, акс-садо бериб туради. Масалан, бир қасидасининг кириш қисмида Ватаннинг баҳори, хусусан, унинг наврўз кунларидаги гўзал қиёфасини қуйидагича тасвир этади:

*Хушо вақто, ки вақти навбаҳор аст,
Мусоид рўзу маймун рўзгор аст.
Замин чун лўъбати шамшодзулф аст,
Жаҳон чун кўдаки анбаръизор аст.
Кужо поят баромад, гулситон аст,*

Кужо чаимат бирафтад, лолазор аст.
Миёни боғ пурмушку абир аст,
Карони роғ пурнақшу нигор аст.
Ҳаво чун чашми ошиқ дурфишон аст,
Сабо чун зулфи гулбар мушкбор аст.
Бисоте доғ фарвардин заминро,
К-аш аз минову буссад пуду тор аст.
Қарор акнун ба саҳни бӯстон дор.
Ки саҳни бӯстон дорулқарор аст.
Канори боғ пур гур асту гавҳар,
Канори ӯ магар гарёканор аст.
Бигиряд абри наврӯзӣ ҳаме зор,
Ки шохи зардгул бемору зор аст.
Замоне андалиб аз вай жудо нест,
Магар наздики ӯ бемордор аст?
Агар булбул шудаст аз ишқи гул маст,
Чаро чашмони наргис пурхумор аст,
Гиёҳи кимиё гаштаст наргис,
Ки табъаш мояи зарри иёр аст.
Дар ин фасле, ки мурда зинда гардад,
Чаро шохи бунафша сӯгвор аст?
Магар гулро арӯсӣ кард наврӯз,
Ки абраш ҳар замон гавҳарнисор аст,
Баҳор аст ин, надонам ё биҳишт аст,
Биҳишт аст ин, надонам, ё баҳор аст.
Насими настаран бифзуд жонам,
Магар дар вай насими зулфи ёр аст.
Дарахти арғувон гар нест оташ,
Чаро шохаш ҳамеша пуршарор аст.
Ҳамоно ёсуман масти шабон аст,
Ки чун мастон навону беқарор аст.
Чаро лола ҳаме наншинад аз пой,
Магар мар бодаро дар интизор аст.
Нишоти бода бояд кард бар гул,
Ки бозори нишоти бода хор аст.
Биёр, эй соқӣ, он оби чу оташ,

Ки жонро жону рамро рамгусор аст.
Чу зулфи ёр буяш дилфиреб аст,
Чу васли дуст таъмаш хушгвор аст.
Таржимаси:
Гузал мавсум бу, мавсум навбахордир,
Улуғ айём муборак рӯзгордир.
Мисол ер кўнфироқ сочли кўфирчоқ,
Жаҳон бир шўх қилиқ гудакча бордир.
Гулистондир қадам қўйсанг қаерга,
Қаён боқсанг, ҳаммаси лолазордир.
Бу боғ майдони лим-лим мушки анбар,
Гузал тоғлар этаги жилвакордир.
Ҳаво ошиқ кўзидек дур сочувчи
Сабо ёр зулфидек анбарнисордир.
Ҳамал ойи ёйибдир бор бисотин,
Ўриш, арқоқ, қизил, кўк ранги бордир.
Кириб бўстон аро энди қарор эт,
Ки бўстон саҳни хуш жойи қарордир.
Бу боғ атрофи буткул гавҳару дур
Ва ё бағри азим дарёча бордир.
Бу дам йиғлар булутлар зор нечун ?
Сариф гул сарвайиб бемору зордир.
Ёнидан бир нафас кетмайди булбул,
Магар бемор учун бир дастийёрдир,
Агар гул ишқига булбул эрур маст,
Нечун наргис кўзи доим хумордир.
Бўлиб кимё гиёҳи борда наргис.
Анинг табъида зарнинг асли бордир.
Бу мавсумда ўликлар ҳам тирилгай,
Бинафша бунчалар таъзиядордир?
Никоҳлаб олди гўё гулни наврўз,
Булутлар бошидан гавҳарнисордир.
Баҳорму бу ва ё билмам беҳиштми,
Беҳиштми бу ва ё билмам баҳордир.
Қўшар жонимга жон насрин сочиб ҳид
Ва ё ёр зулфи атри бунда бордир.

*Эмас ўт арвугоннинг гар дарахти,
Нечун шохига учқунлар қатордир.
Ҳамиша ёсуман тунларда мастдир,
Мудом мастларга ўхшаш беқарордир.
Нечун лола эгилмасдан турар тик
Ва ё бода қуяр деб интизордир.
Булуր май шодлиги гул бирла мумкин,
Ва ё май шодлигин бозори хордир.
Кетур, эй соқий, ул сувким оловранг,
У жонга жону рамга рамгусордир.
Ҳиди мафтун этар ёр кокилидек,
Ширин таъми мисоли васли ёрдир.
(Эшбой Пардаев ва Чустий таржимаси)*

Бу пейзажнинг ташбеҳларига бир назар ташлайлик. Ватан қиёфаси гўзал, шўх, маъшуқа юзига ўхшатишган, ватандошлар эса эзгу ниятли инсонларга монанд этилган. Гўзал боғларнинг гуллари бошларидан гавҳар сочиладиган келинчақларга қиёс қилинган. Шу тариқа, бугунги Сурхондарё юрти жаннат боғига ўхшатишган. Ватан қиёфасини бундан ортиқроқ таъриф-тавсиф этиш мушкул. Мазкур шеърдаги Сурхон воҳасининг баҳор фаслидаги кўркем ҳусну малоҳати бугунги кунда ҳам жилваланиб турибди.

Адиб Собирнинг назарида Ватан жаннатмисол диёрдир, бу юртнинг барча аҳолиси эса хуррамлик ва кўтаринки руҳ билан яшайдилар. Бу идеал улуф шоирнинг орзуси эди ва бу орзу бугунги кунда, истиқлолга эришганимиздан сўнг амалга ошди. Табиатни бундай жонлантириб ташхислаш ва унга инсоний қиёфа ва ватанпарварлик руҳидаги маънони сингдириб, самимият билан тасвирлаш мумтоз шеъриятимизнинг энг ноёб намуналаридан ҳисобланади. Бу намуналар эса Адиб Собир Термизий шеъриятида алоҳида нурланиб туради.

Баҳор, наврўз, гулу лола, чаман, дашт-саҳро гўзалликлари тасвиридан кейин Адиб Собир Термизий йилнинг бошқа фасллари: қиш, ёз, кузнинг таъриф-тавсифига ҳам ажойиб мисралар бағишлаган. Бу шеърлар мисолида ҳам ватаннинг

улуғворлиги ва унинг шон-шуҳрати таъкидланади. Уларда бадий санъатлар шу қадар кўп, кенг, теран ва ҳар томонлама ишлатилганки, бошқа шоирларнинг қасидаларида бундай ҳолни кўрмаймиз. Ўша давр шоирлари ўз қасидаларини аксарият муболаға, иғроқ, лаффунашр, таълил санъатлари билан безатганлар. Аммо Адиб Собирнинг пейзажли шеърларида биринчи навбатда ташбеҳ, тавсиф, тажнис, истиора, ихом, ташхис санъатлари кенг кўламда қўлланилган. Бу ҳолат шоир шеърларини бадий жиҳатдан таъсирчан қилиб, уларга ёқимли оҳанг, халқона гоя ва юмшоқ садо бахш этган. Ушбу шеърларнинг ўйноқлиги, равонлиги, самимийлиги ҳам мазкур бадий санъатлар натижасида ҳосил бўлган.

Адиб Собир Термизий олам манзараси ва одам қиёфасини тасвирлашда устоз шоир эди. У туну кун, сайёралар сайри, юлдузлар ҳаракати, офтоб, ой, шиҳоб (метеоритлар) каби осмон жисмларини ишга солиб, улар орқали табиатни жонлантириб, уни ниҳоятда жозибали, фусункор ва гўзал қиёфада тасвирлаган. Ушбу шеърлар шакл ва мазмун жиҳатидан ақлни лол қолдирадиган даражада бўлиб, китобхонга эстетик таъсир қилади. Масалан, тор (қоронғи) кеча ва юлдузлар кўришининг манзараси қуйидаги ҳолатда баён этилган:

*Шаби сиёҳ даромаг ба сони зангии зишт,
Назора бар сари ў саг ҳазор кўдаки хуб.
Ситорагон ҳама гуфтӣ, ки Юсуфанд ба ҳусн,
Ба тирагии шаби торӣ чу дигай Яъқуб.*

Мазмуни:

*Тим қора занги боладек тор кеча кириб келди,
Аммо унинг бошида юз минг чақмоқ бола ярқираб турибди.*

*Юлдузлар ҳусн-жамолда гўё Юсуфдирлар,
Аммо тор, қоронғу кечада Яъқубнинг гўё кўр кўзидай-дирлар.*

Бу байтларнинг истиоравий маъносига зеҳн солайлик: кўр кўз ва зангибола — қоронғу кеча, Юсуф ва чақмоқбола — юлдузлар. Бу образлар талмех, ташхис ва истиора ила инсон қиёфасига қиёсланган. Бу услубий тасвир натижасида бир

томондан, табиат ва қоронғу кеча, иккинчи томондан, инсон ҳаёти ва унинг моҳияти баён этилган. Моҳирлик ва усталик билан яратилган шеърлар шу тариқа дунё юзини кўради ва уларнинг муаллифлари сўзсиз, туғма истеъдод соҳиби бўладилар. Адиб Собир Термизий ана шундай суҳандон шоир эди.

Адиб Собир Термизий ижодида инсон ҳаёти билан боғлиқ энг буюк ва энг қадимий мўътабар мавзу — ишқ-муҳаббат рояси жуда кенг планда тасвирланган. Бу тасвирнинг муҳим томони шундаки, шоир шеърларида куйланган муҳаббат рояси замонавий ва дунёвий мазмунга эга бўлиб, сўфийлик сулукати билан умуман алоқаси йўқ эди. Адиб Собир Термизий тасаввуф роялари, мазҳаблар можароси ва ақидапарастлик ҳаракатлари билан умуман муносабатда бўлмаган. У ўз табиати билан гўзал ва озод инсон бўлиб, борлиқни табиий ҳолатда идрок этади ва табиий равишда тараннум қилади. Шу боис унинг ошиқона шеърлари илоҳий сирларни мутлоқ акс эттирмай, балки реал борлиқ ва унинг гўзаллигини ифодалайди. Жумладан, лирик қаҳрамон сарвиноз дилбар билан суҳбатлашиб, унинг ташқи гўзаллиги, ички дунёси, хусусияти, ахлоқи ва муҳаббатини баён этади. Бу эса дунёвий реал муҳаббат бўлиб, дунёвий реал инсоннинг тасвиридир. Мана шоирнинг бир разалига диққат қилайлик:

*Ҳама мақсуди мо шуд рост имрӯз,
Ки он мақсуди гул бо мост имрӯз.
Гар орояд баҳори нав жаҳонро,
Жаҳонро рӯйи ў орошт имрӯз.
Дилам гў васли ў ҳожат ҳамехост,
Раво гашт ончи гул мехост имрӯз.
Зи пеши ў чу биншастаст моро,
Фами ногиданаш баржост имрӯз.
Парӣ мегӯфт аз ў некӯтарам ман,
Падид омад гурӯғ аз рост имрӯз.*

Мазмуни:

*Менинг мақсадим бугун ҳосил бўлди,
Зеро, кўнглим мақсади бўлмиш у гулбар мен билан эди.
Оламни агар баҳор фасли безапса,*

Унинг хусни жамоли бугун оламни безатди.
Ўтган кун кўнглим уни талаб қилган эди,
Шукрлар бўлсинки, бу хоҳиш бугун амалда ижро бўлди.
У билан мен ёнма-ён ўтирибмиз,
Шу боис ҳижрон азоби йўқ бўлди, холос.
Парилар айтган эдиларки, у дилбардан биз гўзалроқмиз,
Бу айтганларининг ёлғонлиги бугун маълум бўлди.

Реал маҳбубани реал сўзлар билан шоирона тасвирлаш Адиб Собир Термизий ошиқона лирикасининг асосий хусусиятидир. У дилбар маҳбубанинг ахлоқ-одоби, ишқ-муҳаббати, юриш-туриши, сўзлаши, ноз-ишваси, хатти-ҳаракати — умуман ички ва ташқи дунёсини ҳаяжон ва эҳтирос билан тасвирлайди. Шу каби тасвирларни сарой шоири ижодига хос бўлган тасвирлар ҳам дейиш мумкин, албатта. Чунки саройда яшаган шоирларнинг лирикасида сарой маҳбубалари, жумладан, канизаклари, чўрилари, қуллари, хонимлари муҳаббатидан келиб чиққан илҳомнинг ҳам таъсири бор. Аммо, Адиб Собир Термизий сарой маликалари тасвиридан ўтиб, ўзининг ошиқона шеърларида кўпроқ пок, зилол, мусаффо туйғуларни ифодалашга эришган. Унинг шеърларида инсоний муҳаббат ва инсоний орзумид асосий ўринни эгаллайди. Хусусан, канизаклар, чўри ва қулларни тасвирлаб, бу табақа камбағал ва муҳтожларнинг кўнглини кўтариш, уларнинг муҳаббатини тақдирлаб, ишқ дунёсидаги ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масаласи Адиб Собир Термизий учун муҳим аҳамият касб этган. Бундай тасвирлар эса унинг лирикасига инсонпарварлик ғоясини бахш этиб, мазкур шеърларнинг нақадар ёқимли, нафис ва муҳаббатга лиммо-лим қалбнинг садоси эканлигини намоён қилади. Масалан, у бир шеърда ёзади:

*Туйи, ки меҳри ту дар меҳрон баҳори ман аст,
Ки чеҳрайи ту гулситону лолазори ман аст.
Баҳору сарву гулу савсан, эй баҳори бутон
Чу дар канори манӣ, жумла дар канори ман аст.*

Мазмуни:

*Сенинг меҳр-муҳаббатинг кузни менга баҳор этди,
Чунки сенинг чеҳранг менинг гулистону лолазоримдир.*

Эй гўзалларнинг гўзали, баҳор, гул, савсан, сарв:

*Ҳаммаси менинг наздимдадир, чунки сен менинг наздим-
дасан.*

Бу офатижон сарвиноз лирик қаҳрамонга ҳаёт бахш этиб, уни ардоқлаб, шавқ-завқ ҳада қилгани сабабли, шоир ўзини энг бахтли инсон ва боши осмонга етган чин ошиқ эканлигини ҳис этиб, маҳбубага юз минг офаринлар айтади, уни янги-янги сифатлар билан таърифлашга интилади. Шоир бутун умри ёр билан обод эканлигини куйлайди, унинг учун борлиқнинг асл моҳияти ҳам, ўзи ҳам ёр тимсолида намоён бўлади. Адиб Собир Термизийнинг лирик қаҳрамони қиёфасида ҳаёт, озодлик, ободлик, бахт-саодат, эзгу ният, ҳақиқат, барокатга интилган муборақ инсон сиймоси гавдаланади ва шундай инсон билан яшаш, баҳамжиҳат бўлишни у ўзининг биринчи мақсади деб билади:

*Аз ту бувад мар-маро жавонию пирӣ,
Пас ба ҳақиқат ба зиндагонӣ монӣ.*

Мазмуни:

Менинг ёшлигим, кексалигим, яъни ҳаётим ўзингсан,

*Шу боис сен ҳақиқатан ҳаётга ўхшайсан ва ҳаётнинг
ўзисан.*

Адиб Собир Термизийнинг ошиқона лирикасида талмеҳ ва ташхис санъатлари алоҳида ўрин тутади. Шоир ўз шеърларининг ифодалилигини ошириш ва ўз фикрини қисқа, ихчам тасвирлаш учун ўтмишни, қаҳрамонларни, тарихий номларни, шоҳларни, ошиқ-маъшуқларни, азиз-авлиёлар ва пайғамбарларни, ривоят ва ҳодисаларни, умуман, тарихни эслаб, уларни суҳбатга чорлайди. Бундан ўтиб, табиатта мурожаат қилиб, унинг воситасида табиат ҳодисаларини жонлантиради; уларни ҳам сўзлатиб, бадий тасвирлар ва ёқимли манзаралар яратишга муваффақ бўлади:

*Туро хиромиши кабк асту жилваи товус,
Масал зананг зи хуснат ҳаме ба Руму ба Рус.
Ҳамон расид ба жони ман аз вилояти ишқ,
Ки аз вилояти Мозандарон ба Кайковус.*

Мазмуни:

*Юришинг — какликдек, боқшинг — товус,
Гўзал жамолинг юзидан Рум ва Русияда ҳикоя қилурлар.
Сенинг ишқинг вилоятидан менга шунча жабру жафо
етдики,*

Мозандарон вилоятдан Кайковусга етган эди.

Сарвиноз маҳбубани қутлаш, қадрлаш ва таърифлаш бундан ортиқ бўлмайди. Унинг ҳусн-жамоли шу қадар жон олғувчики, ҳатто узоқ-узоқ мамлакатларда, жумладан, Румда (Туркияда) ва Русияда ҳам у афсонага айланиб, машҳур бўлганди; бу ҳусн-жамол дилларни забт этган гўзаллик эди; унинг жабр-жафоси ҳам ёқимли балзамга ўхшаб, инсонни мафтун этади, лирик қаҳрамон қалбига муҳаббатнинг ширин азобини солиб, уни бутун оламга ишқнинг самимият билан тўла оловли кўзлари билан қарашга ундайди. Мана шундай гўзал маҳбуба билан бирга бўлиш, унинг висолига етишиш лирик қаҳрамонга янги-янги куч-қувват баришлайди, унга таскин беради; энг мудҳиш дамларда ҳам у ўзини бардам тутиб, жасорат ва орзу-умид билан яшайди.

Бундай ошиқона тасвирлар эса инсоннинг бахт-саодати, ҳаракати, орзу-нияти ва узоқ-узоқларни кўзлаб, гуманистик ғоялар билан яшаши учун интилишга имконият яратади. Кайковуснинг Мозандарон вилоятида юз берган аҳволи ва Руму Рус мамлакатларининг эслатиб ўтилиши талмеҳ санъати 'орқали юзага келган тасвирлардир. Табиат тинч-солларидан олинган образ — какликнинг юриши ва товуснинг жилваси эса реал образлар бўлиб, маҳбуб ёрнинг гўзаллиги ташхис этилган қиёслардир.

Шоир шеърларида Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Арабистон, Хоразм, Кашмир, Рум (Туркия), Русия, Хитой, Яман, Арманистон ва бошқа мам-

лакатлар ҳамда уларнинг турли шаҳарлари талмеҳ санъати воситасида эслатиб ўтилган. Хусусан, Туркистоннинг шарқий томонида жойлашган Халлух, Яғмо, Хўтан, Тароз, Қошғар, Ўзганд каби ҳудудлар кўп тилга олинади. Аммо буларнинг орасида Русия мамлакатининг тилга олиниши ажиб бир хусусиятга эга. Чунки XI–XII асрлар форс–тожик шеърлярида бу ном деярли тилга олинмайди. Адиб Собир Термизий эса мазкур номни алоҳида тилга олади: унинг маҳбубасининг жозибали ҳусни малоҳати ҳатто Русия мамлакатига ҳам етиб борган эди.

Демак, шоир Адиб Собир Термизий Мовароуннаҳрнинг узоқ шимол томонида жойлашган Русияни яхши билган ва шу боис шеърларида унинг тасвирига эътибор берган. Сиёсий шахс ва давлат арбоби сифатида Марказий Осиё ва Русия ўртасидаги ижтимоий ва маданий алоқалардан хабардор бўлган Адиб Собир Термизий шеърлярида мисолида ва образлар туфайли машҳур замонавий мазмунлар, осмоний (глобал) ғоялар ва дунёвий тасвирлар устида мунтазам равишда ишлаб, ўз маҳоратини ошириб борган ва бундай тасвирлару ғояларни муболаға доирасида бўлса ҳам, акс эттиришга ҳамisha саъй–ҳаракат қилган.

Адиб Собир Термизийнинг аксарият шеърляри Мовароуннаҳр услубида яратилган содда, равон, самимий ва ўйноқи шеърлардир. Мазкур шеърларнинг асосий хусусиятини эса халқона сифат ҳамда халқчил образлар ташкил этади. Шоир шеърларидан Мовароуннаҳр, хусусан, Термизу Чағонийён шеvasига хос сўзларни топиш қийин эмас. Бу сўзлар ҳозирги жонли тилимизнинг негизини ташкил этади ва адабий тилимизда юз фоиз ишлатилади. Арабий луғатлар ва мавҳум сўзлар эса Адиб Собир Термизий шеърларида жуда озчиликни ташкил этади. Унинг шеърларини ўқийдиган биринчи китобхон ҳам бирон–бир луғатга мурожаат қилмайди. Унинг шеърляри худди суҳбат қилаётгандай туюлади ва китобхонга катта бадиий таассурот ва илҳом бахш этади.

Аммо шулар билан бир қаторда, Адиб Собир Термизийнинг шеърларида баъзан таълил, сиёқ, тақрир, тақсим, иш-

тиқоқ, изънот қаби мушкул санъатлар воситасида шундай образлар яратилганки, уларни англаш ва идрок этиш оддий китобхон учун, албатта, осон эмас. Бундай санъатлар шоир шеърларини мураккаблаштиради ва улар оддий китобхоннинг имкониятини бироз чеклайди. Лекин бундай байтлар мазкур бадий санъатлар билан теран маъно, баланд парвоз ва кенг мазмун касб этиб, китобхон дунёқарашини кенгайтириб, билимини бойитишга ёрдам беради. Масалан, ривоятларда айтиладики, бир замонлар Од деган қабила-элат худога осийлик қилгани сабабли, сарсар шамоли натижасида бутун уруғи билан йўқ бўлиб кетган экан. Адиб Собир Термизий бу ривоятни бир байтида қуйидагича эслатиб ўтади:

*Бувад дар сафи Од бағхоҳи ту,
Аз ў ҳар сарсаре яке сарсаре.*

Мазмуни:

*Сенинг душманинг Одлар сафида туради,
Уларнинг ҳар бирининг боши сарсар* (кучли шамол) қўли-
дагир.*

Ёхуд айтади:

*В-агарна теғи Али буг дар миёнаи абр,
Зи лола дашт чаро гашт чун Сафи Сиффинг?!*

Мазмуни:

*Будутнинг орасида Алининг қиличи бордир,
Шу боис дашт лоласи Сафи Сиффинга ўхшаб кетди.*

Машҳур шарқшунос олим Е.Э. Бертельс Адиб Собирнинг бу байтига алоҳида эътибор бериб, унинг теран мазмундорлигини таъкидлаб, шу ўринда шоирнинг шеърий техник маҳоратига махсус урғу беради. Ҳазрат Алининг 657

*Арабча ва форсча манбаларда шамолнинг асли номи «бод». «Бод» ўзагидан шамолнинг турлари ясалган. Чунончи, «боди самум» (иссиқ шамол), «боди сарсар» (қаттиқ, ниҳоятда кучли шамол), «боди насим» (майин шабада, шамол), «боди шамол» (муътадил шамол), «боди сабо» (тонгги шабада, шамол) ва ҳ. деб номланади. Бу маънолар ўзбек мумтоз адабиётида ҳам айнан шу тарзда ишлатилган.

мелодий йилда Муовия сулоласи билан қилган хунрезлик-лари мазкур байтда тимсоллар орқали ва Сиффин ишораси асосида акс эттирилган ва бу мисоллардан биринчиси талмеҳ ва иккинчиси таълил санъатининг ёрқин намунасидир. Кейинги қасида тўлиқ сиёқ ва жам мааттақсим санъатлари воситасида ёзилган:

*Се тўхфа доғ фироқи ду зулфи дўст маро,
Яке дарегу ду юм ҳасрату сеюм савдо.*

Мазмуни:

*Сарвиноз зулфидин айрилиқ менга уч нарса тухфа этди:
Бири афсусланиш, иккинчиси ҳасрат, учинчиси васваса
(алаҳсираш).*

Бундай шеърий қасидалар Адиб Собир Термизий шеъриятининг санъатларга, образларга бойлигини намоён этади. Шоирнинг саккиз минг байтдан иборат бизгача етиб келган адабий мероси XI асрдан қолган бебаҳо ёдгорлик бўлиб, бугунги кунда ҳам маънавиятимизни бойитишда муҳим омил ва пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Адиб Собир Термизийнинг шеърларида халқчиллик ва ватанпарварлик ғоялари ниҳоятда кучлидир. Бу ғояларнинг аҳамияти ҳозирги даврда ҳам яққол кўриниб турибди. Зеро, олмосга қанча узоқдан қарасангиз, унинг жилоси шунча ёрқинроқ кўрингани сингари, Адиб Собир Термизий ижодига ҳам асрлар ўтган сари қалб эҳтиёжимиз шунча ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида, Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, ватанпарварлик ва миллий мафкура биринчи ўринда туради, бу эса ватанни севиш, иймон-эътиқодли бўлиш каби инсоний туйғулар билан чамбарчас боғлиқдир.

Адиб Собир Термизий доимий равишда кишиларни меҳроқибатга, аҳд-вафога, одамгарчиликка, диёнат ва покиза ахлоққа, маънавият ва маърифатга даъват этган; инсонлар билан аҳил яшаб, инсоний фазилатларни улуғлаган. Устоз шоирнинг энг муҳим ва гавҳардек пурҳикмат шеърий ғоялари эса келажакимиз чироғи — маърифати бўлиб хизмат қилади, деган ниятдамиз.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

Аҳмад Абдуллаев 1936 йилнинг айна ёзида Бойсун туманининг Пасурхи қишлоғида зиёли оиласида туғилди. Отаси Абдулла Тўраев ўқимишли, саводли киши эди. Бойсун жомеъ масжидида имомлик ва туман мадрасасида мударрислик қилган. 1937 йили қатарон чангалига гирифтор бўлиб, Сибирнинг Амурдаги Комсомольск шаҳрига сургун қилинди. Мол-мулки мусодара этилиб, оиласи кўчага ташланди. 1942 йили мазкур шаҳарнинг қамоқхонасида намоз ўқиётган пайтида отиб ўлдирилган. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг маълумотига биноан 1990 йилнинг 11 февralида Тўраев Абдуллага нисбатан 1937 йилнинг 4 октябрида қўлланилган «тройка» судининг қарори бекор қилиниб, тўла оқланди (реабилитация қилинди).

Аҳмад олти ойлигида отадан етим қолиб, муштипар онаси билан катта ҳаёт гирдобига тушди. Советлар тузуми даврида қанчадан-қанча қийноқлару азобларни бошидан кечирди. Онаси умр бўйи колхозда ишлади. Аҳмад онаси билан ҳамиша бирга эди. Колхоз ишлари ниҳоятда оғир эди, ёзда бепоён далаларда галла ўриш, кузда қўш ҳайдаб, ерларни шудгор қилиш, қишда тошлоқлардан тош ташиб, тошдеворлар битказиш, баҳорда колхоз экинзорларини суғориш, колхоз қурилиши учун гишт қуйиб, туну кун тер тўкиш ва ҳоказо ишларни бажаришига қарамай, онаси дўқ-пўписа, қамчину ҳақорат остида буюрганишларни ижро этарди. Отасидан қолган китобларнинг ярми қабристонга кўмилди, бир қисми молхоналарда чириб кетди, қолганлари эса қиш пайтида НКВД идораларини иситди. Буларнинг ҳаммасига ёш Аҳмад онаси билан бирга гувоҳ бўлди ва ўз кўзи билан кўрганди.

1943 йили Аҳмад мактабда ўқий бошлади. Уни тугатиб, Душанбе шаҳридаги олий билимгоҳга кирди. Шу билан Аҳмад Абдуллаевнинг янги ҳаёти бошланиб кетди. 1957 йили у ўқишни битириб, Бойсунга қайтди. Ўзи ўқиган М.Горький /ҳозирги Сами Саъдуллаев/ номидаги мактабда илмий мурдир бўлиб иш бошлади.

Аҳмад Абдуллаев онаси билан қишлоқда бўшаб қолган пах-сали бир чордеворда яшаб, мактабда ишлади, муаллимлик ма-оши билан кун кечириб юраверди. Аммо колхоз раиси-ю, баъзи инсофсиз бригадирлар у билан онасига тинчлик бермас, хусусан, онасига ҳамон оғир ишлар буюриб, Аҳмадни қишлоқдан сургун қилишгача уриндилар. Сабаби қатаронга /халқ душманига/ «айланган» домла-имом унинг отаси эди. Аҳмад Абдуллаев барча тазйиқларга бардош бериб келди ва мактабни ташлашга мажбур бўлди. 1959 йили у Душанбе шаҳрига бориб, Тожикистон Фанлар академиясининг аспирантурасига ҳужжат топширди. Сентябрь ойида имтиҳонларни танлов асосида топширишга муваффақ бўлди. Унинг ҳаётида янги ўзгаришлар юз бериб, аспирантурада ўқишни бошлади.

Орадан кўп ўтмай, 1960 йилнинг май ойида Аҳмад Абдуллаев ўқишни Ленинград /ҳозирги Санкт-Петербург/ университети қошидаги аспирантурага кўчирди. 1963 йили уни битириб, мазкур университет профессори Александр Николаевич Болдирев раҳбарлигида «Адиб Собир Термизийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» мавзuidaги номзодлик диссертациясини Москва шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилди ва Душанбега қайтгач, Тожикистон Фанлар академияси ҳузуридаги Тил ва адабиёт институтига ишга кирди.

Аҳмад Абдуллаевнинг илмий фаолияти 1960 йилдан бошланган. Газета ва журналларда бирин-кетин ўнлаб мақола-лари чиқа бошлади. 1965 йили Адиб Собир Термизийнинг «Танланган асарлари»ни кирилл алифбосида «Муқаддима» шарҳлар билан эълон қилди. Кейин 1983 йили мазкур китобнинг кенгайтирилган вариантини нашр эттирди. Шу орада ушбу китобнинг арабча ва ўзбекча таржималари ҳам босилиб чиқди. Кейинчалик Адиб Собир Термизийнинг тўлиқ ва мукамал асарларининг илмий-танқидий нусхаси тайёрланди ва бу китоб 2001 йилда Эрон Ислom Республикасининг «Ал-худо» нашриётида чоп этилди.

А.Абдуллаев 1969 йили Адиб Собир Термизий ҳақида ёзилган рисоласини қайтадан ишлаб, нашр эттирди. 1974 йили афғонистонлик форс-тожик шоири Заҳриддин Форобий

ҳақидаги монографиясини 1979 йили «ХI асрнинг биринчи ярми форс-тожик адабиётининг тараққиёт йўллари» номли рисолини эълон қилди. 1983 йили «ХI асрдаги форсиёна лирик-шеърларининг жанр ва услуб масалалари» мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йили у Адиб Собир Термизий ҳақида илмий-оммабоп қисса яратди. 1986 йили С.Саъдиев билан биргаликда «Форсиёна адабиётининг ХII асрдаги тараққиёт йўли» бўйича янги рисоласини босмадан чиқарди. 1987 йили Абдулқосим Фирдавсийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб илмий очерк ёзди.

А.Абдуллаев 1990 йили Тожикистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 9-синф ўқувчилари учун эълон қилинган дарслик китоби юзасидан танловда қатнашиб, ғолиб чиқди. Орадан кўп ўтмай, 9-синф ўқувчилари учун ёзилган китоби (23 босма тобоқ ҳажмда 112 минг нусха) эълон қилинди. Ҳалигача, яъни ўн йилдирки, китоб дарслик вазифасини бажариб келмоқда. 1992 йили унинг Абу Абдуллоҳ Рудакий ҳақидаги ёзилган роман-тадқиқоти Тожикистоннинг «ИРФОН» нашриёти режасига киритилган эди. Аммо Тожикистонда фуқаролик уруши сабаб, ушбу китобнинг чоп этилиши иккинчи даражага тушиб қолди. Шунингдек, А.Абдуллаевнинг Носир Хисрав Қабодиёний ҳақида ёзилган катта ҳажмли роман-тадқиқоти ўз нашрини кутмоқда.

А.Абдуллаев 1963 йилдан 1986 йилгача Тожикистон Фанлар академиясининг илмий ходими, катта ва етакчи илмий ходими лавозимларида ишлаб келди. Айни пайтда Тожикистоннинг турли олий билимгоҳларида дарс ҳам бериб турди. 1987 йилдан Тожикистон давлат университети профессори лавозимида иш бошлади. 1990 йили Тожикистон қишлоқ хўжалик институти қошидаги тиллар кафедрасининг мудири бўлди.

1995 йили А.Абдуллаев Термиз давлат университети ректорининг ёзма таклифига биноан мутахассис сифатида Термизга келди ва шу пайтдан эътиборан университетда профессор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан «Термиз тари-

хи: унинг илмий, маданий ва адабий ҳаёти» номли монографиясини яратди. У юзлаб мақолалар муаллифи. 1960 йилдан ҳозиргача Тожикистон ва Ўзбекистон матбуотида изма-из мақолалари чоп этилиб келинмоқда. Хорижий давлатлар матбуотида ҳам қатор тадқиқотлар нашр этилган.

А.Абдуллаев ўз ишини яхши биладиган таниқли олим, етук мутахассис, ишчан, моҳир тадқиқотчи, ҳалол инсон, талабалар билан ишлашни яхши кўради. Иқтидорли талабаларга раҳбарлик қилади. Аспирантлари бор. Унинг раҳбарлиги остида номзодлик диссертациялар ёқланган. Ёш олимлар, изланувчиларга маслаҳатлар бериб туради. Ўзбекистон, Тожикистон ва Эрон матбуоти билан доимий равишда алоқада. Ҳозирги ўзбек адабий жараёнидаги муаммолар юзасидан ўй-хаёллари бор. Машҳур адибларимиз Шукур Холмирзаев, Усмон Азим, Барот Бойқобиловлар ижодига оид мақолалари эълон қилинган.. Ўтган йили Теҳронда А.Абдуллаев томонидан тайёрланган Адиб Собир Термизийнинг танланган асари чоп этилганлигини юқорида қайд этган эдик. Ана шу муносабат билан 2002 йилнинг апрел ойида у Ўзбекистонга расмий сафар билан ташриф буюрган Эрон Ислום республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамийнинг шахсий эсдалик совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, у — вилоят касаба уюшмаси «Адиб Собир Термизий» номидаги мукофот совриндори, республика, халқаро миқёсидаги конференцияларга кўп бор қатнашган. Айни кунларда XV аср ўзбек ва тожик адабиёти алоқалари масалалари юзасидан иш бошлаган. «XV асрнинг биринчи ярмида темурийлар даври тожик адабиётининг ривожланиш йўллари» номли монографиясини яратди.

Қудрат ЖҮРАЕВ,
филология фанлари доктори.
Жаъфар МУҲАММАД,
илмий тадқиқотчи

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ватан оғушида	4
Адиб Собир Термизий Нишопурда	18
Маҳбуслик, бадарғалик ва саргардонлик йиллари	24
Адиб Собир — ватанда, ҳаж сафари ва яна Нишопурда	34
Ташвишга тўла йиллар	40
Адиб Собир Термизий Марв шаҳрида	46
Адиб Собир Термизий элчи сифатида Хоразмда	60
Адиб Собир Термизий ижодиёти шоирнинг адабий ва илмий мероси	83
Адиб Собир Термизий лирикасининг роявий хусусиятлари	87
Адиб Собир Термизий табиат ва ишқ-муҳаббат куйчиси	106
К.Жўраев, Ж. Муҳаммад. «Муаллиф ҳақида сўз»	118

Адабий-бадний нашр

АҲМАД АБДУЛЛАЕВ

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ

Адабий-илмий рисола

Муҳаррир Санжар НАЗАРОВ
Рассом Баҳриддин БОЗОРОВ
Тех. муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО
Мусаҳҳиҳ Мақсуда ХУДОЁРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Екатерина НАЗАРОВА

ИБ № 3785

Босишга 05.05.2003й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 3,875. Шартли босма тобоғи 6,51. Адади 1000 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 126.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» масъулияти чекланган
жамияти босмаҳонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



АҲМАД АБДУЛЛАЕВ

1936 йил Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Пасурхи қишлоғида туғилган. Ўнлаб илмий монография ва китоблар муаллифи. Ўзбекистон ва хориж матбуотида юздан зиёд мақолалари чоп этилган.

Филология фанлари доктори, профессор.

Айни пайтда Термиз давлат университетида XV аср ўзбек адабиёти муаммолари юзасидан илмий тадқиқот олиб бормоқда.

